

САФО ОЧИЛ

# МУБОРАК КУНЛАР

(Шеърлар)

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлиги нашрга тавсия этган

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1994

Таниқли шоир, истеъдодли адабиётшунос олим Сафо Очилнинг номи «Умидвор қушча», «Қамалак ва сумалак», «Замин садолари», «Айтсамми ё айтмасам», «Бургут», «Қалб гулшани», «Орзулар кўкидаги шафақлар» каби шеърий, насрий ва адабиётшунослик масалаларига бағишланган китоблари орқали машҳур. Унинг барча асарлари халқ дарди, қувонч ва қайғулари билан йиланган.

Қўлингиздаги «Муборак кунлар» номли шеърий гулдастасига шоирнинг турли йилларда ёзган қўшиқбоп назмий асарлари жамланган. Уларда жумҳуриятимиз мустақиллиги оҳанглари, илоҳий кучқудратга ишонч, ватан ва халққа муҳаббат, покиза севги туйғулари куйланган.

Китоб ўрта мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари адабиёт муаллимларига, ўқувчи ва талабаларга, адабиёт ва мусиқа тўғрақлари қатнашчиларига, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

О 4702620202 — 82 Ахб. хат. — 94.  
353(04) — 94

ISBN 5 — 645 — 02379 — X

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1994

## МУАЛЛИФДАН

**Азиз шеърхон!** Яшириб нетаман, мени, аввало Худо, қолаверса, ўзимдан кўра яхшироқ биладиган зот йўқ. Феъл-атворимнинг анча мураккаб эканини тан оламан. Мени сал-пал ҳурмат қиладиган Инсонни (хоҳ оддий меҳнаткаш, хоҳ амалдор бўлсин) беқиёс қадрлайман, лекин қаҳрим жуда қаттиқ, меҳрим эса ғоят иссиқ, кўнглим юмшоқ. Ўзимга хос шу хусусиятлар шеърларимга кўчган бўлса ажаб эмас.

**Шеърларим** — қалбим ва мени ўраб олган муҳит тасвирию акс-садоси. Шунингдек, шахсан ўзим ва мен яшаган давр таржимаи ҳоли. Улардан чиқаётган овоз эса менинг овозим. Ким уни ниманинг овозига қиёс қилса, бу унинг иши. Бироқ муҳитда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга илмий, илмий-оммабон мақолаларим ва бошқа жанрлардаги камтарона ижодим орқали оддий бир фуқаро сифатида санимий муносабатимни билдиришим мумкин.

Талабалик давримда, яъни 60-йиллардаёқ миллий халқлар учун мустақиллик суви билан ҳаво каби зарур эканини тушуниб етганман. Бунинг сир-асрори, сабаблари «Қалб гулшани» номли китобимга кирган «Еднома» рисоласида ўз ифодасини топган.

Инсон кеча-кундуз меҳнат қилади, даромад қилади, эҳтиёжини қондириш ҳақида қайғуради. Топган даромадига яраша керакли нарсаларни аста-секин сотиб олиб, уй-рўзғорини бутлайди. Натижада, оила кун-кундан, йил-йилдан оёққа туради, ўзига тўқ яшайди. Агар у бировга қарам бўлса, пешона тер билан топган мол-мулкига бошқа хўжайинлик қилса, эрк-ихтиёри ўзида бўлмаса, ҳеч қачон рўёбга чиқолмайди, орзу-умидлари томоғида тош каби қотиб, эркин ва равон нафас ололмайди. Демак, оила мустақиллигида ҳикмат кўп. Мен миллат мустақиллигини ўша мустақил оила ҳаётига қиёс қилгим келади.

Марказий Осиё халқи хоразмишохлар, чунончи Жалолиддин Мангуберди, кейинчалик теурийлар салтанати даврида ягона давлат сифатида бутун дунёга ҳар

җомонлама машҳур ва манзур бўлгани тарихдан маълум. Қарийб 130 йилдан сўнг бу меҳнаткаш ва ижодкор калқ мустақилликка эришиб, ўз ўрнини топаяпти. Эриш учун курашган Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур, Сайид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхон соний — Феруз ва бошқа аجدодларимиз руҳлари шод бўлди.

Шу шодлик тароналари ва халқнинг қарам яшаган даврдаги қайғу-ҳасратлари, истиқлол шарофати туфайли қайта тикланган миллий анъаналар оҳанглари, мусулмончилик ақидалари жаранги «Муборак кунлар» номли шеърий китобимга жамланган. Улар, асосан, уч туркумга бўлинган: «Муборак кунлар», «Хоразм — жоним менинг», «Вафо нақшин дилга ўйдим».

Истиқлол таронаси, мен яшаган даврлар муҳити, миллий анъаналар ва дин-мазҳабга эътиқод каби маслагимни ўзимча самимий куйлашга интилдим. Улардан қандай хулосалар чиқариш ҳурматли ва зукко ўқувчилар ихтиёрида.

# МУБОРАК КУНЛАР



*Ўзбекистон қутлуғ тўйин  
олқишлайман,  
Шул туркумни истиқлолга  
бағишлайман.*

## **ЯРАШДИ**

*Халқнинг ёпиқ-яширин овоз бериши асосида сайланган биринчи Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон Олий Кенгаши 1991 йил 4 январь навбатдан ташқари сессиясида қўлларида Қуръони карим ила эл учун хизмат қилишга қасамёд қилди.*

Ислон номи билан бегумон,  
Қўлларига Қуръон ярашди.  
Омин дегай. аҳли мусулмон,  
Сафо дилга иймон ярашди.

Елкасида ўзбек чопони,  
Бошда дўппи — миллат осмони.  
Белда белбоғ — даври-даврони,  
Жанобимга жавлон ярашди.

Кўкси узра Қуръони карим,  
Онт ичди у мунис сарварим,  
Омон бўлсин инсонпарварим,  
Юртга даври-даврон ярашди.

Ишонинг, у қасамхўр эмас,  
Элдан бўлак ўзгани демас,  
Ҳамкор бўлинг унга, муқаддас  
Ўзбек отлиғ бўстон ярашди.

Таралибди хуш овозалар,  
Очилмиш ҳар ён дарвозалар,  
Нопоклардан ёнин тозалар,  
Бизга тоза виждон ярашди.

Эл ишончи муборак бўлғай,  
Сафо Очил, истиқлол кулғай,  
Ислон йўли гулларга тўлғай,  
Кулиб турган армон ярашди.



## ИЙМОНИМДА ИСТИҚЛОЛ

(Мувашшах)

Иймонимда истиқлол маҳзани ирфон\* қоладир,  
Гайриларким нолалар чекибон ўйга толадир.

Салаф мулуки\*\* тургай эгилиб ислом олдида,  
Қимки аҳли мусулмон муборак тахтга воладир.

Лутф айлаб табаррук шу юртимда барча жамул-жам,  
Гулистонга лаъл каби чирой бахш этган лоладир.

Олампаноҳ ўйлайдир кеча-ю кундуз эл дардин,  
Толса гар эл меҳридин бир умр қувват оладир.

Маҳобатли маконда шайтонат йўлин беркитиб,  
Ақл мулкин султони салтанат кўсин чоладир\*\*\*.

Сафо Очил ногаҳон овозин қўйиб баралла,  
Юрагини тор айлаб, истиқлол куйин чаладир.

---

\* Билим хазинаси.

\*\* Утмиш подшоларя.

\*\*\* Подшо бўлмоқ.

## **МУБОРАК КУНЛАР**

**Наврўз каби кел қошима, муборак кунлар,  
Раҳм айлагил бардошима, муборак кунлар.**

**Муборак кун изладим то зимистон ичра,  
Энди айлан йўлдошима, муборак кунлар.**

**Эй, наврўзи олам, борми ўзи қўлдошим,  
Қўл берайин қўлдошима, муборак кунлар.**

**Бу фақир ошиқни сийлаб, еткур мурода,  
Ақли расо ювошима, муборак кунлар.**

**Минг қуллуғким, яратганнинг ўзига, дўстлар,  
Еткурди эллик ёшима муборак кунлар.**

**Умр тилаб, ийд кўни дуо айладим,  
Ҳожи Ислом қуёшима, муборак кунлар.**

**Айём чоғи, Сафо Очя, бошдин ўтганин  
Баён айлай сирдошима муборак кунлар.**

## ҚУТЛУҒ БЎЛҒАЙ

Эй, қаҳрамон Ўзбекистон,  
Хурриятинг қутлуғ бўлғай.  
Кунлар келмиш дориламон,  
Хурриятинг қутлуғ бўлғай!

Эй, нуристон Ўзбекистон,  
Орқада қолмиш шабистон,  
Ниятингдир йўли равон,  
Пок ниятинг қутлуғ бўлғай!

Эй, гулистон Ўзбекистон,  
Истиқболнинг нурли макон,  
Қадринг сенинг олам жаҳон,  
Қадриятинг қутлуғ бўлғай!

Эй, қадристон Ўзбекистон,  
Кўксингдадир нури Қуръон,  
Аждодларинг руҳи шодон,  
Диёнатинг қутлуғ бўлғай!

Эй, эркистон Ўзбекистон,  
Сафо Очилга қадрдон,  
Исломи карим меҳрибон,  
Қароматинг қутлуғ бўлғай!

## ИСТИҚЛОЛ ФАХРИЯСИ

Бугун дилда сезаман ўзгача ҳолат,  
Гоҳи жўшқин қўшиғу ўтли муҳаббат,  
Бошланди-ей истиқлол, элда Адолат,  
Шу ҳаётга ташналик бор эди манда,  
Ўзбекистон боғларин кезиб юганда.

Тошкентдан сеп ёзар атрофга баҳор,  
Уни яйраб куйладим қалбим айлаб тор,  
Кўз-кўз қилар ўзлигин кўрсатиб виқор,  
Атрофимдир чаманзор, ҳаёт чаман-да,  
Ўзбекистон боғларин кезиб юганда.

Қулоғимга пичирлар зумрад япроқлар:  
— Инсонларнинг бахтини Инсон ардоқлар!  
Биргалашиб куйлайлик, келинг, ўртоқлар,  
Бир ажиб ҳис уйғонур жисмаро танда,  
Ўзбекистон боғларин кезиб юганда.

Юртим қиёс бўлибди кошоналарга,  
Кириб борсам, дўстларим, корхоналарга,  
Тўёналар қўшилур тўёналарга,  
Истиқлолга бариси, бу бизнинг шаънда!  
Ўзбекистон боғларин кезиб юганда.

Сойдан оққан сувларнинг шилдир-шилдири,  
Майсаларнинг мулойим шивир-шивири,  
Бари, бари юрагим асрори-сири,  
Юртим меҳрин ёдлашни қилмайман қанда,  
Ўзбекистон боғларин кезиб юрганда.

Қалбим янглиғ суюкли юртим муаззам,  
Куйлагум бор мадҳини ёниб мунтазам,  
Шеърларимда чиройи бўлмиш мужассам,  
Эркин нафас олурман гўзал масқанда,  
Ўзбекистон боғларин кезиб юрганда.

Кутган эдим шу кунни, дўстлар, интизор,  
Ҳосил бўлди муродим, умидим бисёр,  
Сафо Очил Хоразмий айтадир алёр,  
Бахтиёрман Ватанда, ота-Ватанда,  
Истиқлолим боғларин кезиб юрганда.

## МУСТАҚИЛЛИК ЛАПАРИ

Гуллар териб мустақиллик боғидан,  
Тўлқин-тўлқин сочларима тақарман.  
Ургилайин ошиғимнинг оҳидан,  
Эркаланиб, унга нозли боқарман.

Туғилишдан бавак\* додов\*\* турарми,  
Бир йил ўтмай равон-равон юрарми,  
Ўзбекистон ҳали гўё бир гўдак,  
Унга оғир юклар ортиб бўларми.

Кўкрагимиз тутиб энди шамола,  
Гўдагимиз етказамиз камола.  
Эй, ёронлар, оғир юклар олдида  
Руҳлар тушиб, борманг ёмон хаёла!

---

**Бавак** (хоразмча) — гўдак

\* **Додов** (хоразмча) — тижка

## БОР БЎЛСИН

Юраклардан сизган орзу китоби,  
Истиқлолим — бахт қомуси бор бўлсин.  
Орзуларим осмонининг офтоби,  
Истиқлолим — бахт қомуси бор бўлсин.

Элу юртим аҳди унда мужассам,  
Йўлчи Юлдуз каби доим мукаррам,  
Йўлларимга зиё тараб дамба-дам,  
Истиқлолим — бахт қомуси бор бўлсин.

Томиримда оқиб турган жонгинам,  
Жонимга жон берган қутлуғ қонгинам,  
Хуррам айлаб ушалган армонгинам,  
Истиқлолим — бахт қомуси бор бўлсин.

Умрим бўйи кутган кунлар бор экан,  
Энди қалбим жаранглаган тор экан,  
Сафо Очил, иқбол сенга ёр экан,  
Истиқлолим — бахт қомуси бор бўлсин.

## КЎРИНГ

Буюк элу юртга эътиқод рамзин  
Абдуғани ўғли Ислонда кўринг.  
Қуёш каби ёрқин истейдод рамзин  
Абдуғани ўғли Ислонда кўринг.

Азиз инсон борки, англа халойиқ,  
Равзаи заркорга\* лойиқдир, лойиқ,  
Кимники мўътабар билсалар Холиқ,  
Абдуғани ўғли Ислонда кўринг.

Тавоф айланг, дўстлар, истиқлол тоғин,  
Муқаддас, табаррук истиқбол боғин.  
Адолат, Диёнат, Тинчлик маёғин  
Абдуғани ўғли Ислонда кўринг.

Йўргакланиб, янги туғилган йймон,  
Авайлангай гўё мурғак бир инсон,  
Дилларга завқ берган асрий шу армон  
Абдуғани ўғли Ислонда кўринг.

Қабиҳ ният синсин шишадай чил-чил,  
Гулшанда бир умр яйрасин булбул,  
Ўзбекистон бахтин, эй, Сафо Очил,  
Абдуғани ўғли Ислонда кўринг.

---

\* Олтин қаср



## ЭРГАШИНГ

Дўстлар, нозили Оллоҳ исломга эргашинг,  
Нур сочиб турган гулфомга эргашинг.

Истиқлол бўй кўрсатган висол айёмида  
Худо берган муборак айёмга эргашинг.

Ислом мулкига сайқал тафаккур гулшани,  
Бу бўстон аро нафис илҳомга эргашинг.

Бир кун жанжал чиққан уй кўрмагай қирқ йил ризқ,  
Ғазабни қўйиб, ширин каломга эргашинг.

Эзгулик касб этмишдир бизнинг туркий эллар,  
Зиёга зорлар, туркий ақвомга\* эргашинг.

Сафо Очил, қалбимда юртим муҳаббати.  
Томиримда мавж урган мақомга эргашинг.

---

\* Қавмлар

## КЕЗАРМИШ

Истиқлол бўстонида  
Пир илҳом кезармиш,  
Субҳидам ниҳолларга  
Айлаб салом кезармиш.

Ниҳоллар камол топиб,  
Бўлғай юртнинг сайқали,  
Дебон қувнаб азизу  
Аҳли авом кезармиш.

Ҳузур топар бу юрак  
Қилиб барин тамошо,  
Бир ён яйраб булбулдай  
Ширин калом кезармиш.

Огоҳ бўлинг, гулшанга  
Қараб қоработирлар,  
Пана жойдан ўшқирар,  
Гоҳи дашном кезармиш.

Сафо Очил, ўксинма  
Қўллар Аллоҳнинг ўзи,  
Бу бўстонда сергак бир  
Руҳи ислом кезармиш.

## ЕТДИМ

Уйлабман, туғилиб бахт-иқболима етдим,  
Ватан ичра нурли истиқболима етдим.

Умид ўсар эди мурғак қалбда гуркираб,  
Алданиб-алданиб, хом хаёлима етдим.

Бир чеккада қолдим ёлғиз тўрт ён термулиб,  
Адолат касб этиб шу аҳволима етдим.

Адолатсиз дунё экан, дўстлар, бу дунё,  
Охийри кутмаган не заволима етдим.

Мен чекмаган қайғу-алам йўқ бу дунёдан  
Оздиргувчи ёвуз бир излолима\* етдим.

Эй, ёронлар, хароб ўтди эллик йил умрим,  
Кўзимда ёш ила истиқлолима етдим.

Истиқлол сарвари Ислом оғамдир сабаб,  
Сафо Очил, бугун бахт-иқболима етдим.

---

\* Тўғри йўлдан оздирувчи.

## ХУШТОР ЭТМИШАМ

Эй, рафиқо, кўнглим санго изҳор этмишам,  
Кўнглинг санинг кўнглим каби баҳор этмишам.

Умрим бўйи орзу қилган айём чоғлари  
Келди бугун қўшиқ айтиб алёр этмишам.

Элу юртим истиқлоли илҳом бахш этмиш,  
Дилда борим ўзимга хос ашъор этмишам.

Жамол очмиш то топталган гулшанлар  
Қи сайр этиб авлодларим хуммор этмишам.

Сафо Очил, кунлар келар ҳали сафоли,  
Қи хуш кўриб сизни ўзга хуштор этмишам.

## АССАЛОМ

Қўлим кўксимда, ёлғиз Оллоҳга салом, ассалом,  
Йўлим ёритгай Ҳақ берган нури инъом, ассалом,  
Ақлим чироғи — Қуръони илми калом\*, ассалом,  
Барқарор бўлгай ислом юртида ислом, ассалом,  
Бахтлиман, ислом мулкида эрсам гулом, ассалом.

Муборак бўлсин, истиқлол сари элтган сарбоним,  
Фидолар айлай қутлуғ амрига жони-жаҳоним,  
Худо шоҳидким, бир умр бутдир виждон, йймоним,  
Қўлим кўксимда, ёлғиз Оллоҳга салом, ассалом,  
Барқарор бўлгай ислом юртида ислом, ассалом.

Онт ичиб доим, солиҳман деган унсурлар битмиш.  
Ишин битказиб, ёқамдан тутган йймонсиз йитмиш.  
Сафо Очил ки Адолат билан манзилга етмиш,  
Қўлим кўксимда, ёлғиз Оллоҳга салом, ассалом,  
Барқарор бўлгай ислом юртида ислом, ассалом.

---

\* Эътиқод илми.

## НОШУКУР БЎЛМА

1992 йил бошида Талабалар шаҳар-  
часида аллақандай мансабпарастлар  
иғвоси туфайли нохуш ҳодиса рўй  
берган эди.  
Берган эди.

Жўлга кирди бугун истиқлол,  
Болагинам, ношукур бўлма.  
Дунё илмин англа бемалол,  
Болагинам, ношукур бўлма.

Қалб уйингга шайтон кирмасин,  
Вас-вас айлаб, йўлдан урмасин,  
Жинлар такрор даврон сурмасин,  
Болагинам, ношукур бўлма.

Ичдан чиққан душман ёмондир,  
Амалпараст гўё чаёндир,  
Айтмоқ бўлган сўзим аёнди?!  
Болагинам, ношукур бўлма.

Иқилганлар курашга тўймас,  
Ожизлигин ё улар туймас,  
Номардларни халойиқ суймас,  
Болагинам, ношукур бўлма.

Динсизларда иймон бўлмағай,  
Иймонсизда виждон бўлмағай,  
Авлодимиз сарсон бўлмағай,  
Болагинам, ношукур бўлма.

Дўзах надир, барин мен кўрдим,  
Нажот излаб ҳар ён югурдим,  
Қонлар йиғлаб, қонлар тупурдим,  
Болагинам, ношукур бўлма.

Истиқлолинг қўлга кирганда,  
Исломи сени қўллаб турганда,  
Бўлмай десанг агар шарманда,  
Болагинам, ношукур бўлма,

Сафо Очил, кўз ёш тўкарман,  
Ахир, сенинг дардинг чекарман,  
Гар хоҳласанг тизлар чўкарман,  
Болагинам, ношукур бўлма.

\* \* \*

Ажаб замон бўлди, ажаб замон-эй,  
Тили бошқа, дили бошқа ёмон-эй,

Тўрга ўтиб олиб айёр олғирлар,  
Ўлжасини излар гўё қашқирлар.

Шоирман деб ношуд кимса қандайдир,  
Халқ номидан сўзлаб халқни алдайдир.

Аслин суриштирсанг ёвуз гуруҳбоз,  
Мансабга ўлгудай юрар ишқибоз.

Элу юртнинг ортар унга нафрати,  
Чунки улдир замонамиз иллоти.

Гуруҳбоздан йироқ бўлинг, одамлар,  
Токи келтирмасин қайғу, аламлар.

Истиқлол боғига етмагай зиён,  
Бахиллар макридан асрайлик омон!



## ИСЛОМ НЕЪМАТИ

Эй ёронлар, бошим кўкка етарди,  
Ислому неъматидан баҳраманд бўлсам  
Қайғу-ғамлар дилдан нари кетарди,  
Ислому неъматидан баҳраманд бўлсам

Нури Қуръон кўнглим нурафшон айлар,  
Амри виждон тинмай имтиҳон айлар,  
Аҳли инсон шунда жонажон айлар,  
Ислому неъматидан баҳраманд бўлсам

Маслагим машъали исломи карим\*.  
Истиқболим илми каломи карим,  
Завқ берар доимо илҳоми карим,  
Ислому неъматидан баҳраманд бўлсам

Истиқлол зиёсин тўтиё айлай,  
Сафо Очил, дилга жобажо айлай,  
Дардимга малҳами мўмиё айлай,  
Ислому неъматидан баҳраманд бўлсам

\* Кароматли

## ТУРКИСТОН МАДҲИ

*Муҳтарам Абдуғани ўғли Ислоҳ Каримов Марказий Осиё мамлакатларининг бирлиги ва ҳамжиҳатлиги ғоясини илгари сурмоқда.*

Жала ёриб муздан, хазон бўлган гулистон,  
Униб чиқди такрор ушалмаган не армон,  
Жалолиддин, Темур қурган олтин иморат,—  
Бул жаҳон ганжида қилар ўзин намоён.

### На қ а р о т:

Бирдашайлик, ислом бўлсин дилда ҳукмрон,  
Хуррият йўлида Қуръон қўллар бегумон!  
Эзгу ниятимиз, иншооллоҳ, жобажо,  
Гулласин, яшнасин эркин, озод Туркистон!

Оққан дарё оқмай қолмас, билгил, эй жаҳон,  
Қўлни-қўлга берсак иймон билан ёнма-ён.  
Ер юзида туркий эллар, юртлар, жам бўлинг,  
Истиқлол дардида ёнган ҳар бир мусулмон!

### На қ а р о т

Бир тилда сўзлашган мардлар чиқса майдона,  
Дол қолгай зўравон ҳоким бўлган замона.  
Қўнглингиз тўқ бўлсин, бошлар узра бир умр.  
Ислоҳ тури юксак ҳилпирайди ягона!

### На қ а р о т.

## КЕЛАЖАКДАН

Истиқлол богида бир-бир,  
Хур кўринди келажакдан.  
Базм аро бокира, масрур,  
Қур\* кўринди келажакдан.

Сир сақлайин, дўстлар, нетиб,  
Надир турар келиб-кетиб,  
Армонларим йилт-йилт этиб,  
Бир кўринди келажакдан.

Ишқида зор сўзлаб юрган,  
Юраккинам жизлаб юрган,  
Умрим бўйи излаб юрган,  
Дур кўринди келажакдан.

Нур югурди юзларимга,  
Чопдим боқмай изларимга,  
Сафо Очил, кўзларимга,  
Нур кўринди келажакдан.

---

\* Қур (хоразмча) — базм қураётган оломон.

## ЎЗБЕКИСТОНСАН

Эй, ота-юртим, меҳрга консан,  
Давр ила даврон, жисмаро жонсан,  
Кўнглим қувончи — мусаффо тонгсан,  
Жаҳонда ёлғиз тиниқ осмонсан,  
Мисоли офтоб Ўзбекистонсан.

Танлаб бир умр тинчлик йўлини,  
Кўксимга тақдинг софлик гулини,  
Олқишлаб тутдинг дўстлар қўлини.  
Эй ота-юртим, меҳрга консан,  
Мисоли офтоб Ўзбекистонсан.

Қуръондай одил фармони олий,  
Эл ичра кирмиш имкони олий,  
Шу фармон сурган даврони олий,  
Эй ота-юртим, меҳрга консан,  
Мисоли офтоб Ўзбекистонсан.

Эй Сафо Очил, юртда табассум,  
Табассум кўркин айла тараннум,  
Жаҳон кўргузди ширин такаллум,  
Эй ота-юртим, меҳрга консан,  
Мисоли офтоб Ўзбекистонсан.

## БАҲОР КЕЛИБДУР

Солланиб сулув дилдор келибдур  
Кулиб кўзлари хуммор келибдур,  
Кўргани бизни дийдор, келибдур,  
Шоир соғинган баҳор келибдур,  
Оқиб бахт тўла анҳор келибдур.

Истиқлол боғин тавоблар айлар,  
Лола баргидан гулоблар айлар,  
Нўш қилинг дея хитоблар айлар,  
Шоир соғинган баҳор келибдур,  
Оқиб бахт тўла анҳор келибдур.

Баҳор йўлига чиқибман пешвоз,  
Чехраси, ҳай-ҳай, мунча дилнавоз,  
Интиқ кунларим бугун сарафроз,  
Шоир соғинган баҳор келибдур,  
Кўргани бизни дилдор келибдур.

Сафо Очилга бир боқиш қилғил,  
Меҳмоним эмас, мезбоним бўлғил,  
Езилмай қолган дostonим бўлғил,  
Шоир соғинган баҳор келибдур,  
Кўргани бизни дийдор келибдур.

## МУБОРАК БЎЛСИН

**Кулиб** келди наврўз, ёронлар,  
**Наврўзингиз** муборак бўлсин.  
**Олқиш** сизга, эй мусулмонлар,  
**Наврўзингиз** муборак бўлсин.

**Илон-чаён** захрини тотган,  
**Лекин** соғайиб юртига қайтган,  
**Эзгуликдан** қўшиқлар айтган,  
**Наврўзингиз** муборак бўлсин.

**Юмшаб** кетмиш қаҳримиз, дўстлар,  
**Очилибди** баҳримиз, дўстлар,  
**Тўлиб** қолди бағримиз, дўстлар,  
**Наврўзингиз** муборак бўлсин.

**Ювилибди** дилда ғуборлар,  
**Энди** шўх-шўх янграсин торлар,  
**Юртни** тутсин қадим «ёр-ёр»лар,  
**Наврўзингиз** муборак бўлсин.

**Сафо,** очил, очилди эллар,  
**Эллардан** меҳр ичар кўнгиллар,  
**Иқбол** тилаб тутмоқда гуллар,  
**Наврўзингиз** муборак бўлсин.

## НАВРУЗ УИНАР

Ўзгардими замонлар,  
Ушалдими армонлар,  
Яшасин наврўзимиз,  
Қайтиб берган инсонлар!

Ўйнар, қора кўз ўйнар,  
Сулув дилафрўз ўйнар.  
Даврамизни тўлдириб,  
Навқирон наврўз ўйнар.

Туйғуси нозик-нозик,  
Кулгуси нозик-нозик,  
Наврўз билан юртимиз  
Бўлгуси нозик-нозик.

Сафс Очил келдими,  
Тўйдан огоҳ бўлдими,  
Наврўзи олам, ҳай-ҳай,  
Биздан кўнгли тўлдими?

## ТУРҒУТ ҲЗОЛ

*Туркиянинг марҳум президенти муҳ-  
тарам Турғут Ҳзол жаноб олийларига*

**Хуш галдинг, салом аввал, Турғут Ҳзол,  
Меҳримни айтай тугал, Турғут Ҳзол,  
Бермагай ҳеч ким халал, Турғут Ҳзол.  
Гардашлигим чўх асал, Турғут Ҳзол,  
Сан билан базмим гўзал, Турғут Ҳзол.**

**Гўрсам ҳам инонмадим гўзларима,  
Юзларинг ўхшар экан юзларима,  
Сўзладим жило бермай сўзларима,  
Гардашлигим чўх асал, Турғут Ҳзол,  
Сан билан базмим гўзал, Турғут Ҳзол.**

**Дўст бўлди Турғут Ҳзол, Ислом оғам,  
Ҳамжиҳат икки девон-битта олам,  
Ёронлар, ётдир биза қайғу-алам,  
Гардашлигим чўх асал, Турғут Ҳзол,  
Сан билан базмим гўзал, Турғут Ҳзол.**

**Ҳзгарди бугун эски замоналар,  
Ҳзбекча янграб турсин тароналар,  
Зар бўлар ўзинг босган остоналар,  
Гардашлигим чўх асал, Турғут Ҳзол,  
Сан билан базмим гўзал, Турғут Ҳзол.**

**Кўнглимни гулзор этдим, Сафо Очил,  
Дўст учун гул дасталар ошуфта дил,  
Қондошлик гулшанлари, очил-очил,  
Гардашлигим чўх асал, Турғут Ҳзол,  
Сан билан базмим гўзал, Турғут Ҳзол.**



## МАРСИЯ

Тушимдами ё ўнгимда йўқотдим,  
Турғут Узолим қани, ёронлар?  
Юрагим жизлаб, қоврилиб ётдим,  
Турғут Узолим қани, ёронлар?

Ичимда бағрин тилар йилдирим,  
Ёки фарёдим билар йилдирим,  
Азроил қачон ўлар, йилдирим,  
Турғут Узолим қани, ёронлар?

Турклар дўғонин излаб қон йиғлар,  
Қон қақшаб дилда не армон йиғлар,  
Мен каби аҳли мусулмон йиғлар,  
Турғут Узолим қани, ёронлар?

Сафо кулгуси элимда қолди,  
Езган мадҳиям қўлимда қолди,  
Юзи қаролиғ ўлимда қолди,  
Турғут Узолим қани, ёронлар?

## КУЙЛАЙМАН

Баҳор каби борлиғимга нақш битган,  
Нафосатли ватанимни куйлайман.  
Эллар ичра бахтли ҳаёт бахш этган,  
Қароматли ватанимни куйлайман.

Шивирламанг, бир пас тўхтанг, япроқлар,  
Қўшиғимга қулоқ солинг, гулбоғлар.  
Овозимга садо беринг, эй тоғлар,  
Латофатли ватанимни куйлайман.

Ҳур элимнинг ҳар бир гули раъноси,  
Шул муқаддас тупроғимиз шайдоси.  
Ашъориму ҳаётимнинг маъноси,  
Саодатли ватанимни куйлайман.

Қишлоғимнинг бари — яйлов даласи,  
Орзуларнинг орзулари, сараси, —  
Менга айтган мунис онам алласи,  
Назокатли ватанимни куйлайман.

Ҳилпирайди мустақиллик байроғи,  
Йўқдир энди шодлигимиз адоғи,  
Бир умрга Сафо Очиқ ардоғи,  
Матонатли ватанимни куйлайман.

## ҚАҲРАМОН

(Муҳтарам Бектош Раҳимовга  
ҳурмат ила)

Олий унвон келди унга меҳнатдан,  
Ва шаънига сўз айтилди ҳурматдан,  
Тўлқинланиб ул таратган шуҳратдан,  
Айтгим келур:— Акам менинг қаҳрамон.

Эллар оша кезиб, хаёл сураман,  
Ҳар бир боғда акам меҳрин қўраман,  
Ул яратган боғда яйраб юрибман,  
Айтгим келур:— Акам менинг қаҳрамон.

Мустақиллик истиқболли бахт берди,  
Бахт-иқболи меҳнат учун аҳд берди,  
Фаҳрийлар мулкида олтин тахт берди,  
Айтгим келур:— Акам менинг қаҳрамон.

Қалби тоза, беғубордир, беғубор,  
Элу юртга қўйган юксак меҳри бор,  
Сафо Очил ҳар он такрору такрор  
Айтгим келур:— Акам менинг қаҳрамон.

## УНВОНИМ БОР

Нафис гулшан ичра қурган маконим бор,  
Эл дилинда азиз номи-нишоним бор.


Ўзбекистон осмонида эркин қушман,  
Сайрай десам ширин-шаккар забоним бор.

Адаштира йўлдан гаҳи сирли сароб,  
Қи донмо йўл кўрсатар сарбоним бор.

Истиқлолим кўркам айлар истиқболим,  
Худо назар солган қутлуғ посбоним бор.

Бахтимдан ўргилай, мадад илҳомимга,  
Сафо Очил деган улуғ унвоним бор.

# ХОРАЗМ ЖОНИМ МЕНИНГ



## МУВАШШАХЛАР

*1994 йили фан ва маданияти, нодир меъморчилиги билан нафақат бизнинг эрамизда, балки эрамиздан аввал ҳам бутун жаҳонни лол қолдирган азим Хоразм маркази — Хива 2500 йиллигини байрам қилади. «Хоразм — жоним менинг» номли туркум қўшиқларимни таъзим ила шу санага бағишлайман.*

### 1

**Хоразмдай гулшан борми зебо-зебо,  
Гулшанин ҳавоси мунча сафо-сафо.**

**Осмони биллурдай тиниқ бир ўлкаки,  
Эркин парвоз этар ҳали ҳумо-ҳумо.**

**Равнақ топиб қалбим ичра бора-бора,  
Таралса не ажаб нодир наво-наво.**

**Авлиёлар руҳин шод этмак муродим,  
Қи Хоразм номин авайлаб доимо.**

**Заковат мулкида аҳли зариф заркаш,  
Жайҳун бўйларида кезмиш шайдо-шайдо.**

**Малоҳат масканин малиҳ ул мулкдори,  
Қи ёр Сафо Очил Хоразмга илло.**

### 2

**Жаннатмакон жойлар юрагимга жо,  
Шул масканда таъзим этгай ҳурлиқо.**

**Олам осмонида гўзал Хоразм,  
Эркин юлдуз мисол чарақлар танҳо.**

**Нафосат боғларин соғиниб ёндим,  
Билсам, кўнглим ўзи бўстони саро.**

Илтижо айларам, эй моҳи малак,  
Саро бўстон сари келгил, марҳабо.

Муҳобот этурман, эй Сафо Очил,  
Хоразм аталмиш бу гулшан аро.

### 3

Мағрибдан Машриқ қадар то,  
Ки Хоразм эди доро.

Елкага ортиб юрт юкин,  
Жалол бўлмиш элдин жало\*.

Нортуядек борар норғул,  
Оҳ тортадир чўлу сахро.

Иймон келтириб бирликка,  
Оёғидин чиқар садо.

Насиб этсин, иншооллоҳ,  
Оқмай қолмас оққан дарё,

Гулоб бергил, Сафо Очил,  
Нўш айлабон тузай наво.

### 4

Юрт меҳри ҳамду санодир, сано,  
Эл аро зебо лайлодир, лайло.

Рангин гулзорлар товланиб ҳар дам,  
Вафо ганжига жиллодир, жило.

Алпомиш қадли не йигитларки,  
Қалбида ўчмас иншодир, иншо.

Кавсар булоғи не ҳожат бизга,  
Юрт меҳри танга шифодир, шифо.

---

\* Ватандан ажралиш, ҳижрат қилиш.

Давомат этгай куйланиб шеърим,  
Дилкушо нафис садодир, садо.

Андух билмасмен, эй Сафо Очил,  
Дилда эл-юртим лайлодир, лайло.

## 5

Қиёмат-қойим бўлмас асло,  
Қўлласа агар юртим худо.

Офият аҳли, эй Хоразм,  
Пешвосан ўзинг умри бақо.

Надомат топмас бу олам гар,  
Аҳли мусулмон бўлса асо.

Имоним комил, эй яхшилар,  
Хоразм асли хуршид сиймо.

Муножот айлай, Сафо Очил,  
Оллеҳнинг ўзи бергай фатво.

## 6

Маҳзун элим қашшоғу гадо,  
Сийнасида оҳ урар жафо.

Енг шимариб чиқмай майдонга,  
Истамайдир ҳеч кимга ийзо\*.

Не офатки мунча ювошлик,  
Ювош бўлманг, йўқолсин юхо!

Иблисларга шафқат қилмангиз,  
Ушбу йўлда тилайман зако.

Нуктадонлиғ лозимдир бугун,  
Булганмасин мусаффо ҳаво.

---

\* Хижолат қилиш, озор бериш.



Тул баргига, эй Сафо Очил,  
Ёзилгуси ажойиб имло.

7

Воҳамда ҳақиқий истиқлол бўлсин,  
Ғийбатчи ғанимлар тили лол бўлсин.

Армон билан ўтган шаҳидлар руҳи,  
Қи мустақил юртда истиқбол бўлсин

Саришта айлабон уни авлодлар,  
Умрида тоабод бахт-иқбол бўлсин,

Фидойи элдошлар қадри бир умр,  
Кон-кондан унган бир нав-ниҳол бўлсин.

Иттифоқ бўлишдир ҳурлик шиори,  
Миллатим бирликда баркамол бўлсин.

Навосоз Херазм, эй Сафо Очил,  
Сайригоҳим менинг бемалол бўлсин.

8

Куфр дайрида бошим чиқмади кулфатдан,  
Вале бош тортмадим эл учун хизматдан.

Уммати мусулмон қўй каби ювош зот,  
Оҳ тортдим мўминлар чеккан уқубатдан.

Йилон муҳра қўрдим рақиблар оғзида,  
Худойим асрасин шундай касофатдан,

Ланж бўлмай, халойиқ, уммоллар қаламин,  
Янчиб ташлаб, фориг бўлинг ҳалокатдан.

Ажойиб кунларни буюргай Яратган!  
Кун келарки бизга қутулмоқ гурбатдан.

Шарру хайрдин бўл огоҳ, Сафо Очил,  
Буюргай сенга ҳам роҳат-фароғатдан.

9

Бир умр кўксимда оҳим ниҳон,  
Ошкор этолмасдан дилда армон.

Ижобат айламас замон зулми,  
Дорлар бошим узра ларзон-ларзон,

Рақибимдир менинг ҳукми даврон,  
Адолат ниҳолин топтар ҳар он.

Устхоним оқармиш, найлай, дўстлар,

Мағлуб эрмас қалбим шижоати,  
Аҳволимдан кулар шайтон-шайтон.  
Олдимда беш эгар довон-довон.

Раият бирла мен, Сафо Очил,  
Армоним қилурман дoston-дoston.

10

Савдойи бўлмасин деб, ўзинг кўрсатмай қўйдинг.  
Ҳавойи бўлмасин деб, ўзинг кўрсатмай қўйдинг.

Ўрта бўйли қалам қош, қандай берайин бардош,  
Бир умр кулмасин деб, ўзинг кўрсатмай қўйдинг.

Надир менинг гуноҳим, етгай оҳингга оҳим,  
Е биров билмасин деб, ўзинг кўрсатмай қўйдинг.

Матир рўмолинг ўпай, зебо жамолинг ўпай,  
Тафтимда сўлмасин деб, ўзинг кўрсатмай қўйдинг.

Анвойи гуллар тотли, қалбимда сулув отли,  
Гулимни юлмасин деб, ўзинг кўрсатмай қўйдинг.

Сафо Очил, орзулар тарк этмасин қайғулар,  
Уйларим бўлмасин деб, ўзинг кўрсатмай қўйдинг.

Арши аъзам эли нолишим тинглаб,  
Омин демасмикан тилагим англаб.

Раият дардида зулматда ёниб,  
Нурафшон кунларни қилурман талаб.

Маслагим бол йиғгай гулзор ичраким,  
Асалари янглиғ ҳар кун эрталаб.

Ошкор айлай кўрган ситамим бир-бир,  
Эшакари қувмиш боғдан силталаб.

Ниятим холисдир, табиатнинг неъматин,  
Элга бермоқ эди йиғиб битталаб.

Ижобат бўлғайким эл-юртга қайғум,  
Ичимда ўйларман дардим эркалаб.

Мушки анбар таровати то ҳануз,  
Сафо Очил қалбин қўймиш эгаллаб.

12

Муаззам Хоразмни тавоф этинглар,  
Ёд этиб, дил кўкида офтоб этинглар.

Етти иқлим етмиш минг порадири токи,  
Висолин шарбатидан гулоб этинглар.

Насиб этмасин гулоб ғайри ниятга,  
Қи ғайрилар қадамин хароб этинглар.

Истиғнолар айласин аҳли пок васли,  
«Феруз» айтиб кўнглимни шитоб этинглар.

Наздимда ҳурлиқолар васфидир бир пул,  
Менинг учун юрт васфин сероб этинглар.

Гавҳар, инжу керакмас, эй Сафо Очил,  
Хоразм тупроғин тавоф этинглар.

## ХОРАЗМГА

Бирор гулшан эмас қиёс  
Хоразмга, Хоразмга.  
Керакмайдир сунъий пардоз  
Хоразмга, Хоразмга.

Хоразмнинг одамлари,  
Кенгдир юрак оламлари,  
Ярашибдир, ҳай-ҳай, мумтоз,  
Хоразмга, Хоразмга,

Хоразмдир жонн-танним,  
Туғилиб-ўсган масканим,  
Қўшиқларим этгай парвоз,  
Хоразмга, Хоразмга.

Жўшиб куйлар ҳар бир гиёҳ,  
Ҳамроҳ, ахир, Расудуллоҳ,  
Худо берган майин овоз  
Хоразмга, Хоразмга.

Оқиб турар меҳри наво,  
Боғлар аро сеҳри садо,  
Келсин аҳли назми ниёз,  
Хоразмга, Хоразмга.

Сафо Очил содиқ ёрсан,  
Учар қушдай учиб борсам,  
Бир дилафрўзу дилнавоз  
Хоразмга, Хоразмга.

## ХОРАЗМ

Тулар терсам боғларингни  
Кезиб гўзал Хоразм,  
Сенинг ишқинг юрагимда  
Жўшар ҳар гал, Хоразм.

Қўлимизда ҳилпирайди  
Мустақиллик байроғи,  
Эрк яратган гулбоғларга  
Борар жадал, Хоразм.

Булоқ қаби тоғияб турган,  
Пок-бесғубор меҳримдан,  
Сенинг учун қалбим ичра  
Қурдим ҳайкал. Хоразм.

Қабул айла яшнаб турган  
Дилбоғимдан гулчамбар,  
Сафо Очил сени куйлаб,  
Ёзди ғазал, Хоразм.

## ЖОНИМДА ХОРАЗМ

Тиғи қисмат бенасиб айлади гулдин мани,  
Хоразм отлиғ беҳишт ажойиб элдин мани,  
«Х» ҳарфининг олдида фарқим йўқ қулдин мани,  
Розиман шу ҳолима урмангиз йўлдин мани,  
Дардим айтурман худо қўймаса тилдин мани.

Аҳли амал халқ эмас, амал учун талашар,  
«Халқ» сўзин ниқоб этиб, минбарлар сари шошар,  
Лозим бўлса дамо-дам ит ялоғин ялашар,  
Узин билган донони оловларда қалашар,  
Қувлаб Хоразм отлиғ ажойиб элдин мани.

Жалолиддин ҳокини келтиргувчи топилмас,  
Ҳокин келтириб руҳин кулдиргувчи топилмас,  
Аждодларга ҳурматин билдиргувчи топилмас,  
Гулшавдан сассиқ алаф юлдиргувчи топилмас,  
Тиғи қисмат бенасиб айлади гулдин мани.

Тўғри сўзим боиским кул қилғич ўтлар кўпдир,  
Балки изимда юрган искағич итлар кўпдир,  
Гоҳи кириб қўйнимга қон сўргич битлар кўпдир,  
Худодан умидим кўп барака-қутлар кўпдир,  
«Х» ҳарфининг олдида фарқим йўқ қулдин мани.

Ҳақ ёрлақаб бир умр софликдан айрилмайин,  
Орзуларим муборак ипакдай майин-майин,  
Сафо Очил гуркираб топгай ривож кун сайин,  
Келиб вақти-соати қанотим қайрилмайин,  
Дардим айтурман худо қўймаса тилдин мани.

## ХОРАЗМЛИК ЙИГИТЛАР

Сулувга ён беради  
Хоразмлик йигитлар,  
Ишқдан нишон беради.  
Хоразмлик йигитлар.

Қизлар деса «оғажон»,  
Ишонинглар бегумон,  
Жонига жон беради.  
Хоразмлик йигитлар.

Жозибасин айлаб фан,  
Айирмай елкасида,  
Тахти равон беради,  
Хоразмлик йигитлар.

Дардини дарҳол туйиб,  
Севги шаробин қуйиб,  
Уммон-уммон беради  
Хоразмлик йигитлар.

Товус қадам келсинлар,  
Бўлиб олам келсинлар,  
Қалбга түгён беради,  
Хоразмлик йигитлар.

Дерлар: «Сафо, очил-ҳай».  
Дейман: «ғунчам очилгай»,  
Даври-даврон беради,  
Хоразмлик йигитлар.

## ЭЙ, ОНА-ЮРТ

Кетмадим эй Она-юрт,  
Бағрингдан безор бўлиб,  
Ахир, ким ҳам истайдир  
Юрмак хору зор бўлиб.

Қазо-қазолар ҳукми  
Айлаган таъсир боис,  
Ҳаттоки қариндошлар  
Талашди ағёр бўлиб.

Қон қақшадим неча бор  
Етиб уй қамоғида,  
Ҳокимлар кун бермади  
Шафқатсиз гаддор бўлиб.

Гўдаклар етим қолиш  
Хавфи туғилган чоғлар,  
Чексиз кенг жаҳон кетди  
Кўзларимга тор бўлиб.

Элу юртим соғиниб  
Қон ютарман шу кунлар,  
«Х» ҳарфин кўрган замон  
Яшнаймак баҳор бўлиб.



«О» омад бахш айлайдур,  
«Р» кўтариб руҳимни,  
«А» ни кўрган амалдор  
Қолғай у абгор бўлиб.

«З» бағрида зарифлар  
Сайрон-сайрон кезадир,  
«М» дан мўралар доим  
Ватанга хуштор бўлиб,

Нодонлар амридадир  
Илму санъат гулшани,  
Дайдир аҳли фузало  
Илло ҳокисор бўлиб.

Сафо Очил ёзуғи  
Надир, аё дўстлар,  
Наҳот қолурман юртдан  
Йироғда мозор бўлиб.

## ҚУШҚУПИР ФАХРИЯСИ

Хоразм кўксинда яшнайдн бўстон,  
Истиқлол гаштини суриб бахтиёр.  
Халқларнинг кўнглинда ушалди армон,  
Дўстлар даврасинда қадди улуғвор.

На қ а р о т:

Қароматли, буюк ишларга қодир,  
Хоразмнинг фаҳри, қутлуғ маконсан.  
Мисоли бобомиз Нуржон баҳодир,  
Қўшқўпир отлиғ бир марди-майдонсан.

Муборак кун келди мунча сафоли,  
Шуурлар байроғи дилда ифтихор!  
Шаҳдам одим ташланг олға садоли,  
Эътиқод гулшани сизга интизор!

На қ а р о т:

Қароматли, буюк ишларга қодир,  
Хоразмнинг фаҳри, қутлуғ маконсан.  
Мисоли бобомиз Нуржон баҳодир,  
Қўшқўпир отлиғ бир марди-майдонсан.

## ҚИШЛОҒИМ

*Униб-ўсган қишлоғим  
Қўнғирот деб аталган.*

Жондан азиз униб-ўсган қишлоғим,  
Ажойиб бир Қўнғиротим бор менинг.  
Умрим боғлиқ қароғимдай ардоғим,  
Ажойиб бир Қўнғиротим бор менинг.

Қайноқ меҳрим амри ила бийланган,  
Зар тупроғи кўз ёшимда ийланган,  
То ҳанузким дилда беун куйланган,  
Қўшиқлардай Қўнғиротим бор менинг.

Мен мол боққан яйлов, кўллар қайдадир,  
Болалигим қуриб кетган сойдадир.  
Ибн Ямин Бобо\* ётган жойдадир,  
Жондош, қондош Қўнғиротим бор менинг.

Асрлардан омон келган бу макон,  
Улуғ номин ким йўқотди бенишон,  
Сафо қалбим ичра покиза иймон,—  
Мағрургина Қўнғиротим бор менинг.

---

\* Қабристон номн.

## УРГАНЧ ДЕГАН ШАҲАРДА

Учрашдим наҳор билан,  
Урганч деган шаҳарда,  
Элвинчи баҳор билан  
Урганч деган шаҳарда.

Қовжираб қолган боғлар,  
Гул тутарди бу чоғлар,  
Ҳурмати изҳор билан  
Урганч деган шаҳарда.

Яшнадим кўклам каби,  
Достони Рустам каби,  
Қасби оловкор билан  
Урганч деган шаҳарда.

Илдиз отиб диёнат,  
Элда бўлсин фароғат,  
Уйнайлик «ёр-ёр» билан,  
Урганч деган шаҳарда.

Билдим, бор экан дўстим,  
Бут бўлмиш каму кўстим,  
Яйрадим дўст-ёр билан  
Урганч деган шаҳарда.

Гоҳ Аваз Утарман деб,  
Қон йиғлаб кетарман деб,  
Қун кўрардим зор билан  
Урганч деган шаҳарда.

Сафо Очил, кел етиб,  
Яхши кунни ёд этиб,  
Қўришдим виқор билан  
Урганч деган шаҳарда.

## ОРТИҚ

*Ўзбекистон халқ артисти  
Ортиқ Отажон ўғлига*

Ёронлар, қалб тўрида,  
Тахтиравоним ортиқ,  
Тахт узраким санъатда  
Сахий султоним ортиқ.

Сайр этар ул ҳамиша  
Эзгулик гулшанида,  
Эзгуликдан яратган  
Баҳри бўстоним ортиқ.

Қуйласа гар лолалар,  
Турар доим бош эгиб,  
Булбулимдан эшитган  
Дилкаш дostonим ортиқ.

Дostonимда то ҳануз  
Яшар ажойиб сиймо,  
Ки ул ошкор айлаган  
Дарди ниҳоним ортиқ.

Севгилим қулоғига  
Қуяр ишқимни ҳар дам,  
На армоним бор бўлса  
Шундай имконим ортиқ.

Кўксинда халқ нишони  
Порлар, эй, Сафо Очил,  
Санъаткорлар юртида  
Шоҳи жаҳоним ортиқ.

\* \* \*

(*Мадамин Маткаримовга*):

Илҳом тошди навбаҳорнинг зиёфатидан,  
Замин ёриқ изғирин қиш талофатидан.

Зир титрардим яп-яланғоч дарахт сингари,  
Ғанимларнинг даҳшатли кўп сиёсатидан.

Чин инсонлар қилмиши хўп баҳорга қиёс,  
Жудо бўлмай соф инсонлар марҳаматидан.

Юзларимни силар токи кўклам нафаси,  
Кўнглим куйлар яхшиларнинг саховатидан.

Баҳор ўзи дўстларимнинг ёрқин рамзидир,  
Аҳли булут зор йиғласин ул савлатидан.

Юксаклиги ўсиб етсин юлдузлар қадар,  
Шул кўшиғим Сафо Очил қаноатидан.

## КҮРИНДИ

Хаёлимда жонланиб бир дам,  
Замахшарий устоз кўринди.  
Дилда алам, кўзларида ғам,  
Қувғин қушга қиёс кўринди.

Ҳокимлардан қочарди оқсаб,  
Юришмади юртида алқаб,  
Бегоналар юришар мақтаб,  
Устоз ўзи ҳассос кўринди.

Хоразмда эшитиб дашном,  
Арабда у кўрмиш эҳтиром,  
Расулуллоҳ алайҳис-салом,  
Руҳи сирдош, мумтоз кўринди.

Кентга келди такрор ва такрор,  
Қасидалар битиб улуғвор,  
Берсалар-да юртида озор,  
Юрти дилга пардоз кўринди.

Устоз, сендан бадтар фақирман,  
Қўлимдан иш келмас ҳақирман,  
Вале авом элга ёқурман,  
Йўлинг менга эъзоз кўринди.

Мадад бергин, улуғ Жоруллоҳ,  
Сафо Очил токай чекар оҳ,  
Ўйга толдим, ҳазратим, ногоҳ,  
Эккан гулинг қийғос кўринди.



## МАДАДКОР БЎЛМАС

Хоразм бўйлаб кетсин илойим,  
Янгиариқдан таралган куйлар.  
Эслатиб тургай муқаддас жойим,  
Янгиариқдан таралган куйлар.

Яшадим сиғмай ёлғон дунёга,  
Умрим бағишлаб орзу, ҳумога,  
Зеб берар гулбарг узра имлога,  
Янгиариқдан таралган куйлар.

Чангални боғдан юла билмадим,  
Ҳақлигим исбот қила билмадим,  
Умр кўргайми озод, билмадим,  
Янгиариқдан таралган куйлар.

Найлайин, дўстлар, ҳолим забундир,  
Қимлар ҳамдарду, қимлар мамнундир,  
Юрагим гўё кўҳна Жайҳундир,—  
Янгиариқдан таралган куйлар.

Она заминдан сўрайман шафқат,  
Силтаб ташлама бағрингдан фақат,  
Ғамгин кўнглимга бергайми мадад,  
Янгиариқдан таралган куйлар.

Қашшоқ аҳлига мададкор бўлмас,  
Сафо Очил, сен каби зор бўлмас,  
Эй парвардигор, мендай хор бўлмас,  
Янгиариқдан таралган куйлар.

## ХИВАМ МАНИНГ

Олам мулки ягона, ўзимнинг Хивам манинг,  
Дурлар ичра бир дона, ўзимнинг Хивам манинг.

Чарақлар ёниб-ёниб, Феруз туғи товланиб,  
Юрт фахридан нишона ўзимнинг Хивам манинг.

Илоҳим қўллар магар, нажоткор Нуҳ пайғамбар,  
Макон Маҳмуд Полвона, ўзимнинг Хивам манинг.

Латиф элим тузлукдир, гўё тилло узукдир.  
Гавҳар кўздир жаҳона ўзимнинг Хивам манинг.

Сафо, элдин ниҳонман, оёқ-ости пайҳонман,  
Эркалайди пинҳона, ўзимнинг Хивам манинг.

## БОҒОТ БУГУН

Хаёлим гулшанин сайр этмиш Боғот бугун,  
Умидим юз очиб ҳар ёни обод бугун,

Диёрим боғ этиб афсонавий Искандар,  
Ёдгорлик қолдирмиш кўнглимда ёд бугун.

Фахр этурман, қалбим осмонида бир юлдуз,  
Хоразм элига нур сочмиш зурёд бугун.

Оллоҳим номини асраб дилда Абдулла,  
Эл-улусга эрур қайрилмас қанот бугун.

Мен эсам Хоразм васфида ёниб токи,  
Кезарман дилбаста, соғинчим ҳайҳот бугун.

Бахтим борки, юртин куйлар Сафо Очил,  
Хоразм висоли айлар руҳим шод бугун.

## ИЛҲОМ ГУЛШАНИ

*(Хива гиламдўзларига)*

**Изҳори** дил айласам сўлим-сўлим кўкламга,  
**Латиф** куйлар янграйдир сиғмай сўнгсиз оламга.

**Ҳайрат** солиб қалбимга турфа илҳом гулшани,  
**Олам** ичра яшнайдир сингиб боғи эрамга.

**Меҳрингиз** дастгоҳига боғласам меҳрим ипин,  
**Алҳол** сафо очилур ўхшаб Хива гиламга.

**Ҳуққан** лаъл лавҳасин чизган оташин юрак,  
**Муҳрин** босиб бахш этар зеболиғин ўлкамга.

**Аё,** гиламчи дўстлар, **Сафо** Очил шод-хуррам,  
**Дўстлик** юкин ортадур бирин қўймай елкамга.

\* \* \*

Бу ёлгон дунёда менга не ғам,  
Херазм қучоғида жон берсам!

Оғзи қон бўрилар тиш қайрашар,  
Адолат куйчисин пойлаб ҳар дам.

Пойлоқчидир аҳли қаламфуруш,  
Ашвор эмас, битар игво қалам.

Дарбадарман юртдан айра тушиб,  
Чеккан ғамим менинг олам-олам.

Неъмат санаб фозил дея ўзни,  
Изимдан вовуллар бўлиб ҳамдам.

Қайга бормай йўлим беркитмишлар,  
Ҳар омон гумроҳдан олиб ёрдам.

Минг розиман, иллоҳ Сафо Очил,  
Херазм қучоғида жон берсам!

## ХОРАЗМ ДЕБ КЕЛДИМ

*«Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман» (Маркс Жуманиёз ўғли)*

Кўкарган кўкламда бу бевафо дунёга,  
Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.  
Дўстлар, ҳирс қўймадим лекин молу дунёга,  
Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.

Юртим манинг асил юртлар ичра ягона,  
Тупроғидан унар олтин, гавҳар, дурдона.  
Шул сабабдан бўлмиш унга барча парвона,  
Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.

Бир пайтлар жонланиб Жайҳунимдан жон оқди,  
Бир пайтлар жон эмас, қизил-қизил қон оқди,  
Воҳам ҳолин кўриб, не яхшилар тутақди,  
Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.

Қалбимда бир умр воҳагинам дарди бор,  
Ғайрилар юқтирган қора-қора гарди бор.  
Юва билсам барин, бўлар эдим бахтиёр,  
Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.

Кимлардир юртимга йўлатмасдан едилар,  
Кимлардир Хоразм ўзингники дедилар,  
Эркин юриш учун менга ҳуқуқ бердилар.  
Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.

Севиниб кўзимдан оқар ҳалқа-ҳалқа ёш,  
Машъум тақдиримга бериб келганман бардош,  
Булуғлар ортига бекинмагин, эй Қуёш,  
Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.

Кимдир азим юртда санаб ўзлигин азим,  
Такрор тош отишга нега айлабди жазм,  
Эс-ҳушин йиғмаса, кечирмайди Хоразм,  
Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.

Ўнглим қат-қатидан ниш уриб чиққан зорим,  
Эшитгай ушбу дам одил парвардигорим,  
Сафо Очил, холис хизмат қилиш қарорим,  
Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.

## ХИВА СУЛУВИГА

Огоҳ бўлинг, офати жон,—  
Хивамизнинг бир дилбари.  
Суйиб қолса, роҳати жон,—  
Хивамизнинг зўр дилбари.

Оқ юзида ўйлар холи,  
Лаб остида ўйнар холи,  
Дудоғидан томар боли,  
Хивамизнинг сур дилбари.

Холларида ҳолим кетди,  
Қон қақшатиб золим кетди,  
Қўз қиймириб, жим-жим кетди,  
Хивамизнинг нур дилбари.

Мени кўрса, кўкрак керар,  
Бир-бир юлиб қошин терар,  
Жоним олиб, жонин берар,  
Хивамизнинг ҳур дилбари.

Шу хивали сулув экан,  
Излаганим шу-шу экан,  
Сафо Очил керак, деган  
Хивамизнинг зўр дилбари.



## ЭЙ, ЭЛДОШЛАР

Ўзлигим ўзгача сезаётирман,  
Тандан мадор кетиб, ҳолсиз ётурман,  
Эллигимда ажиб ўйга ботурман,  
Дил сўроғин энди очиқ айтурман,  
Хоразмга, билмам, қачон қайтурман.

Эйтиқодим бошда қилич ўйнатиб,  
Тинчлик бермас таъна тошларин отиб,  
Эй, элдошлар, ҳижрон захрини татиб,  
Дил сўроғин энди очиқ айтурман,  
Хоразмга, билмам, қачон қайтурман.

Аламдан чалғитиб, ўзим алдадим,  
Шунча йиллар шундай қилиб чидадим,  
Эй, элдошлар, не қиларим билмадим,  
Дил сўроғин энди очиқ айтурман,  
Хоразмга, билмам, қачон қайтурман.

Қашшоқдурман, писанд этмас аъёнлар,  
Камбағалга кун бермаслар бу онлар,  
Қийнаб келган мени аллақачонлар,  
Дил сўроғин энди очиқ айтурман,  
Хоразмга, билмам, қачон қайтурман.

Сафо Очил каби ғариб, ночорлар,  
Англагай дардимни холис ҳушёрлар,  
Айласалар юртим васфин бисёрлар,  
Дил сўроғин очиқ-ойдин айтурман,  
Хоразмга, билмам, қачон қайтурман.

## ДОНИМАДИНГМИ

Эй Жайхун, неґа мунча хазинсан,  
Айтиб билмаган жўшқин сўзимсан,  
Бағрингда сездим аянчли ингроқ,  
Ё сирдошингни донимадингни?

Биламан, ёринг кўзи моролдир,  
Севганинг — ҳолсиз ётган Оролдир,  
Сув томизолмам оғзига бу чоқ,  
Тақдирдошингни донимадингни?

Севган ёрингга етгайсан такрор,  
Кўзинг оч, қайтиб келди халоскор,  
Халоскорингдан элчиман, ўртоқ,  
Сен элдошингни донимадингни?

\* \* \*

Менинг Хоразмим, яшнаб кетибсан,  
Ёки муродга сен ҳам етибсан,  
Саҳарлар туриб куйлардим ҳар чоқ,  
Бу бедорингни донимадингни?

Ун олти йилки, сендан жудоман,  
Соғинч дўзахи ичра худоман,  
Менинг Хоразмим, айт, ахир мундоқ,  
Вафодорингни донимадингни?

Қувнарни, кириб борсам боғларинг,  
Едимга тушди хушвақт чоғларинг,  
Сирлашар эдик тунлари уйғоқ,  
Бахтиёрингни донимадингни?

\* \* \*

Эй ғанимларим, тишни қайраманг,  
Қасос қиличин ўйнаб яйраманг,  
Ҳали ҳам ўша-ўшамаи бироқ,  
Сайроқ булбулни донимадингми?

Билгил, қирчиллаб турган йигитман,  
Ярадор қушча эмас, бургутман.  
Ҳар бир сўзимга қулоқ ос, қулоқ,  
Бу бийрон тилни донимадингми?

Тўқсон тўрт ёш — менинг умримдир,  
Хоразм меҳри юрак қўримдир,  
Ёнсин худойим ёндирган чироқ,  
Сафо Очилни донимадингми?

# ВАФО НАҚШИН ДИЛГА ЎЙДИМ



## АЛЛОҲДАН ҚЎРҚАМАН

Писанд қилмай ҳатто шер наърасин,  
Дўстлар, сўзсиз Аллоҳдан қўрқаман.  
Подшолар ғазабидан асрасин,  
Вале ёлғиз Аллоҳдан қўрқаман.

Тинчлик бермас бир умр жин-жинлар,  
Шул боис юзларимда ажинлар,  
Оҳ урсам, бурқсиб чиқар тутунлар,  
Вале ҳақсўз Аллоҳдан қўрқаман.

Икки жаҳон қудрати кўнглимда,  
Сўз қиличи ярқирар кўлимда,  
Азроил юрар менинг йўлимда,  
Вале лазиз Аллоҳдан қўрқаман.

Сафо Очил, ялтоқлик қилмадим,  
Номардларга сарғайиб, сўлмадим,  
Ҳадик надир, назарга илмадим,  
Вале азиз Аллоҳдан қўрқаман.

## КҮРДИМО

Муҳаммадни хаёлимда кўрдимо,  
Ҳолим айтиб, мадад сўраб турдимо,  
Шайтонга ҳай дегин, деди пайғамбар,  
Йўлларимни эзгуликка бурдимо.

Субҳидамда аждодларим ёд айлаб,  
Мубораку улуғ руҳин шод айлаб,  
Вас-вас отлиғ душманнимни мот айлаб,  
Қубро бобом ила суҳбат қурдимо.

Кўзларимга ҳалқа-ҳалқа ёш инар,  
Ёшлар ичра улуғ Ватан кўринар,  
Шу кунларда пирсиз одам уринар,  
Полвон Пирга сафо меҳрим бердимо.

Дўстлар, қай бир ишга қўлим урмайин,  
Шайтонга эрк бермай, кўкрак кермайин,  
Сафо Очил, ҳаром йўлга кирмайин,  
Аллоҳимни дилга жойлаб юрдимо.

Мол-дунёга асло ҳирслар қўймадим,  
Шуҳратпараст аҳлин сира суймадим,  
Вале Аллоҳимни ёдлаб тўймадим,  
Сафо бўлгин, Сафо Очил дердимо.

## ИЙМОН ЭКАН

Йигит киши йиғламас дерлар,  
Ёлғон экан, ёлғондир, ёлғон,  
Ичда қотиб оғули терлар,  
Қолғон экан, қолғондир, қолғон.

Билмай ёлғон ерга тушибман,  
Заҳарланган ошни ичибман,  
Ўз-ўзимга кафан бичибман,  
Армон экан, армондир, армон.

Бир бошимга тушди кўп ғамлар,  
Токи қийнар аччиқ аламлар,  
Адолатга ғайри одамлар,  
Шайтон экан, шайтондир, шайтон.

Туҳматларга кўндир бўялган,  
Вале йўқдир мен каби толган,  
Мени гўрдан қутқариб қолган,  
Иймон экан, иймондир, иймон.

Сафо Очил, шукур шунга ҳам,  
Истиқболим ҳақда дамба-дам,  
Қоғоз узра ўйлайдир қалам,  
Ирфон экан, ирфондир, ирфон.



## «БАҲОР» ОҒУШИДАН

«Баҳор» тушса ўйинга кўзларим ўзолмайман,  
Сув бетида гўёки олмадай қалқишидан.  
Ҳайкалдай қотиб қолдим, тилим лол, сўзлолмайман,  
Қароқларим ўйнайдир, офтобдай балқишидан.

Ҳар ёна бош урадир сокин-сокин ирмоқлар,  
Юрагим шув этгандай нураб кетар қирғоқлар,  
Гоҳи мағрур, гоҳи шўх чапак чалар япроқлар,  
Нафис рақсига сингган «Баҳор»нинг олқишидан.

Шўх-шўх ялла айтайин, ўйнанг, «Баҳор» қизлари,  
Майли, турсин ўйнашиб, ошиқларнинг кўзлари,  
Жонлар олиб, жон берар ял-ял ёнган юзлари,  
Мени худо асрасин қизларнинг қарғишидан.

Вафо нуридан илҳом олар бугун ҳумолар,  
Муҳаббат гулзоридан ўтадир дилраболар,  
Тортар мани тинмасдан сирли оҳанграболар,  
Сафо Очил, буюрсин «Баҳор»нинг оғушидан.

## ПОКИЗА АЁЛЛАРГА

Эркаклик бурчимни адолар этган бўлардим,  
Покиза аёллар иззатин жойига қўйсам,  
Ўзим енгил тортиб, муродга етган бўлардим,  
Покиза аёллар хизматин жойига қўйсам.

Қалбим уммонида сузмоқда ғаройиб елкан,  
Елканга ортилган ажойиб орзулар улкан,  
Орзулар сарасин саралаб кўнглига туккан,  
Покиза аёллар ниятин жойига қўйсам.

Ишқин куйлаб булбул оқ-оппоқ тонгни кутмишдир,  
Пуштиранг гулбаргга кўзёшин тўкиб кетмишдир,  
Атиргул зорининг қадрига ким ҳам етмишдир,—  
Покиза аёллар даъватин жойига қўйсам!

Висол қароргоҳи сарви гулнинг остиндадир,  
Қарғалар қағиллаб ошиқларнинг қасдиндадир.  
Истиқбол қудрати Сафо Очил дастиндадир,  
Покиза аёллар ҳикматин жойига қўйсам.

## КУЗЛАРИМ УЙНАЙДИ

Урикнинг гули менга ёр мисол,  
Қарашин қўймайди-ё, қўймайди.  
Бошинда оппоқ рўмол, оқ рўмол,  
Кўзларим ўйнайди-ё, ўйнайди.

Осмонда яйраб учар оқ каптар,  
Каптарнинг қанотлари оқ дафтар,  
Хаёлим ёр васфини ҳар сафар,  
Ёзишдан тўймайди-ё, тўймайди.

Қиз бола юз-кўзларин ёғдуси,—  
Бир умр юрагининг кўзгуси.  
Ғунчадек умидимнинг кулгуси,  
Қийналсам қиймайди-ё, қиймайди.

Очилди, Сафо Очил, гулбаҳор,  
Бошинда менга ёққан рўмол бор,  
Қўнглима шундан бўлак бошқа ёр,  
Ҳеч қачон сиғмайди-ё, сиғмайди.

## ТАҚДИРДОШИМ ИЗЛАЙМАН

Дўстлар, тақдирдошим излайман,  
Менинг каби хўрланган борми, вой-вой.  
Ерга кўкрак бериб бўзлайман,  
Менинг каби хўрланган борми, вой-вой.

Йиқилгани улфат айлайлик,  
Бир-биримиз ҳурмат айлайлик,  
Келинг, бирга суҳбат айлайлик,  
Менинг каби хўрланган борми, вой-вой.

Разилларни асло суймадим,  
Ниқобларин йиртиб тўймадим,  
Ёмонни яхшига йўймадим,  
Менинг каби хўрланган борми, вой-вой.

Қўшиқларим — молу давлатим,  
Оёқ ости қадру қимматим,  
Дол бўлибди алиф қоматим,  
Менинг каби хўрланган борми, вой-вой.

Қўшиқларим териб қолдилар,  
Сўнгра манфур ўйга толдилар,  
Ўтда ёқиб, ором олдилар,  
Менинг каби хўрланган борми, вой-вой.

Халқим тинглар мени, инондим,  
Воз кечмайман дилда армондин,  
Ёлғончи дунё, бу ондин,  
Менинг каби хўрланган борми, вой-вой.

Манфур шоҳни писанд этмасман,  
Сафо Очиқ, шафқат кутмасман,  
Қўшиқ гулшаенимдан кетмасман,  
Менинг каби хўрланган борми, вой-вой.

## ҚУШИҚ АЙТМАСДАН

Эй, ёронлар, юрар йўлимни,  
Қуролмайман қўшиқ айтмасдан.  
Эркин қўйинг энди тилимни,  
Туролмайман қўшиқ айтмасдан.

Тилни тишлаш келди малоллар,  
Соқов бўлмиш ёш-ёш ниҳоллар,  
Юртим ҳақда ширин хаёллар,  
Суролмайман қўшиқ айтмасдан.

Сўниб қолган меҳри-оқибат,  
Қайта яшнаб кетсин диёнат,  
Давраларда сеҳрли суҳбат  
Қуролмайман қўшиқ айтмасдан.

Сўзим кашта қўйлагингизга,  
Каштам қўниб қўкрагингизга,  
Олов ёқиб юрагингизга,  
Қиролмайман қўшиқ айтмасдан.

Сафо Очил бағри жаҳондир,  
Жаҳон тўла сирли армондир,  
Қуйламасам ҳолим ёмондир,  
Туролмайман қўшиқ айтмасдан.

## ҚИЗ БОЛА АЛЛАЛАРИ

1

Бешигингни ўрай гулга,  
Алла, қизим, аллаё.  
Манзур бўлгин доим элга.  
Алла, қизим, аллаё.

Дерлар, юзи офтобли қиз,  
Елғиз эмас, аҳбобли қиз,  
Худойимдан тиларман мен,  
Дегай ҳамма одобли қиз.

Алла, қизим, аллаё.  
Нима десанг муҳайё.

Олтин эмас, дуо олгин,  
Ҳаё олгин, ибо олгин,  
Алғов-далғов бул замонда,  
Тилаб танга шифо олгин.

Алла, қизим, аллаё.  
Айни ухлар паллаё.

Сарвиқомат бўлишинг бор,  
Тўлин ойдай тўлишинг бор,  
Териб иқбол чечакларин,  
Ҳали ўйнаб-кулишинг бор.

Алла, қизим, аллаё.  
Бахт юлдузим аллаё,

2

Дўст тутингин нур билан,  
Алла, қизим, аллаё.  
Безай сени дур билан,  
Алла, қизим, аллаё.

Бахтинг кулсин хол бўлиб,  
Умринг турсин бол бўлиб,  
Емон кўзли ғайрилар,  
Қадди синсин дол бўлиб.

Алла, қизим, аллаё,  
Қўзларимга тўтиё.

Сафоли кунлар келди,  
Турфа гуллар очилди,  
Бошингга тож истиқлол,  
Заррин зиё сочилди.

Алла, қизим, аллаё,  
Онани сенга маҳлиё.

Софлик — Сафо тоғида,  
Нур ўйнар ҳар ёғида,  
Сайр айлагин оппоғим,  
Тўмариснинг борида.

Алла, қизим, аллаё,  
Ширин сўзим, аллаё.

## УҒИЛ БОЛА АЛЛАЛАРИ

### 1

Осмон беги бургутдирсан,  
Алла, болам, аллаё.  
Алпомишдай йигитдирсан,  
Алла, болам, аллаё.

Тагингда кишнасин дулдул,  
Ўзинг гўё сайроқ булбул,  
Насиб этгай шу кунларни,  
Кўриб, ўсар хазин кўнгил.

Алла, болам, аллаё,  
Кўрма алам, аллаё.

Жалолиддин сингари бўл,  
Темур бобонг зафари бўл,  
Полвон Маҳмуд бериб мадад,  
Туркистоннинг сарвари бўл.

Алла, болам, аллаё,  
Шоҳи олам, аллаё.

Юртинг асраб сақлагайсан,  
Шунда сутим оқлагайсан,  
Ғариб, мискин ота-онанг,  
Тез-тез келиб йўқлагайсан.

Алла, болам, аллаё,  
Кўзда жолам, аллаё.



Эркин элда туғилдинг,  
 Алла, болам, аллаё.  
 Шодлик билан йўғрилдинг,  
 Алла, болам, аллаё.

Сенга жоним фидолар,  
 Ер бўлсин авлиёлар,  
 Бизлар каби ҳеч қачон,  
 Чекма асло жафолар.

Алла, болам, аллаё,  
 Йўлинг ойдин доимо.

Истиқлолинг қўлингда,  
 Истиқболинг йўлингда,  
 Юртнинг меҳри бир умр,  
 Қувват эрур белинга.

Алла, болам, аллаё,  
 Замон бўлғай тиллаё.

Қоним сенинг қонингда,  
 Ватан жони жонингда,  
 Руҳим мангу барҳаёт,  
 Қўллаб турар ёнингда.

Алла, болам, аллаё,  
 Нури дийдам, аллаё.

## БИРЛАШИНГИЗ, ҲАЛОЛ ИНСОНЛАР

Бу дунёни асрамоқ учун,  
Бирлашингиз, ҳалол инсонлар.  
Туриб бўлмас бепарво бугун,  
Бирлашингиз, ҳалол инсонлар.

Аҳли иблис тўрда жамулжам,  
Иттифоқ тузмасин мустаҳкам,  
Мангу турсин десангиз олам,  
Бирлашингиз, ҳалол инсонлар.

Қимки ҳалол бўлса — чеккада,  
Ватанидан узоқ ўлкада,  
Оғир қисмат яғир елкада,  
Бирлашингиз, ҳалол инсонлар.

Бу қисматдан бир кун тонарман,  
Тона билмай ҳали ёнарман,  
Пошнамнинг остига оларман,  
Бирлашингиз, ҳалол инсонлар.

Қашшоқлар юртида шоҳдурмен,  
Гадолар қалбида оҳдурман,  
Сафо Очил, кўнгли оқдурмен,  
Бирлашингиз, ҳалол инсонлар.

## ДЕҲҚОН ИГИТ ҚУШИҒИ

Атлас кўйлак кийсанг қилпиллайди,  
Дил ўйнатиб Шоҳиста, Шоҳиста.  
Бутоғларда барглар қилпиллайди,  
Шўх куйлатиб оҳиста-оҳиста.

Барглар ҳоли тушмиш юрагимга,  
Патирлаб у сиғмас кўкрагимга,  
**Зеб берган тафаккур элагимга,**  
Умидларим олисда, олисда.

Юрагимда яшар орзуларим,  
Вужудимга сингган қайғуларим,  
Едга тушсанг, қочар уйқуларим,  
Сенга ишқим холис-да, холис-да!

Сочинг мунча хушбўйдир, эй малак,  
Сарғайибди қаршингда ҳандалак,  
Сафо Очил мадҳинг тинглар ҳалак,  
Ҳандалакдан полизда, полизда.

## СЕВИБ ҚОЛДИМ

Латофатли қиз экансан,  
Севиб қолдим, нима қилай.  
Шарофатли қиз экансан,  
Севиб қолдим, нима қилай.

Бир кўришдан хумор бўлдим,  
Ухлолмайман, бедор бўлдим,  
Табибим бўл, бемор бўлдим,  
Севиб қолдим, нима қилай.

Қўлинг экан мунча енгил,  
Ойдинлашди хира кўнгил,  
Гулгунчани гўё булбул,  
Севиб қолдим, нима қилай.

Силаб эдинг, жоним. кулиб,  
Бир тирилдим, юз минг ўлиб,  
Ташлолмайман дилдан юлиб,  
Севиб қолдим, нима қилай.

Беморингни ташлаб кетма,  
Кўзларини ёшлаб кетма,  
Сафо Очил, инкор этма,  
Севиб қолдим, нима қилай.

## ДОД АЛИНГНАН

Тортдим жафо, гулираъно,  
Дод алингнан, дод алингнан.  
Орқа қилиб галдим сано,  
Дод алингнан, дод алингнан.

Ақли ҳушдан бўлиб жудо,  
Эшигингда юрдим гадо,  
Чиқмас асло саннан садо,  
Дод алингнан, дод алингнан.

Кўролмадим тишинг оқин,  
Боролмадим сенга яқин.  
Бўлиб қолдим гўё оқин,  
Дод алингнан, дод алингнан.

Ял-ял ёнар ёноқларинг,  
Учар юпқа дудоқларинг,  
Уйнаб турар қароғларинг,  
Дод алингнан, дод алингнан.

Сафо Очил, ягона ман,  
Ишқ шаҳрингда девонаман.  
Тараб ангиз\* таронаман,  
Дод алингнан, дод алингнан.

---

\* Шодлик бахш этувчи.

## КЕЛДИЕ

Мисоли Момо Ҳаво,  
Аввал заргар келдиё.  
Сўнг уйимга нур бўлиб,  
Қутлуғ Зафар келдиё.

Очилди олам баҳри,  
Қирдан ошди дил наҳри,  
Чунки юртига меҳри,  
Тўлуғ Сарвар келдиё.

Қуръондин неки сура,  
Ойша онангдай асра,  
Софлик уммони узра  
Туғ Нилуфар келдиё.

Мусулмон юрти тотлик,  
Ўзи муборак отлик,  
Шодликка қўшиб шодлик,  
Чўх Муътабар келдиё.

Ғам булутин қаритиб,  
Осмонимдан аритиб,  
Қалб уйимни ёритиб,  
Ёруғ Ҳулкар келдиё.

Тақдир кўзларим ёшлаб,  
Келди Тошкентга бошлаб,  
Димоғларга чўғ ташлаб,  
Чўғ Муаттар келдиё.

Босқинчига ғам, ғулув,  
Зўр достоним «Ойсулув»,  
Қаҳрамоним Ойсулув,  
Ватанпарвар келдиё.

Узелигимни англадим,  
Худо йўлин танладим,  
Тинглаб у Сафо дардин,  
Тўйдан хабар келдиё.

## ОШҚОР АЙЛАМА

(ҳазил)

«Қўймадингиз» дея хатлар ёзибсан,  
Ёки ёмон йўлда ҳайрон газибсан,  
Хафа бўлма, жоним, сенга тасаддуқ,  
Гумон ичра ё ақлдан озибсан.

«Қўймадингиз» дема, меҳрим қўярман,  
Орзуларинг, умидларинг туярман,  
Ишон, бир кун бориб севгинг жомига,  
Қонгунингча ишқ шаробин қуярман.

«Қўймадингиз» сўзин такрор айлама,  
Севгинг олди-сотди бозор айлама,  
Дардинг англағувчи Сафо Очил бор,  
Йўлиққанга сирни ошқор айлама.

## ТОБЛАНАМАН ОЛОВИНГДА

Сани ахтариб, Равшана,  
Кириб қолибман гулхана.  
Икки олов орасинда,  
Юрар бўлдим ёна-ёна.

Қўйнингга қўл солгим келур,  
Қўнглинг билиб олгим келур,  
Рози бўлсанг, майли, куйсам,  
Ёнгинангда қолгим келур.

Кўзим олов қаловингда,  
Тобланаман оловингда,  
Меҳринг қушин овлайн мен,  
Муҳаббатинг яйловинда.

Ургилайин маконингдан,  
Ял-ял ёнган бўстонингдан,  
Ифтихор эт Сафо Очил  
Билан сурган давронингдан.



## ҚАЙЛАРДАДИР ЖОНИНГ САНИ

Меҳриғиёси тортар,  
Довруғдор бўстониғ сани.  
Сенга меҳру севги ортар,  
Бормикан армониғ сани.

Кўпга умид, орзу бердинг,  
Кўпга алам, қайғу бердинг,  
Оташин бир туйғу бердинг,  
Кўп экан имкониғ сани.

Ер, турсанг ҳам «жоним», дейсан,  
Утирсанг ҳам «жоним», дейсан,  
Билмам, қандай сирли ўйсан,  
Қайлардадир жониғ сани.

Шеърга кирдинг вафо бўлиб,  
Жонга кирдинг жафо бўлиб,  
Куйга кирдинг Сафо бўлиб,  
Ҳамма олар ёниғ сани.

## ТОШКЕНТГА

Шарқда машъал, элга сайқал,  
Тошкент отлиғ шахрим менинг.  
Шапти жадал, бахти тугал,  
Тошкент отлиғ шахрим менинг.

Келажаги ойдай тўлин,  
Топди ўша нурли йўлин,  
Олға бошлар ўзбек элин,  
Тошкент отлиғ шахрим менинг.

Халқи унинг қаноатли,  
Матонатли, шижоатли,  
Қароматли, салобатли,  
Тошкент отлиғ шахрим менинг.

Тошкент десам суюнар дил,  
Сўздан ясаб бир даста гул,  
Таъзим қилар Сафо Очил,  
Тошкент отлиғ шахрим менинг.

## НОРИМНИ БЕР

Ёр, қўлимдан олиб қолган,  
Торимни бер, торимни бер.  
Торим билан қўшиб олган,  
Зоримни бер, зоримни бер.

Саломатдир, шукур, жонлар,  
Дунёда кўпдир жононлар,  
Ва лекин йўқ меҳрибонлар,  
Норимни бер, норимни бер.

Ўзинг олган зоримни ҳам,  
Севги отлиғ коримни ҳам,  
Кўксингдаги норимни ҳам,  
Борингни бер, борингни бер.

Сафо Очил — соз чалғувчи,  
Киприкларинг — қон олғувчи,  
Белингдаги жон олғувчи,  
Дорингни бер, дорингни бер.

## ХУШ КҮРДИК

Бормайман деб аввал айлаб, бизни маҳтал,  
Нозлана-нозлана келибсиз, хуш кўрдик.  
Тилингизда ғазал, шунчалар мукамал,  
Мослана-мослана келибсиз, хуш кўрдик.

Боғлар аро ниҳол силаган баҳордай,  
Йўқ ердан йўл очиб айқирган анҳордай,  
Кўнглим куйлаб турган жарангдор дутордай,  
Созлана-созлана келибсиз, хуш кўрдик.

Жўшар тўлқин уриб муҳаббат баҳрингиз,  
Жонимга хуш ёқар ардоғли нақлингиз,  
Бир жойга жамланиб ҳушингиз, ақлингиз,  
Ростлана-ростлана келибсиз, хуш кўрдик.

Бир сиймо кўринди латофатли, кўркам,  
Кўркам ҳуснингизга зеб берибми кўклам,  
Сафо Очил кўзин ўйнатиб, маликам,  
Мунча пардозлана келибсиз, хуш кўрдик.

## КЎЗЛАРИМДАН СИЗИБ ЧИҚҚАН ҚАЙҒУЛАР

Кўзларимдан сизиб чиққан қайғулар,  
Томиб, оёқ ости бўлмангиз ҳаргиз.  
Қайғуларим бағридаги туйғулар,  
Сўниб, бости-бости бўлмангиз ҳаргиз.

Кўзларимдан сизиб чиққан қайғулар,  
Орзуларим ила эгиз туғилар,  
Агар кимдир солмоқ бўлса қутқулар,  
Пасткашларнинг пасти бўлмангиз ҳаргиз.

Кўзларимдан сизиб чиққан қайғулар,  
Дарёларга хомуш бориб қуйилар,  
Маслагимга бир умр эш орзулар,  
Эзгуликнинг қасди бўлмангиз ҳаргиз.

Кўзларимдан сизиб чиққан қайғулар  
Ўз қинидан чиқиб дарҳол суйилар,  
Сафо Очил, бўйнимга гул уйқулар...  
Ҳаётимнинг касди\* бўлмангиз ҳаргиз.

---

\* «Қасод» сўзининг хоразмча қисқартирилган шакли.

## ҚАЧОН ГАЛАРСАН

Ишқ боғина галдим соғиниб,  
Роҳатижон, қачон галарсан?  
Улар бўлсам, ўлдим соғиниб,  
Роҳатижон, қачон галарсан?

Сим орқали сўзинг галибди,  
Кўз олдима гўззинг галибди,  
Алинг ташлаб манинг бўйнима,  
Роҳатижон, қачон галарсан?

Виқор билан қаддим ростлайман,  
Овозингга созим созлайман,  
Севги куйин бирга куйлашга,  
Роҳатижон, қачон галарсан?

Гулшан аро ёлғиз сухандон,  
Сафо Очил билан ёнма-ён,  
Яхши ишга бошлар қўшишга,  
Роҳатижон, қачон галарсан?

## ГАЛИН САЛОМИН АЙТИБ

*(Ҳалфалар учун)*

Тўйингиза галибман,  
Галин саломин айтиб,  
Созим баланд чалибман,  
Галин саломин айтиб.

Алинда олтин узук,  
Гўзлари сузик-сузик,  
Ҳаммангиз қизил юзлик,  
Галин саломин айтиб.

Қуёв хўжик мулойим,  
Қўп гўрмасин худойим,  
Гуллаб турсин тўйжойим,  
Галин саломин айтиб.

Ушоқ барак қозонда,  
Емаганлар армонда,  
Галин чиқар азонда  
Галин саломин айтиб.

Галар олтин паллалар,  
Галин айтар аллалар,  
Янграй берсин яллалар,  
Галин саломин айтиб.

Уйлайди Сафо Очил,  
Қуйлайди Сафо Очил,  
Тўймайди Сафо Очил,  
Галин саломин айтиб.

## ИНТИЗОРИМ КЕЛМАСМИ?

Ишқ йўлиннан соз чалиб,  
Интизорим келмасми?  
Чўккан кўнглимни олиб,  
Интизорим келмасми?

Узи бир миттигинам,  
Шу миттида бор гинам,  
Мукамбару муҳтарам,  
Интизорим келмасми?

Уймоқ оғзида қўшиқ,  
Ишқим куйлагай жўшиб,  
Тақдиримга бош қўшиб,  
Интизорим келмасми?

Кўксиндаги ҳаяжон,  
Кўксимда айлар тугён,  
Йўлин буриб биз томон,  
Интизорим келмасми?

Интизордир оловкор  
Юрагимда ўти бор,  
Сафо Очил, беғубор  
Интизорим келмасми?



## ОЙ БҰЛАР

Эшитмадим деманг, дўсту ёронлар,  
Юртнинг ёмонлари бойдан бой бўлар.  
Ёмон назар солган тиниқ армонлар,  
Лойқаланиб гўё, балчиқ лой бўлар.

Зорлиларнинг чуқур кетиб илдизи,  
Порлаб тургай доим омад юлдузи,  
Адолатли, азиз инсонлар юзи,  
Ажин отлиғ қатор-қатор ёй бўлар.

Эзгулик топталиб охир замонда,  
Қонлар йиғлаб мадор бўлмас виждонда,  
Таом эмас, заҳар қайнар қозонда,  
Яхшилар кўз ёши гўё сой бўлар.

Айтганларим, дўстлар, малол келмагай,  
Тушкун экан, деган хаёл келмагай,  
Сафо Очил, элга завол келмагай,  
Кунлар келиб турмуш ҳали ой бўлар.

## НОЗИГА БОРМАН

*(Дуторчи қизлар дастасига)*

Латиф гулшанлар руҳига пардоз,  
Дуторчи қизлар созига борман.  
Хаста юрагим дардига ҳамроз,  
Дуторчи қизлар созига борман.

Хиромин таъриф айлаб сўзма-сўз,  
Тонглар оттирдим билмай танаффус,  
Уймоқ оғзида майин талаффуз,  
Дуторчи қизлар оғзига борман.

Солланиб санъат боғидан ўтар,  
Ҳар кун гунчасин бирма-бир ўпар,  
Яна неларни биздан сир тутар,  
Дуторчи қизлар розига борман.

Қизларнинг қараб турсам рақсига,  
Ухшар товуслар нафис аксига,  
Сафо, очило нозлар баҳсига,  
Дуторчи қизлар нозига борман.

## ЯХШИДАН ШАРОФАТ

Гурландан чиқибди ҳамшира,  
Доимо кўрсатмиш каромат.  
Мафтункору дилбар, бокира,  
Дилинда Ҳақ берган Адолат.

Кўзларинда ҳалқа-ҳалқа ёш,  
Еш ичинда порлайди қуёш,  
Шу дилбарда балки йўқ сирдош,  
Турмушида йўқдир ҳаловат.

Ёшингга юзларим ювайн,  
Ҳасратингга шерик бўлайин.  
Айтгин, яна нима қилайн,  
Кўрмагайсан энди хиёнат.

Сафо Очил, недан ҳайронсан,  
Эзгулик боғидан нишонсан,  
Одамлар дардига дармонсан,  
Яхшидан шарофат, шарофат.

## БИБИХОЖА

Тингла, ойқиз, уйим ёлғиз,  
Лозим манго бибихожа.  
Шайдо айлаб, кетма беиз,  
Лозим манго бибихожа.

Гуллаб-яшнар ишқ мавсуминг,  
Мунча нафис табассуминг,  
Муҳаббатим гулбаргида,  
Гўзал имло бибихожа.

Гулбаргларнинг ол рангида,  
Қўшиқларим оҳангида,  
Ажиб бир сир чорлар доим,  
Қилиб имо бибихожа.

Дилда армон сийнанг сири,  
Дардга дармон сийнанг сири.  
Сафо Очил қолди ёлғиз,  
Лозим манго бибихожа.

## ТОПАРМАН

Сайрон, сарсон газиб жумла-жаҳонни,  
Насиб этса, Насибамни топарман.  
Охир бир кун сузиб дарё, уммонни,  
Насиб этса, Насибамни топарман.

Насибамдир — қалбим эрка галини,  
Сийпаласам шу галиннинг алини,  
Иярмикан, иймасмикан, билмадим,  
Насиб этса, Насибамни топарман.

Фалакнинг нақшидир ёрқин юлдузлар,  
Севгим отгай юлдузларга илдизлар,  
Юлдузлар кўксидан эмиб шарбатлар,  
Насиб этса, Насибамни топарман.

Хипча белу қалам қошга йўлиқдим,  
Гапга кирмас бағри тошга йўлиқдим,  
Сафо Очил, Хивага бор, Хивага,  
Насиб этса, Насибамни топарман.

## ОЛ ЮЗИНГДАН ПАРДАНГНИ ОЛ

Ол юзингдан рўмолингни,  
Пардалар айлаб келибсан.  
Яшириб ой жамолингни,  
Зардалар айлаб келибсан.

Пари рухсор, эй Дилафрўз,  
Ол юзингдан пардангни ол.  
Кулгичингни қилиб кўз-кўз,  
Қўргаз манго хиёл-хиёл.

Урим-ўрим кокилларинг,  
Бўса олар товонингдан.  
Кўнглимга эккан гулларинг,  
Ургилсин сенинг жонингдан.

Ишқим дарди осмон бағрин,  
Қилич бўлиб тиглайдиё.  
Шивирлайди ёмғир сим-сим,  
Осмон келиб йиғлайдиё.

Шўхлигингни қўйма Сафо,  
Ўзгачадир шўхликларинг.  
Эл кўнглига қургил маъво,  
Билинмагай йўқликларинг...

## ЮЛДУЗИМ

Қилиқларинг ипак каби мулойим,  
Юлдузимга тўғри келгай юлдузинг.  
Сари мағиз дўмбоққинам, илойим,  
Юлдузимга тўғри келгай юлдузинг.

**Билсанг, жоним, дўмбоқ жонон жонимдир,**  
Юзим силаб уйғотгувчи тонгимдир,  
Ёлғиз ўзинг шуҳратим ҳам шонимдир,  
Юлдузимга тўғри келгай юлдузинг.

Ишқинг майин ичиб-ичиб, тўймайман,  
Нуринг билан бирга-бирга ўйнайман,  
Висолингга талпинишим қўймайман,  
Юлдузимга тўғри келгай юлдузинг.

**Термилишдан, жоним, кўнглинг тўлмаса,**  
Қучармидинг агар ҳеч ким бўлмаса,  
Сафо Очил унутмайди ўлмаса,  
Юлдузимга тўғри келгай юлдузинг.

## ВАЪДАСИДАН ТОНМАГАЙ

Бир ғаройиб мастура,  
Ширингина бокира,  
Юрагимга чанг солди,  
Хаёлим олиб қолди.

Эс-ҳушимни йўқотдим,  
Узимни ўтга отдим,  
Не савдо бор бошимда,  
Севдимми шу ёшимда!

Устимдан ё куларлар,  
Ё аҳволим биларлар.  
Уртар ўтли муҳаббат,  
Бардошим етгай фақат.

Олдида тиз чўқарман,  
Қаддим долдай эгарман.  
Сўзларимга кирса бас,  
Жоним жонига пайваст.

Гар кирса мунг созима  
Менга лозим, лозима.  
Ахир, қандай яшай шод,  
Умидим қилса барбод?

Ваъдасидан тонмагай,  
Қолган умрим ёнмагай.  
Кулишлари мулойим,  
Насиб этсин худойим!



## УМИД ГУЛШАНИ

Умид гулшанин кезарман,  
Орзулар мени ўпсалар.  
Ўзимни қушдай сезарман,  
Орзулар мени ўпсалар.

Шаҳлонинг икки шаҳлоси,  
Сийнамнинг суйган лайлоси,  
Йўқдир шодлигим қиёси,  
Орзулар мени ўпсалар.

Йигирма ёшли йигитман,  
Парвози юксак бургутман,  
Тўшимни силаб ўсар шаън,  
Орзулар мени ўпсалар.

Ердин ўзгага кулмасман,  
Асло тиз чўкиб билмасман,  
Жаннатни ҳавас қилмасман,  
Орзулар мени ўпсалар.

Шаҳло кўзларин қароғи,  
Сафо Очилнинг ардоғи,  
Ортар туйғулар титроғи,  
Орзулар мени ўпсалар.

## ЖОНОН ҚИЗЛАР

Атлас кўйлакли қизлар,  
Оташ юракли қизлар,  
Сиз экансиз аслида,  
Менга керакли қизлар.

Менга қараб туришар,  
Қиқир-қиқир кулишар,  
Айлонино, айлонин,  
Шу қизларнинг жониннан.

Сочларингиз қирқ ўрим,  
Ялтиллаши — дил кўрим,  
Ўз тилимда сўзлашиб,  
Оширдингиз ғурурим.

Менга қараб туришар,  
Қиқир-қиқир кулишар,  
Айлонино, айлонин,  
Шу сўзларнинг жониннан.

Қўлларда билакузук,  
Ярашган туппа-тузук,  
Қиприklarин чалгитар,  
Кўзлари сузик-сузик.

Менга қараб туришар,  
Қиқир-қиқир кулишар,  
Айлонино, айлонин,  
Шу кўзларнинг жониннан.

Жизиллайди қалб ярам,  
Бўлдимми қарам-қарам,  
Бир қарасам юзлари,  
Қизармиш тарам-тарам.

Менга қараб туришар,  
Қиқир-қиқир кулишар,  
Айлонино, айлонин,  
Шу юзларнинг жониннан.

Ишонмадим кўзима,  
Ҳамма қизда лозима,  
Бизнинг ўзбек элида,  
Шундай юриш лозим-а!

Менга қараб туришар,  
Қиқир-қиқир кулишар,  
Айлонино, айлонин,  
Шу тусларнинг жониннан.

Балки дидим билишган,  
Миллий кийим кийишган,  
Сафо Очилни излаб,  
Жонон қизлар келишган.

Менга қараб туришар,  
Қиқир-қиқир кулишар,  
Айлонино, айлонин,  
Шу қизларнинг жониннан.

## УМР ТИЛА ҶЗИНГГА

Бир умр кўнглинг тутиб шудринг каби мусаффо,  
Бировга ўлим эмас, умр тила ўзингга.  
Йўл кўрсатгай доимо ҳидоятли Мустафо,  
Бировга ўлим эмас, умр тила ўзингга.

Кутиб менинг ўлимим, ўлиб кетди нечалар,  
Минг бор тавба қилурман, таъна этмай қилчалар.  
Кезсам шаҳру қишлоғим, тўлиб кетар кўчалар,  
Бировга ўлим эмас, умр тила ўзингга.

Тўшалмишлар амалу шону шуҳратга зорлар,  
Амал юртин забт этмиш софлик элида хорлар,  
Адолат йўлин тўсган, эй қароқчи ағёрлар,  
Бировга ўлим эмас, умр тила ўзингга.

Сафо Очил, ҳеч қачон ушалмаган армонман,  
Армонлар манзилгоҳи тўс-тўполон жаҳонман,  
Алҳамдулиллоҳ мен ҳам мўмину мусулмонман,  
Бировга ўлим эмас, умр тила ўзингга.

## КУКЛАМ ҚУШИҒИ

Новдалар музга чулғанди,  
Бардош беролмай тўлғонди,  
Новдалар чеккан фарёддан,  
Юрак чарсиллаб чўғланди.

Жоним жонингдан айлансун,  
Шоним шонингдан айлансун,  
Рад этма илтимосимни,  
Қоним қонингда айлансун.

Новдага ўхшар ҳаётим,  
Ҳосил бўларми муродим,  
Тоқатим тоқдир, ёронлар,  
Офтобга етгай фарёдим.

Қақраган сойлар, қирғоқлар,  
Боғда умидвор булоқлар,  
Тушкун ўйдан сафоланиб,  
Қўкламни кутар бу чоғлар.

## **ҲОЙ ҚИЗ, АЛДАШДИМИ?**

**Қўп йиллар сени зимдан кузатганман,  
Хаёлимда суратинг сўзлатганман,  
Ройиш бергин тўйларга, эй париваш,  
Рашкимни қийнаб-қийнаб бўзлатганман.**

**Ҳой қиз, нега йиғлайсан, алдашдимми,  
Ёки ювош юрагинг адашдимми?**

**Бугун ял-ял юзларинг бўзарибди,  
Чақнаб турган кўзларинг қизарибди,  
Аввалгидай гурсиллаб юролмайсан,  
Ўзинг тутишинг биров ўзгарибди.**

**Ҳой қиз, нега йиғлайсан, алдашдимми,  
Ёки ювош юрагинг адашдимми?**

**Армонингга етолмай безовтасан,  
Ҳам юзимдан ўтолмай безовтасан,  
Кўзда ёш ила тинглаб қўшиғимни,  
Жоним ўзинг тутолмай безовтасан.**

**Ҳой қиз, нега йиғлайсан, алдашдимми,  
Ёки ювош юрагинг адашдимми?**

**Алданганлар оз эмас, эй ёронлар,  
Маслагимиз соз эмас, эй ёронлар,  
Беҳуда зор йиғлама, Сафо Очил,  
Эзгулик андоз эмас, эй ёронлар.**

**Ҳой қиз, нега йиғлайсан, алдашдимми,  
Ёки ювош юрагинг адашдимми?**

## ВИСОЛ ҚУШИҒИ

Шарқираб оқар сойлар,  
Ўтса ҳам йиллар, ойлар,  
Ошиқ юрак сулуvin,  
Муборак йўлин пойлар.

Шаббодалар эсмади,  
Боғлар аро кезмади,  
Қайда қолди сулуvin,  
Висолин кўргазмади.

Қирларда отиб чечак,  
Яшнаб ўсар бойчечак,  
Бизнинг уйда сулуvin,  
Бўла қолса келинчак.

Тўлин ойдаи, ой қизлар,  
Тингланг мени, азизлар,  
Сафо Очил кутмоқда,  
Кела қолинг, ҳой қизлар!

## МУЛОЙИМ БИР ҚИЗ БИЛАН

Ой қизлар, оппоқ қизлар,  
Сирлашаман сиз билан.  
Яқин келинг, азизлар,  
Упкалашманг биз билан.

Боғимни этдим гулзор,  
Турфа ранг гуллари бор,  
Нозиккина қўлга зор,  
Шаҳлогина кўз билан.

Узун-узун тунларда,  
Уйим эрки жинларда,  
Шундай оғир кунларда,  
Жин ўйнар ёлғиз билан

Етиб доно фаҳмингиз,  
Келгай менга раҳмингиз,  
Не азиз, жонон азиз,  
Бўлса ёруғ юз билан.

Тақдир қийнаб қўймагай,  
Эзгуликдан қиймагай,  
Сафо Очил ўйнагай,  
Мулойим бир қиз билан.



## УЗИМНИ СЕВИБ ҚОЛИБМАН

Ростин айтайин, азиз дўстларим,  
Узимни ўзим севиб қолибман.  
Емонга йўйманг менинг сўзларим,  
Узимни ўзим севиб қолибман.

Узлигин қадрин билмай ҳеч қачон,  
Узгани севиб бўлмас бенуқсон,  
Кечиргил мени, эй моҳитобон,  
Узимни ўзим севиб қолибман.

Қўшиқларимни ғижимлаб отдим,  
Чунки уларда исмим учратдим,  
Рашк ўти ичра инграниб ётдим,  
Узимни ўзим севиб қолибман.

Ел тегса гар, бир жойга жамлайман,  
Рашк қозонида димлаб дамлайман,  
Фуруримга «е», дея имлайман,  
Узимни ўзим севиб қолибман.

Мен ҳақда қабих ўйлар ўйламанг,  
Ўйласангиз гар, яқин йўламанг,  
Қул бўлмам, ўлсам ўлай қилиб жанг,  
Узимни ўзим севиб қолибман.

## БОШИМ АЙЛАНДИ

Тинглаб таърифнинг, эй моҳи тобон,  
Бошим айланди, бошим айланди.  
Ўзим қўярга жой йўқ ногаҳон,  
Бошим айланди, бошим айланди.

Ўзингни кўрсам, на бўлғай ҳолим,  
Муяссарми шу кунга иқболим,  
Ҳар ён тортқилар ошиқ хаёлим,  
Бошим айланди, бошим айланди.

Шуурим акси — қалам қошмисан,  
Жонимга озор — бағри тошмисан,  
Е оловмисан, ё қуёшмисан,  
Бошим айланди, бошим айланди.

Йўлингга, жоним, кўзлар тутарман,  
Ҳар кун соғиниб интиқ кутарман,  
Эй, Сафо Очил, васфнинг битарман,  
Бошим айланди, бошим айланди.

## ЎЗИМ-ЎЗИМ

Сочларинг силлиқ тараган,  
Тароғингнан ўзим-ўзим.  
Манго мулойим қараган,  
Қароғингнан ўзим-ўзим.

Осмон шами қачон ўчар,  
Шунда булбул гулни қучар,  
Мани истаб пир-пир учар,  
Қопоғингнан ўзим-ўзим.

Булбул чекар қайғу-алам,  
Гул ичади шаффоф шабнам,  
Чанқоқ босар оби зам-зам,  
Дудоғингнан ўзим-ўзим.

Менга қараб ўйнаб турган,  
Дилимга чўғ солиб кирган,  
Симобга ҳам сабоқ берган,  
Қароғингнан ўзим-ўзим.

Ишқим билмас кибру ҳаво,  
Рашким лекин сафо, Сафо,  
Бир-бир босиб кел, марҳабо,  
Оёғингнан ўзим-ўзим.

## РАЪНОМИСАН САН

Боғда битган раъноман дебсан,  
Кўрсат менга раънолигингни,  
Қизлар ичра барноман дебсан,  
Кўрсат менга барнолигингни.

Кўриб қолдим, қамар экансан,  
Дўмбоққина дилбар экансан,  
Бир ахтариб келар экансан,  
Кўрсат менга шайдолигингни.

Янграб кетгай шунда тарона,  
Мадҳияси ўзинг ягона,  
Келасанми ёки хуфёна,  
Кўрсат менга донолигингни.

Гулим босдинг дудоқларингга,  
Ўзим борман титроқларингга,  
Сафо Очил қулоқларингга,  
Мақтар меҳри дарёлигингни.

## ҚАНОТИМ-О

Оғримоқда жинлар яратган,  
Қуюнда қайрилган қанотим-о.  
Еронлар, қўллагай Яратган!  
Қуюнда қайрилган қанотим-о.

Сариқмикан, оқмикан, билмам,  
Элидан талоқмикан, билмам,  
Имондан йироқмикан, билмам?  
Қуюнда қайрилган қанотим-о.

Юртимиз босганда дажжоллар,  
Тепкиланди нозик ниҳоллар,  
Хира тортди ёруғ тимсоллар,  
Қуюнда қайрилган қанотим-о.

Бузилмишдир асрий оромим,  
Сўндирилди жўшқин илҳомим,  
Тўлдирилди оғуға жомим,  
Қуюнда қайрилган қанотим-о.

Совуқ нафас оларди қинлар,  
Хўрлангач айби йўқ тутқунлар,  
Қўкрак керди бизнинг сотқинлар,  
Қуюнда қайрилган қанотим-о.

Юртимга истиқлолдир устун,  
Устунга суяниб тур бугун,  
Сафо Очил, парвоз эт, лекин  
Қуюнда қайрилган қанотим-о-о!

## ЕЛҒИЗЛИК

Қунларим ёлғиз ўтмишдир,  
Тунларим ёлғиз ўтмишдир,  
Зорима соқов сукунат  
Бепарво қулоқ тутмишдир.

Тўрт девор чайнаб ютмишдир,  
Қисматим қисман ютмишдир,  
Устимдан кулар узоқ тун,  
Бардошим тугаб битмишдир.

Зулмат қиличин ўйнайдир,  
У ўз ҳолима қўймайдир,  
Гўёки очкўз хоналар,  
Қонимни сўриб тўймайдир.

Беун дод дейман камина,  
Чидамлар, қилади гина,  
Шунда хўмрайиб сабримга,  
Дашном беради ажина...

Қунларим ёлғиз ўтмишдир,  
Тунларим ёлғиз ўтмишдир,  
Зорима соқов сукунат  
Бепарво қулоқ тутмишдир.

## КЕЛДИ

Эшигим қоқдилар субҳидам,  
Билмам, мени излаб ким келди?  
Тарқаб кетди гўё ғам-алам,  
Билмам, кимдир бугун жим келди.

Тинмай урар эди юрагим,  
Кимга бўлди экан керагим,  
Емғир ёға бошлади сим-сим,  
Кўзга ёшлар лиммо-лим келди.

Тирнаб-тирнаб ўтказдим туним,  
Ултирардим ёришмай куним,  
Шунда қутлаб туғилган куним,  
Ҳайит билан наврўз бир келди.

Худойимдан минг бор ўргилай,  
Ҳақ бергандан такрор ўргилай,  
Узим айтиб алёр, ўргилай,  
Яхши кунлар барибир келди.

Ҳамроҳ бўлди бир ой рамазон,  
Туғилган ойимда меҳрибон,  
Шодлигим ўлчашга йўқ мезон,  
Умримда бир оппоқ тонг келди.

Эй худойим, ҳасад йўқ бўлғай,  
Юртдан ёмон мақсад йўқ бўлғай,  
Сафо Очил, кўнглинг тўқ бўлғай,  
Жисмим аро оқиб жон келди.

## ЕРҚИНОЙ

Япроқлар орасидан,  
Мўраларди ёрқин ой.  
Узин борлиқ сасидан,  
Чет оларди Ёрқиной.

Қизларга ҳаё чирой,  
Ёрқин ойим, Ёрқиной!

Қўрқма, жоним, ногаҳон,  
Турибман-ку ёнма-ён,  
Десам унга шу замон,  
Уяларди Ёрқиной.

Жўр бўлиб тилагимга,  
Утлар тўшар тагимга,  
Бош қўйиб кўкрагимга  
Ут соларди Ёрқиной.

Сафо Очил, барваста,  
Кўнглим шунга вобаста,  
Менга атаб гулдаста,  
Сараларди Ёрқиной.



## БИЛМАДИМ

Келганингни ойдай тўлиб,  
Билмадим ман, ёр, билмадим.  
Кўнглингдаги бахтинг бўлиб,  
Қулмадим ман, ёр, қулмадим.

Жозибангга айтиб гулёр,  
Минг ўргилиб жонингдан, ёр,  
Неча йиллар ёнингдан, ёр,  
Жилмадим ман, ёр, жилмадим.

Кўнглинг сезмабман сўзингдан,  
Не бўлса билдим ўзимдан,  
Ел бўлиб чиқдинг кўксимдан,  
Юлмадим ман, ёр, юлмадим.

Сафо Очил, севгим гўзал,  
Гўзалликка туздим ғазал,  
Юрагим амрига амал  
Қилмадим ман, ёр, қилмадим.

## **БОЛАЛИГИНГ БОР БЎЛҒАЙ**

Болаликда юрардик бўйларимиз данглашиб,  
Болалигим бор бўлғай, болалигинг бор бўлғай,  
«Читтигул»ни куйлардим гуллар териб қир ошиб,  
Болалигим бор бўлғай, болалигинг бор бўлғай.

Кесак қўйди ўйнардик, бир-бировга ошириб,  
Борар эдим олдинга ўзим ҳар гал бош уриб.  
Кесагимни қўярдим этагингга яшириб,  
Болалигим бор бўлғай, болалигинг бор бўлғай.

«Галин-галин» ўйини қилиб бизни бахтиёр,  
Бахш этарди дилларга ҳароратли ифтихор,  
Айтиларди олқишлаб, галин саломи, «ёр-ёр»,  
Болалигим бор бўлғай, болалигинг бор бўлғай.

Хаёлимдан кетмайдир ўшал ажиб замонлар,  
Юрагимни қитиқлар дилбар-дилбар армонлар,  
Сафо Очил, орага тушмиш қай бир шайтонлар,  
Болалигим бор бўлғай, болалигинг бор бўлғай.

## ВАФО НАҚШИН ДИЛГА УИДИМ

Еронлар, на армоним бор,  
Ғарибларнинг шоҳи бўлдим.  
Эл-юртин этган чаманзор,  
Ғарибларнинг шоҳи бўлдим.

Вафо нақшин дилга ўйган,  
Муҳаббат ўтида куйган,  
Шу йўлда жонидан тўйган  
Ғарибларнинг шоҳи бўлдим.

Зебодир манзил-маконим,  
Элнинг ўзи чароғбоним,  
Меҳридир тахти-равоним,  
Ғарибларнинг шоҳи бўлдим.

Девон муҳри юрагимдир,  
Туғи эзгу тилагимдир,  
Мадҳин ёниб куйлагимдир,  
Ғарибларнинг шоҳи бўлдим.

Тахтга чиқдим иймон билан,  
Тилим бирдир виждон билан,  
Сафо Очил армон билан,  
Ғарибларнинг шоҳи бўлдим.

## **ЯХШИ ДЕСАЛАР ҲАМ, ЁМОН ДЕСАЛАР ҲАМ**

Дилда яшар доим жононларга меҳрим,  
Яхши десалар ҳам, ёмон десалар ҳам.  
Чақмоқ каби чатнар бевафога қаҳрим,  
Яхши десалар ҳам, ёмон десалар ҳам.

Дудоғинда қолди муҳаббат ранги,  
Кўзёшга айланди ишқ лашкарин жанги,  
Дув фалакка чиқмиш орзулар оҳанги,  
Яхши десалар ҳам, ёмон десалар ҳам.

Устидан чиқибман ёрнинг ташвишларин,  
Устидан тушмадим ёмонлиқ ишларин,  
Жонима жойладим юрак уришларин,  
Яхши десалар ҳам, ёмон десалар ҳам.

Кимки юрди ишқим султонин ўчинда,  
Сулувдир ўн етти ёшлилар ичинда,  
Тугиб қолди олов севгимни ичинда,  
Яхши десалар ҳам, ёмон десалар ҳам.

Нозвой бўй бағринда ёнарман, куярман,  
Сафо Очил, меҳрим қадаҳга қуярман,  
Нўш айлаб маст бўлган жононни суярман,  
Яхши десалар ҳам, ёмон десалар ҳам.

## ЖОНИМ БЕРИБ КЕТСАНГ НЕТАР

Оёқларинг бир-бир териб,  
Боришингнан дойинг\* сани.  
Сочларингни тўлгантириб,  
Боришингнан дойинг сани.

Қайт орқангга эриб-эриб,  
Шай турибди пойинг сани.  
«Вой-вой» дема кўз қиймириб,  
Жоним олар «вой»инг сани.

Кетаверсанг шундай агар,  
Жоним бериб кетсанг нетар,  
Нозли нозинг жондан ўтар,  
Боришингнан дойинг сани.

Қароғимда дир-дир титрар,  
Сим-сим икки ойинг сани.  
Дойинг кутар, зор-зор кутар,  
Кўксимдадир жойинг сани.

Дардга дори ўпка-гинанг,  
Дард қўзғатар мармар сийнанг,  
Қимдир сани туққан энанг,  
Боришингнан дойинг сани.

Қуриб кетди манинг силлам,  
Билолмасдан ройинг сани.  
Гал, бари гал, сарви санам,  
Сафо Очил дойинг сани.

---

\* *Дойи* (хоразмча) — тоға

## ИЧИНДА

Эй ёронлар, саккиз олам бор эмиш,  
Қалбим кенгдир саккиз олам ичинда.  
Қалбга уч юз олтмиш дарё қуйилмиш,  
Ҳасратларим оқар жолам ичинда.

Ўзгачадир менинг кўнглим осмони,  
Бир умрга саккиз офтоб ошени,  
Вале ёлғиз санам ёқиб кул қилмиш,  
Бахтим ранги қотган қалам ичинда.

Дилдан уч юз олтмиш дарё ўтадир,  
«Бир оҳ урсам» бари қуриб кетадир,  
Муҳаббатим қадрини учун йиғлайдир,  
Орзуларим инграр алам ичинда.

Умидимдан турфа гулшан яратдим,  
Гулшан ичра ҳазин кўнглим яйратдим,  
Сафо Очил ишқи яшнар навқирон,  
Бошимдаги оппоқ толам ичинда.

## НОЗЛАНИБ

Нафис оҳанг тўлқинида нозланиб,  
Шамолларни уйғотади қуш каби.  
Кўнглимга ўт солди такрор солланиб,  
Қасди борми, надир мендан талаби?

Шундан бери юрибман ичим ёниб,  
Лек рухсорин кўролмадим ҳеч қониб,  
Тунлар мижжа қоқолмайман тўлғаниб,  
Ёки мани ўлдиришми матлаби?

Рақси раққос қилиб қўйди юрагим,  
Истармикан билмоқ менинг дарагим.  
Билолмасман, борми унга керагим,  
Висол ҳақда очиларми ёр лаби?

Сафо Очил, нозиккина кўнглим бор,  
Ундан мисол олар ҳар йил ҳар баҳор,  
Озор берар, бермай дилга ихтиёр,  
Борми ўзи жафоларин сабаби?

## ҚУШИҚ БҰЛИБ ТУҒИЛГАНМАН

Жайхун эккан гиёҳлардан,  
Қўшиқ бўлиб туғилганман.  
Хоразм чеккан оҳлардан,  
Қўшиқ бўлиб туғилганман.

Инграб ўсган орзулардан,  
Титраб тўзган туйғулардан,  
Аза тутган қайғулардан,  
Қўшиқ бўлиб туғилганман.

Қўз ёшимда оҳ тасвири,  
Сочларимда жаннат нури,  
Умид боғин сеҳри, сирри,  
Қўшиқ бўлиб туғилганман.

Умидимдан минг бор ўргилиб,  
Юрт газгим бор ўйнаб-кулиб,  
Елғиз Сафо Очил бўлиб,  
Қўшиқ бўлиб туғилганман.



## БИЗНИ ТАШЛАБ КЕТМА

*Афғонистондаги адолатсиз урушда  
ҳалок бўлган туркистонлик йигитлар  
хотирасига*

Уқ тегдими, кўксинг нега қон,  
Бизни ташлаб кетма, болам-эй.  
Наҳот ерга кўмилар армон,  
Бизни ташлаб кетма, болам-эй.

Юрагингда дўстлик жўш урар,  
Қимдир унга бориб ниш урар,  
Дўстлар йиғлаб, душманлар кулар,  
Бизни ташлаб кетма, болам-эй.

Номинг турфа каштага тикиб,  
Қайлиғинг ҳам ҳар кун энтикиб,  
Қутмоқдамиз сени кўз тикиб,  
Бизни ташлаб кетма, болам-эй.

Душманларга қирон келса-я,  
Сен ўлмасдан улар ўлса-я,  
Бегуноҳсан, ҳамма билса-я,  
Бизни ташлаб кетма, болам-эй.

Пешонанг шўр экан, билмадим,  
Шу умид-ла катта қилмадим,  
Бораман деб ёзиб, келмадинг,  
Бизни ташлаб кетма, болам-эй.

Юрагим суғириб олдилар,  
Болам, не кўйларга солдилар,  
Ота-онанг йиғлаб қолдилар,  
Бизни ташлаб кетма, болам-эй.

Висол ёди қоврилиб кетар,  
Сафо Очил сени ёд этар,  
Умрим сенсиз армонли ўтар,  
Бизни ташлаб кетма, болам-эй.

## ГУЛЛОЛА

(Лапар)

Фасли баҳор ичра тенгсиз гуллола,  
Очиласан бўлиб гўё пиёла,  
Табассуминг мафтун этмиш оламни,  
Кулиб лола, менга ҳам бир қиёла.

Ҳамма сени севар жони-жонидан,  
Ошиқлар айрилмас сира ёнингдан.  
Ял-ял ёнар ошиқларнинг ёноғи,  
Андоз олиб юрагимнинг қонидан.

Лолаларни кўзларимга сураман,  
Ахир, унда ёшлигимни кўраман,  
Сафо Очил, териб лола саралаб.  
Бахтин тилаб авлодларга бераман.

## ГУЛЧИ ЙИГИТГА

(Лапар)

Гул терардинг саралаб,  
Гоҳ менга қараб-қараб.  
Кетди сирли боқишинг,  
Юрагимни поралаб.

Гўё сувратга олдинг,  
Хаёлим олиб қолдинг.  
Жавоб бергил, ҳой йигит,  
Қалбга нега ўт солдинг?

Хуштор бўлдим гулингга,  
Малол олма кўнглингга.  
Келтир кўнглинг гулини,  
Пешвоз чиқай йўлингга.

## ШИВИРЛАГАЙ

Офтоб мисол кулиб боқдинг,  
Қалбга нурдай бўлиб оқдинг,  
Ушал зиё оташ экан,  
Вужудимга олов ёқдинг.

Кўзи шахло, сўзи аъло,  
Етказ мани бир мақсуда.  
Бўлсин ота-онамларга  
Ота-онанг яқин, қуда.

Мақсудим шул, гўзал нигор,  
Бўлгил менга мангу дилдор.  
Қайтармагин раъйимни сен,  
Чунки қилдинг ўзинг хумор.

Бериб қалбим саволини,  
Билгим келур хаёлини,  
Қалай мен ҳам юрагига,  
Муҳаббатим оловини.

Ишқ булоғинг жимирлагай,  
Шунда қалам қимирлагай.  
Сафо Очил шул қўшиғинг  
Ёрга севгинг шивирлагай.

## ГИЗЛАМА

Танишайлик, Моҳигул,  
Маннан отинг гизлама\*.  
Нозик-нозик бу кўнгил,  
Насаб-зотинг гизлама.

Нега, жоним, уялдинг,  
Қизил рангга бўялдинг,  
Алинг нечун орқангда,  
Езган хатинг гизлама.

Сайраса ёниб булбул,  
Ял-ял ёниб турар гул,  
Кўнгил қўйган бўлсанг гар,  
Муҳаббатинг гизлама.

Булбул учиб кетмагай,  
Ранги сўлиб ўтмагай,  
Юзга тортиб рўмолинг,  
Малоҳатинг гизлама.

Юрагингда армонман,  
Дардларингга дармонман,  
Энди Сафо Очилдан  
Садоқатинг гизлама.

---

\* *Гизлама* (хоразмча) — яширма.

## **СОЧЛАРИ УРИМ-УРИМ**

Бошимда қирқ минг ғавғо бошланди,  
Сочлари ўрим-ўрим, қирқ ўрим.  
Қирқ минг аждарҳо бўлиб ташланди,  
Сочлари ўрим-ўрим, қирқ ўрим.

Не бошимда чарх уриб юрибди,  
Қим тунни арқон қилиб ўрибди,  
Бўйнимда дорлар айлаб турибди,  
Сочлари ўрим-ўрим, қирқ ўрим.

Кўзим мардумин хол айлаб юзга,  
Бахтим қаросин суртибди кўзга,  
Яна қайрилмай кетади бизга,  
Сочлари ўрим-ўрим, қирқ ўрим.

Санам димоғи баландми мунча,  
Қонимни сўрган лаблари ғунча,  
Сафо кўнглимда ўла-ўлгунча,  
Сочлари ўрим-ўрим, қирқ ўрим.

## ОҒРИҚЛИ КУНЛАР

Қорачиғимга игна қадалди,  
Руҳимда қолди оғриқли кунлар.  
Ҳаётим аччиқ қисмат аталди,  
Руҳимда қолди оғриқли кунлар.

Кўп бор фитнадан омон қолганман,  
Борлигим ростми ёки ёлғон ман,  
Танамда сезиб чарчоқ, толганман,  
Руҳимда қолди оғриқли кунлар.

Мунофиқларнинг дашном, зардаси,  
Бағримни эзди муштум зарбаси,  
Ут пуркаб ёлғон дунё нафаси,  
Руҳимда қолди оғриқли кунлар.

«Ҳассаси билан туртган пайғамбар»,  
Деганмиш мени кимдир, алҳазар!  
Зулмда зўриқиб юрдим дарбадар,  
Руҳимда қолди оғриқли кунлар.

Юракда тақдир жароҳати бор,  
Даво тополмас ҳеч бир шифокор,  
Жонимни эзар тенгсиз бир озор,  
Руҳимда қолди оғриқли кунлар.

Юртма-юрт дайдиб, излаб шифолар,  
Қайга бормайин, кўрдим низолар,  
Найлай, ёронлар, бўлдим адолар,  
Руҳимда қолди оғриқли кунлар.

Эй, Ўзбекистон митти Сафоси,  
Истиқлол экан дардим давоси,  
Кўксимга тегди илиқ сабоси,  
Чекинди бир оз оғриқли кунлар.

## УТАРМАН

Менга хиёнат тигин бермишлар,  
Энди бағрим тиглаб ўтарман.  
Жабру жафолар раво кўрмишлар,  
Энди умрим йиғлаб ўтарман.

Нолимай ўтга солган тузумдан,  
Нолиб ўтайми ёки ўзимдан,  
Ваҳима қолмас сира изимдан,  
Сесканиб, ичим жиғлаб ўтарман.

Орзуси қолиб ёғин-сочинда,  
Халойиқ дарди ёнар ичинда,  
Шоҳлар юрадир унинг ўчинда.  
Мен элим бирлан инграб ўтарман.

Баъзилар доим амал талашар,  
Амални олиб, халқни талашар,  
Эй, Сафо Очил, зуғум қалашар,  
Замондан нолиб, ҳўнграб ўтарман.

## ЎЗИМНИНГ ЖОНИМ

(Лапар)

Арслоним қалби сафоли,  
Юганда изи садоли,  
Димоғи тоғлардан баланд,  
Қимларда экан хаёли?

Бўйнидан осилсам-ётсам,  
Мағрур бўй-бастин қулатсам!  
Миясин ул ҳақда сурган  
Ўйларим билан чулғатсам!

Ушалса ўшал армоним,  
Яйрагай жону жаҳоним.  
Эй, Сафо Очил, висолга  
Жон-жоним, ўзимнинг жоним!

## БЕВА АЁЛЛАРГА

Тақдирга тан берган муҳтарам,  
Бева аёлларга жон фидо.  
Ҳурматга лойиқ ул муқаррам,  
Бева аёлларга жон фидо.

Субҳидамда чекиб интизор,  
Куйламакни этдим ихтиёр,  
Момоҳаво янглиғ беғубор,  
Бева аёлларга жон фидо.

Аҳволи не кечмиш кун ботса,  
Гулдай яшнаб кетмиш тонг отса,  
Покликни уйқудан уйғотса,  
Бева аёлларга жон фидо.

Сафо Очил, дилга жойгина,  
Ўзи зебогина, ойгина,  
Бир умр софликка бойгина  
Бева аёлларга жон фидо.



## ОНА ҚУШИҒИ

*Шўро тузумининг кейинги йилларида  
армияга кетган йигитлар ўлиги кела  
бошлади.*

Чақирма келибди аскарликка,  
Ой бориб, омон қайт, болажоним.  
Бечора кўкрагим тилка-тилка,  
Ой бориб, омон қайт, болажоним.

Бағримда асрадим ўн саккиз йил,  
Бахтингдан сўзладим ўн саккиз йил,  
Иқболинг кўзладим ўн саккиз йил,  
Ой бориб, омон қайт, болажоним.

Жигарим, айлашиб зўрлик менга,  
Бировлар эгалик қилмиш сенга.  
Нолишим олмаслар бир тийинга,  
Ой бориб, омон қайт, болажоним.

Не кунларга қолдим, билолмасман,  
Қулай дейман, лекин қулолмасман,  
Кучим етмас, ҳеч не қилолмасман,  
Ой бориб, омон қайт, болажоним.

Чора топа билмай оввораман,  
Ёғимда қоврилиб дилпораман,  
Найлайн, қул каби бечораман,  
Ой бориб, омон қайт, болажоним.

Қайтмасанг, юрагим ёниб битгай,  
Хазонлардай умрим чириб кетгай,  
Нолишим Аллоҳга бориб етгай,  
Ой бориб, омон қайт, болажоним...

## ЕРИМНАН АЙРИЛДИМ

Жувозим қайларда синиб йўқолди,  
Давилим\* деволда осилиб қолди.  
Ёримнан айрилдим бугун, ёронлар,  
Парахат турмушим нега чайпалди?

Гўрган баҳоримдир энди йигирма,  
Бошима ярашар сурдан чўгирма,  
Ёноқлари кишмиш холли санамим,  
Гетма-гетма, маннан юзинг ўгирма.

Патикда чийиллар қаноти қийғоч,  
Инина гирибди илон — гўззи оч.  
Орамиза гириб Қоработирлар,  
Ёлғиз қолдим мен ҳам гўё қалдирғоч.

Осмоннинг юзлари экан қирмизи,  
Ҳижрон тиғи тилган дилларнинг изи.  
Алим етмас борса-галмас жойларда,  
Соғиниб кутармиш бахтим юлдузи.

Юрак домирларим бир-бир юларман,  
Севги надир ўзи энди биларман,  
Мурода етмасам агар, ёронлар,  
Ҳижрон қабри узра туриб гуларман.

---

\* Еғ соладиган ҳовоқ идиш.

## ЛАФЗИ ҲАЛОЛ ЕРМИСИЗ

(Лапар)

Булбул розин гулига,  
Айта-айта толибмиш.  
Фақат унинг кўз ёши,  
Гулбаргида қолибмиш.

Ушал дурлар, маржонлар,  
Кўнглим ҳар он тортадир.  
Шундан бери севгим-ҳей,  
Кундан-кунга ортадир.

Айтнинг, сиз ҳам тўғрисин,  
Лафзи ҳалол ёрмисиз?  
Келинг, майли, азизим,  
Дардга даво, бормисиз?

## ҒАРИБ БҮЛИБ

Тўрт томонга қараб қолган ғариб оламга,  
Ғариб бўлиб келдим, ғариб бўлиб кетарман.  
Бардошим етмасдан дарду ғаму аламга,  
Ғариб бўлиб келдим, ғариб бўлиб кетарман

Бир парча эт бўлиб туғилганман беғубор,  
Шунда озор берди жонга дунё ситамкор,  
Шунда йиғлаб эдим чидолмасдан зору зор,  
Бағрим тилиб келдим, бағрим тилиб кетарман.

Ер тирнаб чакишдим, топилмади мададкор,  
Бағри кенг инсонлар изладим кўп интизор,  
Кимга дуч келмайин, бир-бировга қасоскор,  
Рангим сўлиб келдим, рангим сўлиб кетарман.

Сабрли бўл деймиз, сабрнинг уйи куйсин,  
Яхши бўлар деймиз, таъбирнинг уйи куйсин,  
Уриб тур эй юрак, тақдирнинг уйи куйсин,  
Шошиб, елиб келдим, шошиб, елиб кетарман.

Бахтидан ажралган бахти шўрликка зорлаб,  
Умрим бўйи бирлик дея, бирликка чорлаб,  
Бу оламга йиғлаб токи ҳурликка чорлаб,  
Сафо бўлиб келдим, Сафо бўлиб кетарман.

\* \* \*

Эй, дилбарим, мулойимсан, мулойим,  
Кўз ўнгимда намоёнсан ҳар доим,  
Сани манго кўп кўрмасин худойим.

Жондирайсан, кўзларимнинг мойин еб,  
Кимҳобимсан, атласимсан ё шойим,  
Сани манго кўп кўрмасин худойим.

Эшигинг ёнидан ўтсам қувнайман,  
Манзилгоҳинг жаннатмакон бир жойим,  
Сани манго кўп кўрмасин худойим.

Бўлсам дейман бир умрга сен билан,  
Битта жойдан олингандир ё лойим,  
Сани манго кўп кўрмасин худойим.

Сафо Очил, билсам, ўзи ул малак,  
Асли ишқин пинҳон тутган шайдоим,  
Уни манго кўп кўрмасин худойим.

## СЕҲРЛИ МУҲАББАТ

(Айтишув)

**И г и т:**

Юрагим кетди ёр юлиб,  
Қасдимни олмасам бўлмас.  
Алиннан олмасин олиб,  
Қўйнима солмасам бўлмас.

**Қ и з:**

Юрагинг гетмадим юлиб,  
На қасдинг бор манда, хўжик.  
Бўлибсан олмамни олиб,  
Қоларсан аданда, хўжик.

**И г и т:**

Суҳбатлар қуриб, ичинда  
На борин билмасам бўлмас.  
Юрибман шунинг ўчинда,  
Бир бориб галмасам бўлмас.

**Қ и з:**

Сан билан қурмийман суҳбат,  
Тушингни сувга айт, хўжик.  
Сан билан бўлмийман улфат,  
Сан бу йўлингнан қайт, хўжик.

**И г и т:**

Қирмизи лаблари титрар,  
Ёнинда бўлмасам бўлмас,  
Билмадим, маннан на кутар,  
Айтганин қилмасам бўлмас.

**Қиз:** Лабларим титраса титрар,  
На ишинг бор сани, хўжик.  
Титроғи ўтар-да кетар,  
Сўллама гўрганинг, хўжик.

**Иигит:** Гўззинда ўзимни гўрдим,  
Суйканиб кулмасам бўлмас.  
Гўз ёши оқарди сим-сим,  
Шу қизни олмасам бўлмас.

**Қиз:** Гўзимда гўрмадинг ўзинг,  
Ёлғонни сўллама, хўжик,  
Юмилган эди-ку гўззим,  
Оғзингдан гуллама, хўжик.

**Қиз ва**

**Иигит:** Севгимиз рамзи истиқлол,  
Бахтли замона бор бўлғай.  
Тўйимиз кутар истиқбол,  
Шўх-шўх тарона бор бўлғай.

## ТАНИШУВ

(Айтишув)

- Иигит:** Севги гулшанин газиб ман сайрон,  
Васфинг куйлаган ёниб ҳар замон,  
Сафо Очилман, донимадингми?
- Қиз:** Гулзорда ҳазин қўшиқ тингладим,  
Куйлар сеҳридан ўзим англадим,  
Ва лекин Сизни донимадим ман.
- Иигит:** Дил кўзинг ила авайлаб қара,  
Бутоғлар аро куйган бечора,  
Сафо Очилман, донимадингми?
- Қиз:** Бу ғариб кўнглим сийлашга зордир,  
Боғда булбулни кўрганим бордир,  
Ва лекин Сизни донимадим ман.
- Иигит:** Ман «айтсамми ё айтмасам» дебон,  
Зорланиб турган чеккада ҳайрон,  
Сафо Очилман, донимадингми?
- Қиз:** Сиз билан бир дам суҳбат қургандай,  
Турибман гўё тушда кўргандай,  
Лекин, кечиринг, донимадим ман.
- Иигит:** Ёронлар, кимга айтай додимни,  
Ёрим, сезмадинг оҳ-фарёдимни,  
Сафо Очилни донимадингми?
- Қиз:** Ишқингиз сафо экан, сафо-да!  
Бу ўткинчи ёлғон дунёда,  
Азият чекманг, жоним, донидим.
- Иигит ва**  
**Қиз:** Муҳаббат боғин кезгач истиқлол,  
Қовушдик, жоним, кулгай истиқбол,  
Ўзни донидим, сизни донидим.



## ГУЗЛАРИНГНИ ОЛИБ ҚОЧМА

Оқшомлари Сангидилнинг йўлига,  
Чиқиб ўйим ҳар ёнлара совраман.  
Тушиб қолса агар борми қўлима,  
Гўзларини гўзларимда қовраман.

Гўзларингни олиб қочма, оғажон,  
Ғазабингни манга сочма, оғажон,  
Ёлвораман, киприкларинг ўқ қилиб,  
Юрагимга санчиб қочма, оғажон.

«Полвон бўйи сова кесак, рош экан,  
Ёргинамнинг бағри бутун дош экан,  
Қулоқ солмай кетиб қолди зорима,  
Ёпдан оққан гўзимдаги ёш экан».

Излариннан йиғлаб қолдим ман ночор,  
Тоғибмакан бағри дошим бошқа ёр?  
Гўзин сузиб ёрим тортиб олганлар,  
Полвон ёпда оқиб гетгай йиғлаб зор.

Шунда қайтгай мангу жуфти-ҳалоли  
Қайтгай яна тўзғиб ётган хаёлим,  
Ғоли бўлсин йўлларина сочларим,  
Ахир, шунда менинг бахти-иқболим!

## ҚОЛДИ

(Халфа қўшиғи)

Пўта такалар қўйдим ёнингга,  
Пўта такада армонинг қолди.  
Оро кирмадим ширин жонингга,  
Пинҳона ошиқ жононинг қолди.

Уйимнинг тўрин тўлдириб ўзинг,  
Кўзимдан асло узмадинг кўзинг,  
Қалбимда ҳамон оташин сўзинг,  
Ичимда оҳи-фиғонинг қолди.

Пўта такалар борми уйингда,  
Шойи кўрпалар тўшаб тийингда,  
Мендай ёнарми бошқа кўйингда,  
Сурмаган даври-давронинг қолди.

Сен ёнбошлаган таканга қараб,  
Хуни-бийронман сочларим тараб,  
Боргайман ҳали аҳволинг сўраб,  
Кўксимда мўлжал-нишонинг қолди.

Сен ҳақда сурган хаёлим дейман,  
Энди ёлғиз бир сафолим дейман,  
Энди дунёда вафолим дейман,  
Кўнглима солган туғёнинг қолди.

• Пўта така (хоразмча) — рўмол матосидан тикилган ёстиқ.

## ДАРДИНГНИ АЙТ

Хўрсиниб-хўрсиниб сўзлайсан нечун,  
Бошингга не кулфат тушди, жонгинам.  
Хўнграб-хўнграб эздинг бағримни бутун,  
Бошингга не кулфат тушди, жонгинам?

Сездим, лабларингда аянчли титроқ,  
Юрагинг турибди бўғзингда шундоқ,  
Тортинмасдан айтгил дардингни мундоқ,  
Бошингга не кулфат тушди, жонгинам?

Кулфат тушган бошгинангдан ўргилай,  
Кўзларингда ёшгинангдан ўргилай,  
Чимирилган қошгинангдан ўргилай,  
Бошингга не кулфат тушди, жонгинам?

Елғизман деб, жоним, ўксима асло,  
Елғизликдан бизни асрасин худо,  
Умид гулшанида кутмоқда Сафо,  
Сафо кўнглим санго тушди, жонгинам.

## НҮННИ ҚИЗ

Қолмай десанг товонима, нўнни қиз,  
Ишва билан гал ёнима, нўнни қиз,  
Сан гараксан жон-жонима, нўнни қиз,  
Сингиб гетдинг қон-қонима, нўнни қиз.

«Воҳай» десанг, воҳангнанай, нўнни қиз,  
Бурмаланган ёқангнанай, нўнни қиз.

Юлдуз санаб ўтар тунлар, ёлғизман,  
Ортада қолгай ғамли кунлар, ёлғизман,  
Ёлғизлигим ғам-ғуссаси тарқалгай,  
Ишва билан гал ёнима, нўнни қиз.

Санго, жоним, жонгинамнинг жундуки,  
Очилгайми юракингнинг дуйнуки,  
Дуйнукингниан борайинми ё ўзим,  
Сан гараксан жон-жонима, нўнни қиз.

Зулмингнинг бормикан охир поёни,  
Поёнсиз муҳаббат билмас вафони,  
Сафо Очил етар санинг қадрингга,  
Сингиб гетдинг қон-қонима, нўнни қиз.

## **ИГИТЛАР ЁР-ЕРИ**

Кўзим тушгач кўзига,  
Ҳушим учди, ёр-ёр-эй.  
Юртим донгдор қизига,  
Ишқим тушди, ёр-ёр-эй.

Гар кўрмасам жамолин,  
Бўлмас ором, ёр-ёр-эй.  
Гулда кўриб мисолин,  
Олдим илҳом, ёр-ёр-эй.

Гуллар тердим этаклаб,  
Қолмай армон, ёр-ёр-эй.  
Гуллар кетди этаклаб,  
Ёрга томон, ёр-ёр-эй.

Сафо Очил, эркалаб,  
Сочин ўйнар, ёр-ёр-эй.  
Унга тўйдан очсам гап,  
Кулиб боқар, ёр-ёр-эй.

## ЙИҒЛАМА

Куним битса гар зинҳор,  
Эй, армоним, йиғлама.  
Кўришмасак биз дийдор,  
Сирдош тонгим, йиғлама.

Дўстлар, келманг қошимга,  
Оғу бордир ошимда,  
Пул тикилган бошимга,  
Дўст-ёроним, йиғлама.

Тиғи кин ила чолган,  
Замон шу куйга солган,  
Ном-нишонсиз йўқолган,  
Шухрат-шоним, йиғлама.

Эл учун тикдим жоним,  
Майли, тўксинлар қоним,  
Эсон қолар виждоним,  
Пок иймоним, йиғлама.

Устун чиқдим ағёр,  
Орзулар йиғлар абгор,  
Қоғоз бетида зор-зор,  
Шеър, достоним, йиғлама.

Сақлаб қутлуғ ҳурматим,  
Жондан азиз улфатим,—  
Покиза диёнатим,  
Гулистоним йиғлама.

Болам шаҳид кетди деб,  
Ёшлай умри битди деб,  
Армон билан ўтди деб,  
Отажоним, йиғлама.

Кўрганим тухмат бўлди,  
Дўстдан хиёнат бўлди,  
Улмагим қисмат бўлди,  
Онажоним, йиғлама.

Сўнги сўзим ёд олғил,  
Садоқатим оқлағил,  
Руҳимни пок сақлағил,  
Дармонжоним, йиғлама.

Сафо Очил отангдир,  
Дардим айтдим бирма-бир,  
Маъносин чақиб бир-бир,  
Болажоним, йиғлама\*.

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим,  
Нолишим эшитгай оллоҳим,

Кўчага чиқсам ҳар қадамда,  
Ёвузларга тушмиш нигоҳим.

Шодлик майин тутмоқ умидим,  
Булғатмишлар райҳони роҳим.

Кўксим аро армон ёнадир,  
Чақин бўлмиш кўкларда оҳим.

Бошим олиб қайларга қочай,  
Туркистон эрса манзилгоҳим.

Ҳаловат истар Сафо Очил,  
Ғайрилардан асра, илоҳим.

---

\* Шеър 1977 йил кузида ёзилган.

(Қофиясиз ғазал)

\* \* \*

Жайхундай тошсангиз ҳам худони ёд айланг,  
Бош тубан тушсангиз ҳам худони ёд айланг.

Гар эрсангиз, азизлар, уммати мусулмон,  
Ҳар онда ул жаноби худони ёд айланг.

Оллоҳим номи бирлан кам бўлмадим ҳаргиз,  
Эй, яхшилар, бир умр худони ёд айланг.

Бул ўткинчи дунёда чеккан кулфатлардан,  
Аразлаб гуноҳ қилманг, худони ёд айланг.

Ҳар гуноҳнинг жавоби тайёр охиратда,  
Шайтонга ҳай-ҳай дебон худони ёд айланг.

Сафо Очил, эзгулик боғида доимо,  
Сайрон кездим, мўминлар, худони ёд айланг.

\* \* \*

Эй, дўстлар, айлайин насихат, оллодан қўрқинг,  
Дўстга қилманг ҳийла-хиёнат, оллодан қўрқинг.

Истиқбол озиғи яхшилик, яна яхшилик,  
Не ажаб, ким билмас саховат, оллодан қўрқинг.

Ғариб кулбам аро чекмишам оҳу фиғонлар,  
Зулми даврон этар давомат, оллодан қўрқинг.

Соч-соқолим оқдир дунёнинг зулми зўридан,  
Бўлмагай бу дунё қиёмат, оллодан қўрқинг.



Баргдай титрар токи сарғайиб аҳли яхшилар,  
Ки турмушда йўқдир ҳаловат, оллодан кўрқинг.

Кўпни асир этмиш Туркистон бағри, эй Хуштор,  
Хушторман деб, қилманг хиёнат, оллодан кўрқинг.

\* \* \*

Ло илоҳа Иллаллоҳ,  
Ёр манго Расулуллоҳ.

Танладим софлик йўлин,  
Виждонимдир хайрихоҳ.

Сарҳисоб этдим бир-бир,  
Умримга ташлаб нигоҳ.

Тегмаганга тегмадим,  
Имоним мунга гувоҳ.

Чорёрлар бўлиб ҳамроҳ,  
Ки дардимга чорахоҳ.

Тўқсон тўрт баҳор кўргум,  
Кўллагай ўзи Аллоҳ.

Сафо Очил дилга жо  
Ло илоҳа Иллаллоҳ.

## УСТИНА

Бошима ёғилмиш тош, тош устина,  
Кўзимдан тўкилмиш ёш, ёш устина.

Ҳалқа-ҳалқа томчилар томиб турса,  
Бергайми тош бунга дош, дош устина.

Аҳли нодон бир умр кўз чиқармиш,  
Токи қўяй дебон қош, қош устина.

Кимки нияти ёмон эрса, дўстлар,  
Эл-юрт ичра бўлғай фош, фош устина.

Ғанимлар кутмасин бир илиқ сўзни,  
Дўстларгаким эгай бош, бош устина.

Гар ўлсам Хушторим деб, ёдлаб мани,  
Не яхшилар бермиш ош, ош устина.

## ЯХШИ

Ғариб кулбам аро талқини таманноси яхши,  
Бобомларнинг буюк тарийқи таваллоси **яхши**.

Занжирбанд орзулар зиё мулкин кўрмиш такрор,  
Чин ўлса, азизлар, тақрири тақозоси яхши.

Зайли зимистонлар нурафшон бўлғай, расулуллоҳ,  
Турк элин кўнглида саҳои маҳ сиймоси яхши.

**Минг** рангда товланур жизиллаб менинг абгор бағрим,  
Юрт билан эгизак нафис ҳар талолоси яхши.

Басе, сайр айлағил боғи диёр Хуштордур сенга,  
Лутф ила ёлчитгон хурраи ҳурлиқоси яхши.

## МАНГА ЁХШАЙДУР

Қадимий Туркистон манга ёхшайдур,  
Дилда уриб туғён манга ёхшайдур.

Шижоат бирлан у кирар тушимга,  
Тошкандай навқирон, манга ёхшайдур.

Одамлари улуғ, сахий, бағри кенг,  
Ажойиб бир мезбон, манга ёхшайдур.

Ўз элидан қувғин бўлган тирик жон,  
Яшар бунда шодон, манга ёхшайдур.

Тошкан кўчаларин кездим сайрона,  
Баъзи қизу ўғлон манга ёхшайдур.

Адолат мулкида шоҳдурлар балки,  
Мардлиги бегумон манга ёхшайдур.

Асрабон қонида иймону виждон,  
Қи кўксида қалқон, манга ёхшайдур.

Қуллуғ айлаб кимки Тошкан аҳлига,  
Тузса агар дoston, манга ёхшайдур.

Марказ бўлиб Тошкан, эй Сафо Очил,  
Бўлгуси Туркистон манга ёхшайдур.

## КЕЛДИМИ

Хабар айланг, боғ аро  
Қадди ниҳол келдими,  
Ёрдин рашки келиб ё  
Боғга малол келдими.

Ҳасад қилмасин боғлар,  
Дилдорим келган чоғлар,  
Учиб қолди чироғлар,  
Дайди шамол келдими.

Осмонни булут айлаб,  
Оламини сукут айлаб,  
Шайтон кўнглин бут айлаб,  
Ғайри дажжол келдими.

Булут юзин тирмалаб,  
Сукунатни аллалаб,  
Бошим узра ишқталаб,  
Зебо ҳилол келдими.

Чароғлаб кетди жаҳон,  
Сафо Очилдир ҳайрон,  
Сабрим қилиб имтиҳон,  
Бахти иқбол келдими?

## РОЗИМАН

Эй худойим, сендан минг бор розиман,  
Қарзларимга бўлиб иқрор, розиман.

Бу дунёнинг чекдим неки озорин,  
Яхши кунга қилдинг хумор, розиман.

Қаршингда мен, найлай, ожиз бир банда,  
Сенга айлай жоним нисор, розиман.

Ғанимларим топширгандим ўзингга,  
Жазоларин бердинг такрор, розиман.

Эй худойим, сендан бўлак кимим бор,  
Ўзинг ёлғиз менга хўстор\*, розиман.

Сафо Очил, қарзим қандай узарман?  
Кечир, эй парвардигор, розиман.

\* \* \*

Орзуларим бағри кўкдаги шафақ каби қон-қон,  
Эй шафақ, юрагим ичраким олов бўлиб ён-ён.

Дўзах мисол тушкун ҳислар оларди жоним, вале,  
Истиқлол умиди жонимга бағишлайди жон-жон.

Тирилгач, қайтадан у дунёни айлардим ҳавас,  
Кўнглим, мўмин эрсанг қилган шу ҳавасингдан тон-тон.

Эллик йил умримда юз минг ўлиб-тирилдим, ахир,  
Қийнайди шафқатсиз бу дунё миш-мишлари ҳар он.

Син, осмон, бош узра борлигинг ташла, мани эзгил,  
Сафо Очил фарёд чексин-у, кар бўлсин бу жаҳон.

---

\* Ҳимоячи.

• • •

(Аёлларга)

Аёллар ўзин тутса камтар, кам бўлмас,  
Турмушдан ажраб кўзлари ҳам нам бўлмас.

Миш-мишдан юриб йироқ эрса вафодор,  
Уйида доим шодлик бўлар, ҳам бўлмас.

Кўксида асраб тўққиз ою тўққиз кун,  
Бунёд этмаса, халқнинг ўзи ҳам бўлмас.

Халқнинг доною ҳикматлари сиздандир,  
Амал қилсангиз мағрур боши ҳам бўлмас.

Эй, Сафо Очил, аёл зотин ҳурмат қил,  
Аёл бўлмаса умринг муҳташам бўлмас.

\* \* \*

Ўз юртимда бўлдим машҳур армонсиз,  
Кўнглимда жўш урди ғурур армонсиз.

Ва лекин хуш кўрмас аҳли амалдор,  
Ёнидан ўтарман мағрур, армонсиз.

Қонимни кеча зулукдай сўрганлар,  
Бир бошқа ном олмиш қурғур, армонсиз.

Алданма уларга, эй ўксик юрак,  
Тулкига ўхшайдир унсур, армонсиз.

Озодлик йўлида то бирлик учун,  
Курашмоғим энди зарур армонсиз.

Қим не деса десин тош отиб менга,  
Сафо Очил сўзи кескир армонсиз.

*(Огаҳийга назира)*

Келди мани ахтариб ёшгина жононгина,  
Бир париваш қалами қошгина, остонгина.

Келдию бағрим кўзлаб тортди ногоҳ камонин,  
Мунчалар экан бағри тошгина, маржонгина.

Йиқилсам беҳушгина теграмда гир айланиб,  
Ул чашми ичра дув-дув ёшгина, уммонгина.

Раҳми йўқ деб ўйласам, асли ўзи ул малак,  
Ширин сухангина, ювошгина, дармонгина.

Сафо Очил, олди ул бошимни тиззасига,  
Бўлғай ўшал уйимга бошгина, султонгина.

## МУҲАББАТ ГУЛШАНИДА

Орзуларим бўй чўзмиш осмон қадар,  
Таърифин баён айлай имкон қадар.

Сайр этиб то муҳаббат гулшанида,  
Ер топдим бағри кенг уммон қадар.

Итоат этгум неки фармонига,  
Шодликларим ушалган армон қадар.

Ешлигим, шўхлигим, эй, Сафо Очил,  
Жисмим аро жон берган жонон қадар.

\* \* \*

Ҳаётки, барчага сабоқлидир,  
Бўйи баста ила илмоқлидир.

Ҳаётки, кимгадир фусункору,  
Кимгадир доимо бир ёқлидир.

Ҳаётки, кимгадир тутар оғу,  
Кимгадир бир умр қаймоқлидир.

Ҳаётки, шул боисдан то ҳануз,  
Донолар аҳлига жумбоқлидир.

Майли-эй, туғилдик яшаш учун,  
Яшашнинг ўзи кўп ардоқлидир.

Шундай яшаш бекор, кураш учун  
Кўрган умр, билинг, салмоқлидир.

Ҳаёт йўлин бил, эй Сафо Очил,  
Неки кўрдинг, бари сабоқлидир.



\* \* \*

Пок кишини кимдир иғво қиладир,  
Асли буни кўнгли қаро қиладир.

Ёшлиб қўйинг, бундайларким ҳамиша,  
Узлигини гўё доно қиладир.

Доим тирноқ остидан кир излабон,  
Пойлаб юрар, қачон хато қиладир.

Топса агар арзимас бир камчилик,  
Пашшадан фил ясаб ғавғо қиладир.

Сафо Очил, бўлмасанг гар эҳтиёт,  
Қора юрак бахтинг қаро қиладир.

\* \* \*

Текин келган молу давлат керакмас,  
Жонимга эговли миннат керакмас.

Майли, насиб бўлмас манго минбарлар,  
Минбарда миннатли савлат керакмас.

Юрагим буржида қолдим мунғайиб,  
Вале қуруқ шону шавкат керакмас.

Ҳамроҳ бўлиб доим дили бошқаю,  
Тили бошқа ёлғон улфат керакмас.

Ачинма ҳолима, эй Сафо Очил,  
Қарздор айлагувчи шафқат керакмас.

Тушимда, азизлар, жайрон кўринди,  
Майдон ичра улки ҳайрон кўринди.

Хуркканидан ҳар ён чопар ҳансираб,  
Икки йўлда сарсон-сарсон кўринди.

Бизлар каби гулшан йўлин тополмай,  
Боқишида қайғу чунон кўринди.

Ё унга ҳам оқил сарбон керакдир,  
Сарбон эмас, йиртқич ҳайвон кўринди.

Қанот боғлаб учди ногоҳ қушлардай,  
Йиртқичларнинг бағри қон-қон кўринди.

Билмам, Сафо Очил, тушим таъбирин,  
Балки менга хуррам замон кўринди.

\* \* \*

Қалбимда бир гул ўстирдим,  
Ёнма-ён булбул ўстирдим.

Мафтункор куйларин тинглаб,  
Басма-бас кўнгил ўстирдим.

Кўнглим шарбатин ичириб,  
Вобаста норгул ўстирдим.

Орзулар яшнар бутоғда,  
Жамиул жамил ўстирдим.

Жон нисор—жони-жисмимда,  
Хушфёълу хушдил ўстирдим.

Шум сўзлар заҳридан зада,  
Ҳушимни нуқул ўстирдим.

Эй, Сафо Очил, сийнам сағрида,  
Сайроқи булбул ўстирдим.

## КАМОЛГА ЕТИБСАН

Қамолга етибсан, ўргилай, жоним,  
Висолингга етсам қолмас армоним,

Лутф этибон олсанг оғушингга гар,  
Фориғ бўлғай дарддан жони жаҳоним.

Асотирлар лолу ҳайрон қаршингда,  
Зеболиғни қайдан олдинг, жөноним.

Риёзат чекурман токай ишқингда,  
Раҳм айла ман зора, моҳи тобоним.

Аломат қиз экан, эй, Сафо Очил,  
Бир кўришдан жўшди юрак туғёним.

\* \* \*

Инжу йиғган каби йиғинг сафоларни,  
Ҳолин сўранг ўшал бахти қароларни.

Ваъда айлаб бизга эзгулик гулшанин,  
Аҳли жоҳил тортиқ этмиш жафоларни.

Қимдир куйлаб ёлғон қўшиқлар баралла,  
Унин босиб қўймиш мунглуғ наволарни.

Фарёд ила ёниб ўтмиш бечоралар,  
Эслатурлар дайдиб юрган гадоларни.

**Бу замонда шукр қилиб меҳри поклар,  
Кун кўрарлар кутиб меҳри вафоларни.**

**Сафолар дардини ёдлаб Сафо Очил,  
Бир-бир ўпиб тавоф қилғил сафоларни.**

\* \* \*

**Билинг, орзу хом хаёлдир, саробдир бирликсиз,  
Неча йилларки бағримиз кабобдир бирликсиз.**

**Топтадилар бу муқаддас тупроқни тўнғизлар,  
Тўнғизлардан чекканимиз азобдир бирликсиз.**

**Қимдир гўё алахсирар «бирлашайлик» дебон,  
Аслида найранг бу қуруқ хитобдир бирликсиз.**

**Қалблар тўридан жой олмиш қарори истиқлол,  
Умидимиз вайронаю харобдир бирликсиз.**

**Безовтадир бугун мироб Огаҳийнинг руҳи,  
Қуриб ётган дарёларга миробдир бирликсиз.**

**Эй, Сафо Очил, бонг урғил, эшитгай халойиқ,  
Тақдирга тан берган аҳли туробдир бирликсиз.**

## ХИТОБ ЭТДИМ

*(Абдулла Орифга ўхшатма)*

Муҳаббатнинг тавсифин китоб этдим,  
Ишқ аҳлига ўқинг деб, хитоб этдим.

Маҳбуб қулуб китобим жовонидир,  
Мен анго юрагим меҳроб этдим.

Китоб эмас ул дўзах чўғи дейин,  
Билмайин то бағримни кабот этдим.

Энди мендай ғарибга яшаш мушкул,  
Ажойиб бир умримни хароб этдим.

Маккор, бевафо ёрни вужудимдан  
Мангу юлиб ташлай деб итоб этдим.

Ёр севгиси қонимга синган экан,  
Сафо Очил, қонимни гулоб этдим.

## АЗИЗ

Шукуҳ карвонига сарбонлиғ азиз,  
Адолат ганжига посбонлиғ азиз.

Орият яйловин парвариш айлай,  
Амал курсисидан чўпонлиғ азиз.

Иноят этсаким моҳи дилафрўз,  
Гулзор эмас, ҳатто бўёнлиғ азиз.

Ривоят қилардим кўрсам рўшнолиғ,  
Мунофиқ боғидан тиконлиғ азиз.

Сафо Очил кезиб хаёл бўстонин,  
Топганим ранж ила иймонлиғ, азиз.

## МАНГЗАР

Қалбим менинг поёнсиз осмона мангзар\*,  
Умид тўла ташвишли замона мангзар.

Қалбим менинг дардли бир олов дейинму,  
Йўқ, ўртанган сертўлқин уммона мангзар.

Қалбим менинг дилларга қўйса гар муҳрин,  
Қаҳрамонлар кўксида нишона мангзар.

Қалбим менинг асрагай не бўлса буюк,  
Буюк орзу элида султона мангзар.

Қалбим менинг чарсиллар учқунлаб токи,  
Ёниб турган серучқун гулхана мангзар.

Қалбим менинг ошиқлар юртининг шоҳи,  
Ғам бағрида лоларанг бўстона мангзар.

Қалбим менинг то ҳаёт, эй Сафо Очил,  
Покиза дил кутган ҳар армона мангзар.

---

\* Мангзамоқ (хоразмча) — ўхшамоқ

\* \* \*

Чораси борми, кўнглим кўрди талофат,  
Билмадим, қайдан ёпишди бу касофат.

Шифо топилмас то тирикман ҳаётда,  
Бироқ ловулла дилда ўтли шижоат.

«Риёзат чекмай маҳол ёрга етишмак»,  
Охири бўлса не ажабдир шарофат.

Эй, дилбар, қаддим расо юрсам-да, синиқ,  
Ошиқлар элин қилма энди хижолат.

Эй, Сафо Очил, майли, қилсин жабрини,  
Ой юзлик ишқи этар мангу даволат.



## ЭЙ, НАВРҮЗ

Олам ҳусни, эй наврӯз,  
Юртда ғубор қолмасин,  
Чанг босиб чалинмаган  
Бирор дутор қолмасин.

Латофат бўстонида  
Латиф куйлар хилма-хил,  
Латиф куйни бузғучи  
Золим ғаддор қолмасин.

Итоат этмоқ касбим  
Одил ҳукмга доим,  
Адолат гулшанида  
Юрган ағёр қолмасин.

Майли, не бўлса бўлсин,  
Ва лекин одамларни,  
Гиж-гижлаб кун кўргучи  
Аҳли маккор қолмасин.

Сафо Очил илтимос  
Айлар, наврӯзи олам,  
Ваъдасига бевафо,  
Нокас беор қолмасин.

\* \* \*

Сув кўрмай этик ечиб, алданибман,  
Ҳолва деб, оғзим чучиб, алданибман.

Дейишди қирон келур сансалорга,  
Овқат эмас, сўз ичиб, алданибман.

Дейишди ҳоким элда ошкоралик,  
Ҳар ёлғон гапга учиб, алданибман.

Тўғрига қирон, даврон ўғриларга,  
Адолат қолди ўчиб, алданибман.

Тулки либосин кийиб у бизларга,  
Қўйибмиш кафан бичиб, алданибман.

Уйғон, халойиқ, қўлга ол эркингни,  
Дўқлардан юрманг чўчиб, алданибман.

Не айтди Сафо Очил, бошдан ўтди,  
Сув кўрмай этик ечиб, алданибман\*.

---

\* Шър 1986 йилда ёзилган.

\* \* \*

Гет десангда, гулим, гетиб галарам,  
Единг одлаб ҳар тонг етиб галарам.

Юрагима боқий ўчмас жўғ солдинг,  
Қувсанг, мейли, бир оз гетиб галарам.

Раҳминг галар, ахир бир гун ҳолима,  
Чўх гўзалсан, қўшиқ айтиб галарам:

Бўгат боссанг йўлларима, санамжон,  
Сувлар киби сизиб ўтиб галарам.

Сафо Очил, гетса йироқ жойлара,  
Топиб яна ҳейрон этиб галарам.

\* \* \*

Алаим бор дунёдин, эй Хушторо,  
Гинам бордир вафодин, эй Хушторо.

Кўнглим ичра қуйилмиш куйу ғазал,  
Тўймай ўтдим наводин, эй Хушторо.

Борми ушбу оламда тоза ҳаво,  
Бўлса ичай ҳаводин, эй Хушторо.

Езгурмангиз, эй тўқлар, бу фақирни  
Фарқим йўқ бенаводин, эй Хушторо.

Инсонким тилдан қўймас негаки зор,  
Насиб этгай зиёдин, эй Хушторо.

Еткур мани қошина кўзга сурай.  
Асиял Турки зебодин, эй Хушторо.

• • •

Еруғлик кўрмадим бу олам ҳисобидан,  
Гул унгай тўкилган ҳар жолам ҳисобидан.

То ҳануз бошимга соя солмиш қузғунлар,  
Кимдир роҳат қилур, оҳ, нолам ҳисобидан.

Найлай, менга раво кўрмаслар эркин турмуш  
Кун кўрарман токи ғам-алам ҳисобидан.

Эй, ғам-алам, шукрона айтгум шу кунимга ҳам,  
Тиз чекиб метиндай иродам ҳисобидан.

Қай саройга бошим урмай, қайғу келтирар,  
Адашдим, азизлар, ғамхонам ҳисобидан.

Шеърларим чоп бўлмиш фарзандлар ризқин қирқиб,  
Тийинлаб жамғарган жамғармам ҳисобидан

Бу олам жабридан қайғурма, Сафо Очил,  
Гул унгай тўкилган ҳар жолам ҳисобидан.

\* \* \*

Булганиб мусаффо ҳаволар йиғлайдир,  
Нафас ола билмай ҳумолар йиғлайдир.

Евузлар нияти ғолиб келган замон,  
Жафолар шодланиб, сафолар йиғлайдир.

Разиллик ҳукмрон элда жилпангланаиб,  
Беҳаёлик кулар, ҳаёлар йиғлайдир.

Ул кунлар ранго-ранг гулларга бурканиб,  
Хиёнат жилмайиб, вафолар йиғлайдир.

Телба-тескари ул турмуш айвонида,  
Суюқлар ўйнаб, ҳурлиқолар йиғлайдир.

Ич этинг еб, қайғурма мунча. Сафо Очил,  
Азалдан ҳурликка шайдолар йиғлайдир.

\* \* \*

Кўрдим, баъзи амалдор,  
Қаллобдиру рижор.

Эл-улусга беради  
Давлат номидан озор.

Қўл келар муҳри доим,  
Халойиқ қолар ночор.

Сабр таги олтин эмиш,  
Зар узра турар агёр.

Халойиқ, бўлма ғофил,  
Бўлмасин ҳолинг душвор.

Қуриб кетди тинкамиз,  
Топталди қанча гулзор.

Ўзим каби йўқсиллар,  
Қутлуғ жангда мададкор.

Қўшилгуси бизларга,  
Юрагида ўти бор.

Сафо Очил, ўксима,  
Бугун кўплар қасоскор.

\* \* \*

Сихҳатлик банди тухмат, мараз,  
Не куйга солмиш офат мараз.

Қи ғайри йўлга бошлагувчи,  
Нияти ғайри улфат мараз.

Амалинг солиҳ эмас буткул,  
Тил учида ул ният мараз.

Мансаб талашиб топдинг шуҳрат,  
Ҳаромдин келган шавкат мараз.

Доимо ўйлаб ўз фойдасин,  
Қилинган нопок ҳиммат мараз.

Маразлар ичра, Сафо Очил,  
Бағринг қон айлар **кулфат мараз.**

\* \* \*

Хаёл, қиш фаслида кўрсатиб ўктамлигингни,  
Сувратсиз айладинг намоён кўркамлигингни.

Боғга қувнаб кириб, турардинг ногоҳ донг қотиб,  
Чақин бўлиб қилдинг намойиш аламлигингни.

Вале қолмадинг ҳеч гангиб ташвишлар олдида,  
Суюндим бағоят англаб мен бардамлигингни.

Сездим, тафаккурим ҳар заррасин қат-қатида,  
Етти иқлимга тенг чексиз бир оламлигингни.

Наврўзингдан берди хушxabар лолақизгалдоқ,  
Эй, хаёл, очило, баён эт кўкламлигингни.

\* \* \*

Тухмат заҳри билан булғанди ошим менинг,  
Не-не кулфатларга чулғанди бошим менинг.

Ёғди ҳақоратлар сийнамни тиглаб тамом,  
Олиб ҳаловатим келтирди ёшим менинг.

Гала бўри ичра қолгандай бечора қўй,  
Бўриларга етмай турмоқда дошим менинг.

Иш излабон қанча эшикда сарғаймадим,  
Барча эшикларда тўкилди ёшим менинг.

Сафо Очил, чекма шунчалар оҳу фиғон,  
Ҳали ёшман ўттиз олтида ёшим менинг.

\* \* \*

Дардимиз бир, дилбаргинам, қолибмиз хасталаб,  
Учрашганда сўзлашгани очурмиз аста лаб.

Очиқ айтай, хаёлингни тўзғиган кўрдим мен,  
Кел, тўзғиган хаёлингни қўяй орасталаб.

Уйларимга тароқ урдим ақлимни йиғай деб,  
Уйлариму ақли ҳушим сеҳрли сўз талаб.

Журъатим йўқ айлагани изҳори муҳаббат,  
Илож қанча юрмоқликдан қалбимга ўт қалаб.

Ё офтобмисан, Сафо Очил, ҳамон кунга боқар,  
Тунлар хомуш куйлар сархуш истиқболнинг тилаб.

• • •

Ғамнокдурмен, мен ғарибга кулмоқ ҳам йўқ,  
Умид ҳам йўқ, ҳаёт ҳам йўқ, ўлмоқ ҳам йўқ.

Қорин пўсти чок-чок эрур девонавор,  
Ушбу кунлар қорин тўйиб емоқ ҳам йўқ.

Ёраб, ажаб дунё экан, диллар чок-чок,  
Қийимларим йиртиғига ямоқ ҳам йўқ.

Ғарибликда машҳурдурмен бу оламда,  
Билишимча, мендан бўлак қашшоқ ҳам йўқ.

Сабабини сўрсангизлар, эй азизлар,  
Ҳақ йўлида ўзим каби сабоқ ҳам йўқ.

Сафо Очил, эгри йўлни орзу қилма,  
Илинтирмоқ учун сенга илмоқ ҳам йўқ\*.

---

\* Шеър 1978 йилда ёзилган.



\* \* \*

*(Оғахийга назира)*

Бир гапим бор деб, гавҳар қулоғин ўпай,  
Қулоғин қўйиб, қоши-қовоғин ўпай.

Такрор эркалаб, киприкларин хўп силаб,  
Ловуллаб турган сафсар ёноғин ўпай.

Еноғда не бор лаблар турганда яшнаб,  
Ушал жаннати кавсар дудоғин ўпай.

Дудоғлар аро тилин шарбатин сўриб,  
Мулки назоҳат магар сақоғин ўпай.

Мундоғ қарасам, сийнасинда қўша нор,  
Сирғалиб тушиб, саҳар ардоғин ўпай.

Бош қўйдим аста дилбаримнинг пойига,  
Ки узрим айтиб дилбар оёғин ўпай.

Эй, Сафо Очил, муҳаббат гулшанида,  
Ўлиб-тирилиб ёрнинг ҳар ёғин ўпай.

## СҮРМАДИМ

Аҳвол-зоринг саболардан сўрмадим,  
Гуллар қилган имолардан сўрмадим.

Вале ёдинг этмиш мени паришон,  
Боисини хатолардан сўрмадим.

Қалбим ичра оқмиш ишқинг дарёдай,  
Ишққа ошно дарёлардан сўрмадим.

Балки ўтар умрим ҳажрингда гирён,  
Сени мунгли наволардан сўрмадим.

Иўлларимга севгинг зиё таратар,  
Меҳринг асло зиёлардан сўрмадим.

Руҳим билан яшар руҳинг тоабад,  
Руҳинг берган садолардан сўрмадим.

Сўрмадим ҳам, сўрмайман ҳам, дилдасан,  
Ҳатто сени сафолардан сўрмадим.

\* \* \*

Паризодким ҳоким у танамда қон қадар,  
Пок севгиси билурман бул азиз жон қадар.

Икки юзи оп-оплоқ сутга чайқалибми,  
Мунчалар тиниқ экан мусаффо тонг қадар.

Бир чеккада мунғайиб ўлтирган бу ғариб,  
Қўнгил дашти яшнабди чаман бўстон қадар.

Зеболигинг муҳрлаб кўксимни бир умр,  
Банд этмиш хаёлимни сеҳри имон қадар.

Эркалаб суйган сени ёлғиз Сафо Очил,  
Эй паризод, ҳокимсан танамда қон қадар.

\* \* \*

Дилбар сени, бир кўришда ҳайрон қолдим-ку,  
Тополмай қиёсинг ўйлай-ўйлай толдим-ку.

Етим қўзичоқдек талпинурман сен томон,  
Еш бошимга шунча савдо сотиб олдим-ку.

Қайдасан-ҳей ғам-аламдин халоскорим деб,  
Очиқ айтмоқликдан тилим то тиёлдим-ку.

Тилим тийиб, эй, дилбарим, не ҳам орттирдим,  
Адолат истаб ўз қонимга бўялдим-ку.

Малҳам излайдурман бу жаҳондин жонима,  
Термилиб кўпларнинг қўйнига қўл солдим-ку.

Ҳеч ким парво қилмас бу ҳолима не ажаб,  
Ўзи йўқ нарсани ахтариб уялдим-ку.

Сўнгким, эвоҳ, тошдин жала ёғди бошима,  
Сафо Очил, такрор тилим тишлаб қолдим-ку.

\* \* \*

Бир дилбарнинг жонига жон эдим,  
Ул ҳам бирён, мен ҳам бирён эдим.

Кўрса агар яшнаб кетар, ҳай-ҳай,  
Кўнглиндаги қутлуғ армон эдим.

Кўз тегмасин, пари учун гўё  
Ул замин-у, мен бир осмон эдим.

Ихлос ила қилардим парвариш,  
Ул бўстон-у, ўзим боғбон эдим.

Ишқ мулкида не десам муҳайё,  
Кўланкаси тенгсиз майдон эдим.

Сафо Очил, ёр сочин сийпалаб,  
«Тонглар отди, уйғон-уйғон», дедим.

\* \* \*

Ҳисларимдан дуру гавҳар сочилса, сендан **дилбар**,  
Бўстонимдан мушки анбар сочилса, сендан **дилбар**.

Қиёс этсам дур конига ҳусн мулкин, сен султон,  
Сабоҳатдан маҳи анвар сочилса, сендан **дилбар**.

Назокатинг очиб кўнглим чиқибман биёбонга,  
Чўллар аро гули аҳмар сочилса, сендан **дилбар**.

**Шартинг ёдлаб тортай бугун сийнама меҳнат завқин,  
Амирконга гуж-гуж қамбар сочилса, сендан дилбар.**

**Ҳар қамбари манглай терим томчиси, саодатим,  
Бошдин-оёқ ҳавзи кавсар сочилса, сендан дилбар.**

**Сафо Очил, манглай терим тобланур бора-бора,  
Юрт ганжига дуру гавҳар сочилса, сендан дилбар.**

### **ОРЗУ ЗИЕСИ**

Нур эмиб орзу зиёсидан,  
Шимирдим хушбўй ҳавосидан.

Вале ғилайми замон кўзи,  
Балога қолдим имосидан.

Асрасин яратганнинг ўзи,  
Аянчли тухмат балосидан.

Унсиз мотамсаро тун юзи,  
Ранг олган бахтим қаросидан.

Учадир умидларим изи,  
Кўнгли қаролар сиёсидан.

Найлай, инсон эмас, тоғ боши  
Оқармиш қалбим нидосидан,

Сафо Очил, кўнглим ғаш менинг,  
Қарғаларнинг иддаосидан.

## **САВОБ АЙЛАЙ**

Эй ёр, санго хитоб айлай,  
Ҳоки-пойинг тавоб айлай.

Англасанг гар дардим сиррин,  
Васлинг сори шитоб айлай.

Рад этсанг ишқимни, малак,  
Чўккан руҳим саҳоб айлай.

Ғам ўти тушиб жонима,  
Вужудим ниҳонтоб айлай.

Дардимга чидолмай ногоҳ,  
Кўзларимни селоб айлай.

Қақраган замин кўз ёшим,  
Қониб ичсин, савоб айлай.

Сафо Очил, шу йўсинда  
Тўнгган кўнглим офтоб айлай.

## САФОЛАР АЙЛАБ

Шикаста кўнглими шайдолар айлаб,  
Шифокор бўлиб кел шифолар айлаб,

Асорат қолмасин дардимдан асло,  
Юрай сенга ҳамду санолар айлаб.

Ривоятлар долмиш таърифнинг тинглаб,  
Довруғнинг янграгай садолар айлаб.

Офати жоним ё малҳам сўрганам,  
Оғриқ инграр дилда нидолар айлаб.

Фарруҳ жамол фарруҳ қалбим зийнати,  
Ки сайр этар элни сафолар айлаб.

Ажал паймонаси қувлар изимдан,  
Қўймоқ истар ёрдин жудолар айлаб.

Тоза гул ўсмоқда умид боғимда,  
Сафо Очил умрин наволар айлаб.

## **ХАЕЛИ ҲАМЁН ЭКАН**

**Тўраларнинг ваъдаси ёлғон экан,  
Инсонийлик баҳоси арзон экан.**

**Тўраларнинг ўргандим феъл-атворин,  
Билсам, ҳар дам хаёли ҳамён экан.**

**Тўраларнинг тўлмайди ҳамёнлари,  
Қинғир йўлда тенги йўқ шайтон экан.**

**Тўраларнинг сумбати одамсифат,  
Вале ўзи бир ёвуз ҳайвон экан.**

**Тўраларнинг турқини тавоб айлаб,  
Юрганларнинг йўллари «равон» экан.**

**Тўраларнинг йўлидан ким юрмаса,  
Унинг учун кун кўриш гумон экан.**



## СОГИНИБ КУТДИМ

Соғиниб кутдим сени,  
Оқшом нега келмадинг,  
Шунчалар ўртаб мени,  
Оқшом нега келмадинг?

Болалаб орзуларим,  
Ортадир қайғуларим,  
Зор айлаб туйғуларим,  
Оқшом нега келмадинг?

Қилмишинг илмоқлидир,  
Жонимга қийноқлидир,  
Сухбатинг мароқлидир,  
Оқшом нега келмадинг?

Тонгни тирнаб оттирдим,  
Яна касал орттирдим,  
Жон ҳовучлаб ўтирдим,  
Оқшом нега келмадинг?

Ёшингиз улуғ дема,  
Кўнглингиз тўлуғ дема,  
Сафо Очил ёнига  
Оқшом нега келмадинг?

## **ВИҶОРИ БОР ШУ ҚИЗНИНГ**

Хиром айлаб ўтар, ё  
Хумори бор шу қизнинг,  
Парво этмай кетар, ё  
Виқори бор шу қизнинг.

Олам бўлар гулистон,  
Висолга келса жонон,  
Бўй бермаган бўйнинда  
Тумори бор шу қизнинг.

Насим уни сийлармиш,  
Сийлаб сўнгра силармиш,  
Етти иқлим билмаган  
Озори бор шу қизнинг.

Зебо камолин кўрдим,  
Қадди ниҳолин кўрдим,  
Етилган қўша-қўша  
Анори бор шу қизнинг.

Ол юзлари оловкор,  
Ловуллайди у такрор,  
Жонима ўтлар солган  
Шарори бор шу қизнинг.

Дардим кўриб жонона,  
Боши етар осмона,  
Зеру забар қилишга  
Қарори бор шу қизнинг.

Аста-аста борарман,  
Бир кун кўнглин оларман,  
Сафо Очил деган бир  
Хуштори бор шу қизнинг.

## ХУРШИДИ АНВАРДУРСЕН

Хислати кўп мукаррам  
Хуршиди анвардурсен,  
Сержило муҳаббатим  
Кўкида қамбардурсен.  
Узлатинг ҳарамиди  
Неки асрор, билмадим,  
Ёки сен бир сеҳргар  
Парию пайкардурсен.  
Риштаи сеҳринг сани  
Боғлар томирларимни,  
Жизиллатиб тортгувчи  
Чунонам меҳвардурсен.  
Шафоати шарм\* шаҳрин  
Тавоф айлар пок севгинг,  
Ишғол этиб қалб уйим  
Бугун музаффардурсен.  
Ижобат этгил, дилбар,  
Орзули умидларим,  
Елғиз ўзинг иқболим  
Битилган асардурсен.  
Дур айлаб бўйнингга  
Тақай кўзим жавҳарин,  
Сен эрсанг менинг учун  
Бебаҳо гавҳардурсен.  
Алқаб тақдир еткурди  
Муродим гулшанига,  
Сафо Очил димоғин  
Чоғлаган анбардурсен.

## БИРЛАШСИН

Еронлар, ўтмай фурсат,  
Элу элат бирлашсин,  
Ислом туғи остида  
Бутун миллат бирлашсин.

Ев босган чоғлар асло  
Шарт эмас гина-кудрат,  
Эркини олмоқ учун  
Буюк қудрат бирлашсин.

«Айрилганни айиқ ер»  
Ҳикматин билиб ўрнак,  
Юрагида ўти бор  
Ки раият бирлашсин.

Кетмагай то гулзорлар  
Топталиб, мусулмонлар,  
Эл ичра бир-бирова  
Бериб мадад бирлашсин.

Темуру Жалолиддин  
Рухлари қўллар шояд,  
Элни озод қилғали  
Албат-албат бирлашсин.

Ҳақ йўлда шаҳид бўлмоқ  
Савоб дер Расулуллоҳ,  
Эй, Хушторо, ҳақпарвар  
Бутун миллат бирлашсин.

\* \* \*

Зулмат ёриб, отди тонг,  
Айни муддао бўлмиш,  
Қуёшли кунга ишон,  
**Айни муддао бўлмиш.**

Туни бўйи тўлганиб,  
Мижжа қоқмадим ёниб,  
Еришди осмон-осмон,  
Айни муддао бўлмиш.

Хоразмдир кўкрагим,  
Ҳоким менинг юрагим,  
Эй юрак, уйғон-уйғон,  
**Айни муддао бўлмиш.**

Қанот қоқсин орзулар,  
Куйсин алам, қайғулар,  
Сурайлик даврон-даврон,  
Айни муддао бўлмиш.

Муборак бўлсин даврон,  
Ушалгай шаффоф армон,  
Армон кулибди чунон,  
Айни муддао бўлмиш.

Замзам каби муқаддас,  
Жайхунимдан келди сас:  
«Бузилса ҳар бир тўғон,  
Айни муддао бўлмиш».

Эркин бўлса табиат,  
Юртга қилгай тарбият,  
Элга сафоли замон,  
Айни муддао бўлмиш.

\* \* \*

Саф-саф бўлиб солланиб,  
Озод наврўз ўйнасин,  
Шодликдан ёниб-ёниб,  
Шамшод наврўз ўйнасин.

Наврўз менинг онамдир,  
Наврўз сенинг онангдир,  
Неча йиллар тақдирдан  
Ношод наврўз ўйнасин.

Тириклай гўрда ётган,  
Суйиб мени уйғотган,  
Бир умр юрагимда  
Ҳаёт наврўз ўйнасин.

Эл васлидан ниҳонман,  
Не айбима, ҳайронман,  
Нажот излаб ҳолимга  
Нажот наврўз ўйнасин.

Токи адолат излаб,  
Охири қолдим бўзлаб,  
Мунгли куйимдан чекиб  
Фарёд, наврўз ўйнасин.

Сафо Очил йиғлама,  
Дўстлар кўнглин тиғлама,  
Қайта тирилган онанг  
Озод наврўз ўйнасин.

\* \* \*

Бу дунёни кенг деймиз,  
Асли ўзи тор экан,  
Бир томони лолазор,  
Бошқа ёғи жар экан.

Лолазорда амалдор,  
Порахўру савдогар,  
Аҳли разил ҳукмдор,  
Шафқатсизлар бор экан.

Бир-бировин қўллайди,  
Йиқилишга қўймайди,  
Еб-ичишиб тўймайди  
Айтгани бисёр экан.

Меҳнаткаш жарга қулар,  
Майибу мажруҳ юрар,  
Ва лекин кулиб турар,  
Умри чор-ночор экан.

Ул дунёнинг бағри кенг,  
Кенгликда йўқ унга тенг.  
Бу дунёнинг амри денг,  
Ул ёқда бекор экан.

Лолазорда айш этган,  
Дўзахга йиғлаб кетган,  
Руҳи ҳам ёниб битган,  
Адолат қарор экан.

Жарда озор чекканлар,  
Ҳақ уруғин сепганлар,  
Бир жаннати эканлар,  
Парвардигор бор экан.

\* \* \*

Орзуларим изма-из  
Келар айтиб алёрлар,

Муҳаббатим мадҳ этиб  
Туздим қатор ашъорлар.

Сабоҳат мулкин шайдо  
**Харидори бўлибман,**

Бошимга юз минг савдо  
Солди беор таррорлар.

Ишқ қадрин билмас экан,  
Қалбсиз ғариб нотавон,

Таъзиям қабул айланг,  
Руҳи ночор беморлар.

Бу дунёю у дунё  
Уртасида кўп бўлдим,

Вале бошим узра туғ  
Адолатгўй шиорлар.

Паришон аҳволимга  
Гўё раҳми келгандай,

Қаддин ё айлаб менга  
Хомуш боқар чинорлар.

Ҳеч кимга эгилмаган  
Сафо Очил эгилди,

Айби бор қул сингари  
Чекиб такрор озорлар.



## ЭЙ ПАРИ

Эй пари, висолга кел,  
Ошиқ кўзлар ёшланмасун,

Умримиз хаста айлаб,  
Оғир кунлар бошланмасун.

Орамизга тушган бу  
Айрилиқдан хабар топиб,

Макридан қилич ясаб,  
Қоработир ташланмасун.

Узингни олиб қочма.  
Меҳр, жоним, кўзда-дерлар

Юракларда беғубор  
Туйғулар бебошланмасун.

Лайли, Ширин, Зухролар,  
Қисматин ёдлаб бугун,

Раҳм айла аҳволимга  
Бағринг асло тошланмасун.

Сафо Очил, муҳаббат  
Майидан маст бўлиб ногоҳ,

Ошкор этган кўнглимдан  
Кўнглинг санинг ғашланмасун.

## ЎЗИНГНИ ХОР АЙЛАМА

Фуруринг оёқ ости  
Этишни кор айлама,  
Суймаганлар олдида  
Ўзингни хор айлама.

Димоғдор амалдорлар  
Баҳоси сариқ чақа,  
Юрагингни хасталаб,  
Кўнглингни тор айлама.

Қабулида ўлтириб,  
Қутиш сенга не даркор,  
Қабристонда куй чалиб,  
Қалбинг дутор айлама.

Инчунин у оёгинг  
Тирноғидан паст турур,  
Турқин зинҳор-базинҳор  
Ёнингга ёр айлама.

Ёвуз ҳоким девони  
Морхонадир морхона,  
Сафо Очил морбозни  
Асло хўстор айлама.

\* \* \*

Юрагим лиқиллайди,  
Томоғимда омонат,  
Аччиқ-нордон қисматим  
Қилар менга сиёсат.

Эй яхшилар, шу кунлар  
Нафас олиш мушкулдир,  
Қизлар қўш кокилидай  
Тўлғанаман, қиёмат.

Фанимлар касби-кори  
Ёмондир, ёмон, вале,  
Уртайдир тинмай мани  
Дўстдан келган хиёнат.

Неча йиллар тарк этмас  
Ҳасадгўйлар ҳасади,  
Туҳматлардан ёғилган  
Бошимдадир маломат.

Шум тақдирга, яхшилар,  
Кўникдимми, билмадим,  
Ғариб бошим ҳар куни  
Кўрди туман талофат.

Сафо Очил, қайғурма,  
Бу оламини яшнатар  
Мискин қалбим тўридан  
Сизиб чиққан диёнат.

\* \* \*

Қўқлаш келди оламга  
    Ўзгача сеп ёзадир,  
Меҳри унинг шул боис  
    Тилларда оввозадир.

Қуртаклар бўртиб-бўртиб,  
    Новдалар кўксин туртиб  
Чаман бўлиб очилмиш.  
    Гуллари топ-тозадир.

Қор остида айни чоғ,  
    Не кунларга қолди боғ,  
Гулбоғларнинг қўйнида  
    Қиш нафаси кезадир.

Қуртак ўксиниб сўзлар,  
    Қорга ўралиб бўзлар.  
«Ичимдаги ғуссамни,  
    Ахир, ким ҳам сезадир».

Умидсиз эмас улар,  
    Озодликка интилар,  
Баҳор қишнинг бағрини  
    Бир кун келиб эзадир.

\* \* \*

(Қиз қўшиғи)

Қайрилиб-қайрилиб қарайман,  
Кўчамдан ўтиб қолсангиз,  
Қайғумдан айрилиб қарайман,  
Кўчамдан ўтиб қолсангиз.

Ишқингиз дардида хастаман,  
Айтолмайман ошкора на чора,  
Бошимни кўтаргум аста мен,  
Кўчамдан ўтиб қолсангиз.

Келсангиз туюлар доимо  
Қишдан сўнг баҳор келгандек,  
Бўларди айни бир муддао  
Кўчамдан ўтиб қолсангиз.

Кўзингиз ичра нур сочардим  
Чехрамни кўзгу айлабон,  
Шу йўсин кўнглимни очардим  
Кўчамдан ўтиб қолсангиз.

Айб этманг, эй юрак пайванди,  
Боғландим мангу сиз билан,  
Мустаҳкам тобора дил банди,  
Кўчамдан ўтиб қолсангиз.

Ошиқлар элини олқишлаб,  
Эй, Сафо Очил, куйларсиз,  
На бўлғай менга куй бағишлаб,  
Кўчамдан ўтиб қолсангиз.

## КЕЛАРМИ

Тонг каби кулбам сари  
Шарофатим келарми?  
Шарофат ила яшнаб,  
Саодатим келарми?

Фироқ дарди ила то  
Иўқолмиш ҳаловатим,  
Бу мискин кўнглим аро  
Ҳаловатим келарми?

Жоним ҳалак то ҳануз,  
Тун кўксини тирмалаб,  
Соғинчим келар деган  
Кароматим келарми?

Пок севгимга бир умр  
Кафил имоним менинг,  
Истиқболга умидвор  
Шаҳодатим келарми?

Сафо Очил, муҳаббат  
Гулшанида сайр этиб,  
Меҳридан гул дасталаб,  
Шарофатим келарми?

## ДАРДИНДА

Турфа гуллар унармиш  
Бир паризод дардинда.  
Қалбим ақлим тунармиш  
Бир паризод дардинда.

Гоҳи шодлик, гоҳи ғам  
Ҳамроҳимдир дамба-дам,  
Ўзим дали-девона  
Бир паризод дардинда.

Шарқираган шалола,  
Сув бер битта пийёла,  
Ўт олмоқда ичимни  
Бир паризод дардинда.

Бағрим ерга бериб ман,  
Овланиб ётарман,  
Еру осмон оҳ урар  
Бир паризод дардинда.

Севги умрин кўрарман,  
Оғушида юрарман,  
Сафо Очил барҳаёт  
Бир паризод дардинда.

\* \* \*

Соринжоқда\* учма ёр,  
Бошгинанг айланмасин,  
Совитиб кимдир бизни,  
Йўлимиз бойланмасин.

Гужум шохи дарпанар,  
Лекин асло синмагай,  
Мендан бўлак ҳеч кимга  
Жисми-жонинг кўнмагай.

Гажак-гажак зулфингни  
Шамол ўйнаб қочадир,  
Шамолни қамаб қопга,  
Сафо аканг янчадир.

Соринжоқнинг ипига  
Сочларинг чулғанди ёр,  
Рашк ўти ичра алҳол  
Юрагим чўғланди ёр.

Қуриб кетсин соринжоқ,  
Сени юртга кўрсатар,  
Шамол деган чақимчи  
Сиринг элга фош этар.

Соринжоқда учма ёр,  
Бошгинанг айланмасин,  
Совитиб кимдир бизни,  
Севгимиз бойланмасин.

---

\* Соринжоқ (хоразмча) — арғимчоқ.



\* \* \*

Кўнгил қўйдим лобар қизга  
Севганимни билармикан,  
Ушбу сирим чин юракдан  
Деганимни билармикан?

Дилбоғимда авайлабон,  
Бўлсин уни куйлаганим,  
Алам тўла қўшиқларим  
Назарига илармикан?

Назарига илса агар  
Келиб бир пас қошгинамга,  
Ул париваш юрак розин,  
Менга аён қилармикан?

Е айтмасдан қийнаб мени  
Хазон айлаб муҳаббатим,  
Вафосизлик ханжарила  
Юрак-бағрим тилармикан?

Раҳм айлабон ул нигорим  
Тинглаб ҳар бир қўшиғимни  
Дилдоримнинг ишқ косаси  
Е меҳримга тўлармикан?

Сафо Очил, сабр қилғил,  
Қуйлаб гулрў гавҳарингни  
Унинг билан бахти иқбол  
Сенга насиб қилармикан?

## БИРЛИК ГАРАК

Дўстлар, эрк бўлмас бирликсиз,  
Бирлик гарак, бирлик гарак.  
Донғи чиққан кимнинг ёлғиз,  
Бирлик гарак, бирлик гарак.

Кимки озод, эркин эмиш,  
Бахна бўлмай\* ризқин термиш,  
Айрилганни айиқ ермиш,  
Бирлик гарак, бирлик гарак.

Жалолиддин шиор этди,  
Амир Темура қарор этди,  
Асрлар жон нисор этди,  
Бирлик гарак, бирлик гарак.

Аждодлар руҳи шод бўлгай,  
Ётган жойи обод бўлгай,  
Орзулари бунёд бўлгай,  
Бирлик гарак, бирлик гарак.

Бирлигимиз кетган куни,  
Учирилди Жайхун уни,  
Йиғлар не бағри бутуни,  
Бирлик гарак, бирлик гарак.

Бирликка тил теккизганлар,  
Ҳурликка қўл теккизганлар.  
Қўппакларни эмизганлар,  
Бирлик гарак, бирлик гарак.

Сафо Очил, вақтим тиғиз,  
Тингланг забони турк азиз,  
Бўлайлик гўё бир мағиз,  
Бирлик гарак, бирлик гарак.

\* Бахна бўлмоқ (хоразмча) — қарам бўлмоқ, тобе бўлмоқ.

\* \* \*

Замонким, бу бошима  
                    Битмас ғавго солибдир,  
Шул сабабдан ангоким  
                    Нафратим қўзғалибдир.

Мен қўзғалдиму вале  
                    Қўзғалгайми халойиқ,  
Йўқ, қўй каби ювошлик  
                    Қон-қонида қолибдир.

Қабристон ёрдир менга  
                    Насиб бўлмас гулзорлар,  
Амалдору порахўр,  
                    Қабиҳ токи қолибдир.  
Олам сасиб ётар то  
                    Ичғали соф ҳаво йўқ,

Соф ҳавони кимлардир  
                    Биздан тортиб олибдир.

Йиртқичлигинг, эй замон,  
                    Қила олмам тасаввур,  
Адолат йўлин излаб  
                    Халқим ўйга толибдир.

\* \* \*

Дўстларим, бул замонда  
                    Чекмаган фарёдим йўқ,  
Найлай, ғамгин кўнглима  
                    Таскини имдодим йўқ.

Қайга бормай йўлимда  
Тўсиқлар тоғлар каби,  
Кўксим кериб куйлашга  
Нурафшон ҳаётим йўқ.

Кимсан деб, манглаймга  
Урарлар доим тўқ-тўқ,  
Саройларда битилган  
Рўйхатларда отим йўқ.

Казо-казолар ила  
Қуриб базму зиёфат,  
Совғалар бермоқ учун  
Чўнтагимда зотим йўқ.

Сафоли осмон ичра  
Учиб юрмоқ муродим,  
Бошқаларга ўхшаган  
Қайрилмас қанотим йўқ.

Ҳақ шоҳидким, бир умр  
Юрагимда эл дарди,  
Жисмимга жо юртимга  
Келтирган иснодим йўқ.

Эй, Сафо Очил, чақиб  
Ичмишлар то илигим,  
Додимни тинглагани  
Нажибу нажотим йўқ.

\* \* \*

Бошдан ўтди не кунлар,  
Кўрганимни куйлайман,  
Ичим тирнаб не тунлар  
Юрганимни куйлайман.



Ким ҳам севгай синган дилим,  
Ким ҳам кўргай ўлган қулни,  
Ҳиндулардай сепиб кулим,  
Эсла мени, орзу гул.

Ганимларим милтиқ ўқлаб,  
Юрмагай энди қўлтиқлаб,  
Сафо Очил, сени йўқлаб,  
Умр кўрар орзу тул.

\* \* \*

Афсонавий жононга  
Имсимизни осибмиз\*,  
Гўё сарви равонга  
Имсимизни осибмиз.

Ул ҳақдаким ривоят  
Тўқиб кеча-ю кундуз,  
Алдоқчи бир шайтонга  
Имсимизни осибмиз.

Дудоқлари қовжираб  
Қон-қон йиғлар табиат,  
Қуриб қолган уммонга  
Имсимизни осибмиз.

Кимлардир элу юртга  
Юрмиш ваъдалар айлаб,  
Ҳали сароб давронга  
Имсимизни осибмиз.

Қуруқ сўз ила қорин  
Тўйганми ўзи ҳаргиз,  
Уйилмаган хирмонга  
Имсимизни осибмиз.

---

\* Имсимизни осибмиз (хоразмча) — кўнгила боғлабмиз.

Ажабо, Сафо Очил,  
Қизиқ дунё экан бу,  
Ақли кўр нотовонга  
Имсимизни осибмиз.

\* \* \*

Гўзал бордир ягона,  
Қалбим ичра дурдона,  
Утлар қўйди жонима,  
Жон олгувчи жонона.

Етмоқ унга армондир,  
Қоши таранг камондир,  
Санам мани ўқ айлаб,  
Отди қўйиб камона.

Шундан буён сарҳушман,  
Илҳом отлиғ бир қушман,  
Қўшиқ бўлиб, куй бўлиб,  
Макон қурдим осмона.

Ерим манинг ҳумодир,  
Мўмингина ҳаёдир,  
Бевафолик қилсангиз,  
Ларза солур жаҳона.

Жаҳон менинг жонимда,  
Гупирмоқда қонимда,  
Агар мени суйсангиз,  
Меҳрим сизга шарқона.

Меҳрингизга Хушторман,  
Мўҳаббат ичра борман,  
Севишганлар уйида  
Тилло бўлсин остона.

## **СИЗ БИЛИНГУ МЕН БИЛАЙ**

Кўнглимиз гулшан экан,  
Сиз билингу мен билай,  
Меҳримиз гулхан экан,  
Сиз билингу мен билай,

Гулшанимиз бирлашса,  
Гулханимиз бирлашса,  
Елқинланиб сирлашса,  
Сиз билингу мен билай,

Севгимиз олов бўлсин,  
Юраклар қалов бўлсин,  
Умидимиз ялов бўлсин,  
Сиз билингу мен билай,

Бошингизда ишқ дурра,  
Сўзлайсиз бурро-бурро,  
Эй фаройиб мастура,  
Сиз билингу мен билай,

Кўзларингиз чўлпондир,  
Бағрингиз ё бўстондир,  
Сайрон кезмоқ армондир,  
Сиз билингу мен билай,

Айтай келганда ўрни,  
Бир ён суриб ғурурни,  
Уртамизда шу сирни,  
Сиз билингу мен билай,

Асал бўлғай бахтимиз  
Қайтмагай ҳеч шахтимиз,  
Сафо Очил, аҳдимиз  
Сиз билингу мен билай,



## КУЗЛАРИНГ УРИШТИРМА

Севги гулшани ичра  
Иғволар уюштира,  
Муҳаббат уйин икки  
Соҳибин уриштира.

Синалмаган отларнинг  
Сиртидан ўтиб, санам,  
Тепки захмидан ногоҳ,  
Афтингни буриштира.

Ҳар қадамда алдашдир,  
Бевафоларнинг иши,  
Ҳаргиз сен бевафолар  
Ишларин юриштира.

Кўзлардан чиқиб учқун  
Қалбга кетмасин олов,  
Бегона билан, жоним,  
Кўзларинг уриштира.

Афсус оғриғи оғрир  
Дўзахлар азобидан,  
Сафо Очил қабихлар  
Маконин суриштира.

## ХУШТОРМАН

Шу кунлар кўтарилган  
                  Димоғингга хушторман,  
Сирли-сирли бурилган  
                  Дудоғингга хушторман.

Қатор ўқлар жойлаган,  
                  Қалбим нишон айлаган,  
Бодомга нусха берган  
                  Қовоғингга хушторман.

Аввал сўзга кирмадинг,  
                  Йўлимдан ҳам юрмадинг,  
Сенинг ўша гап кирмас  
                  Қулоғингга хушторман.

Дардим десам бўзардинг,  
                  Бир пасдан сўнг қизардинг,  
Ёниб турган оловдай  
                  Ёноғингга хушторман.

Сездинг менга керагинг,  
                  Доно билиб юрагинг.  
Мен томона бошлаган  
                  Оёғингга хушторман.

Зорлар кўпдир тирноққа,  
                  Етаклашиб юрмоққа,  
Янги бунёд этгуси  
                  Тирноғингга хушторман.

\* \* \*

Қошимда ўлтириб ҳар кун  
Эртак сўзлайди ажал,  
Эшик ортида манфурлар,  
Ердамга турар маҳтал.

Қалбимда худойим берган  
Тафаккурим машъали,  
Евузлар ниятин англаб,  
Бераман доим халал.

Шафқатсиз ажал уруғи,  
Сочилиб кетмиш ҳар ён,  
Одамлар либосин кийиб,  
Чиқар йўлимга ҳар гал.

Яратганинг ўзи сени  
Қўлласин, Сафо Очил,  
Иншооллоҳ, ишларингдан  
Чиқмас ҳеч қачон ишқал.

## ЕМОН ҲОКИМЛАР ХУСУСИДА

Қим пулдору порахўр,  
Машинасин елдириб,  
Юрар ҳоким мулкида  
Айтганини бўлдириб.

Қим қашшоғу фақирдир,  
Арзи-додин эшитмай,  
Қўйган эмиш бир ҳоким,  
Сарғайтириб-сўлдириб,

Суюқ оёқни кўрса  
Эриб кетар муз каби,  
Бермиш унга зум ўтмай  
Иўқ нарсани йўндириб.

Қим беваю бечора,  
Бошпанасиз йиғлашиб,  
Қўз ёшидан юрарлар,  
Қирқ ҳовузни тўлдириб,

Асли ўзи йиртилган  
Патагимга арзимас,  
Қўйибман чариқ каби  
Қозигимга илдириб.

Мазлумларнинг нолишин  
Тингла, эй парвардигор,  
Хўрлаб ёмон ҳокимни,  
Қўйгил элни кулдириб.

Йиқилганни суямоқ,  
Савобдир, Сафо Очил,  
Шеър битгил хўрланганлар  
Юрак қуртин ўлдириб.

\* \* \*

То ҳанузким нафи тегмай  
Ўтмиш баҳору ёзлар,  
Қай гўшага кирмайн  
Қувиб келмиш аёзлар.

Истеъдод мулкида нурсиз,  
Бечораю ғариблар,  
Талар мани олиб доим  
Бир-биридан андозлар.

Раққосалар янглиғ ўйнаб,  
Ғанимларим олдида,  
Гоҳ ишончга кириб қолар  
Учар, шайтон шоввозлар.

Руҳим сўйиб, қоним ичган  
Иғвогарлар зулмини,  
Баён этмоқ учун етмас  
Тонна-тонна қоғозлар.

Пешонамга ёзилгани  
Балки шулдир, билмадим,  
Қимдир манга тобут созлар,  
Қимдир сўйиб эъвозлар.

Қарвон ўтар, итлар ҳурар,  
Ўксинма, Сафо Очил,  
Дўстларинг шод айлаб, тузгил  
Қатор-қатор баёзлар.

## ТУТМИШЛАР

Ҳасадгўйлар доимо  
Дилда гумон тутмишлар,  
Юксакка чиқмоқ учун,  
Қўлда нарвон тутмишлар.

Истеъдодни малъунлар  
Сирли маҳв этгани,  
Жонлар қасдида ёллаб,  
Маҳвий шайтон тутмишлар.

Эҳтирос гулшанида  
Куйласам гоҳ баралла.  
Ҳар он бўғиб овозим,  
Мани бирён тутмишлар.

Гулшан аро куйларим  
Ед олган булбулларга,  
Чиқиб кетсин деган бир  
Машъум эълон тутмишлар.

Барчани душман билиб,  
Асло гумон қилмағил,  
Балки кўз тегмасин деб,  
Элдан ниҳон тутмишлар.

Молдай сўйиб шеърларим  
Қонин сўриб ногаҳон.  
Ҳолсиз ётиб сув сўрсам,  
Сув эмас, қон тутмишлар.

Қонлар ютдим бир умр,  
Сабрли Сафо Очил,  
Шеър унидан пишириб  
Ширмойи нон тутмишлар.

## МАЛИКАМНИ КУТАРМАН

Гул фасли гулшанимда  
Маликамни кутарман,  
Малиҳ ул масканимда  
Маликамни кутарман.

Жононимнинг жилваси  
Жонимдаги жавоҳир,  
Муҳаббат мазханимда  
Маликамни кутарман.

Изҳори дил чораси  
Гул бўларди баҳона,  
Чорагар чаманимда  
Маликамни кутарман.

Жонларга оро киргай,  
Овлоқ жойлар оғуши,  
Маъмури маъманимда  
Маликамни кутарман.

Ёмон кўздан олисга  
Олиб қочай санамим,  
Сарафроз саманимда  
Маликамни кутарман.

Келмаса ул моҳирўй  
Сафо Очил кул бўлгай,  
Густоҳи гулханимда  
Маликамни кутарман.

## КЕЧМАСМАН

Елғиз мани сайлаб суйган  
Адолатдан кечмасман,  
Дардим ила ёниб куйган  
Ҳақиқатдан кечмасман.

Хиёнат тегирмонида,  
Майли, эзиб янчсинлар,  
Вале ҳаётим мазмуни  
Диёнатдан кечмасман.

Сабр мулкида жавоҳир  
Қўзларимга нур эрур,  
Истиқбол машъали сабру  
Қаноатдан кечмасман.

Оғир кунда қочса дўстлар  
Сукунатдир ҳамроҳим,  
Узоқ тунлар суҳбат қурган  
Сукунатдан кечмасман.

Иўлим ёритса не ажаб  
Тафаккур гулхани,  
Сафо Очил, худо берган  
Қароматдан кечмасман.



## КЕЛАРМИШ

- Эй худо, қачон манго  
Тили забон келармиш,
- Сабр айласам мен илло,  
Ҳали имкон келармиш.
- Қаллоблар ойн туган,  
Ҳаром-ҳариш зар йиғган,
- Доим овозим бўлган,  
Разил шайтон келармиш.
- Умид гулшани пайҳон,  
Бўлдими охир замон,
- Вужудим қисиб жаҳон,  
Босиб осмон келармиш.
- Кета қолгин қайғу, ғам,  
Ҳеч бўлмаса бу оқшом,
- Еритиб зулмат кулбам,  
Дардга дармон келармиш.
- Мазлумларнинг оқ-зорин,  
Билмиш парвардигорим,
- Қайғу, ғам ижодкорин  
Куни ёмон келармиш.
- Сафо Очил ғафлатдан,  
Яқо ушлар ҳайратдан,
- Жанг ичра жасоратдан  
Марду майдон келармиш.

## УН САККИЗ ЕШЛИНИ

Томиримда оқиб турар  
Меҳри ўн саккиз ёшлини,  
Чизилибди юрагимга  
Суврати қалам қошлини.

Чарх урибди не бўронлар,  
Суякка етди бўҳтонлар,  
Унутмангиз, эй ёронлар,  
Пўлатдан қаттиқ бошлини.

Тухматларга ишониб ёр,  
Севгимга беради озор,  
Дол бўлибди виқор-виқор,  
На қилай бағри тошлини.

Неча йиллар фироғда ман,  
Зор-зор юриб йироғда ман,  
Кўнглин ололмай доғдаман,  
Гумонда кўнгли ғашлини.

Сафо Очил вафоли ёр,  
Топибди адолат қарор,  
Маржон каби қатор-қатор,  
Кўзларда алам ёшлини.

\* \* \*

Жоним, тушдим алинга,  
Жонимни олма мани,  
Гунлиқчиман элинга,  
Жонимни олма мани.

Гул экайин ман ғариб,  
Кўз ёшимдан суғориб,  
Чаман битай йўлингга,  
Жонимни олма мани.

Юрагимни тилавер,  
Не ўйласанг қилавер,  
Қулоқ осиб кўнглингга,  
Жонимни олма мани.

Гўзларинг ёнар экан,  
Сўнгида ёқар экан,  
Раҳминг галсин қулингга,  
Жонимни олма мани.

Офтобни қул айладинг,  
Куйдириб қул айладинг,  
Булғаб ташла қулингга,  
Жонимни олма мани.

Синовлардан ўтибман,  
Сафо Очил, етибман,  
Майин-майин алинга,  
Жонимни олма мани.

\* \* \*

Наврўз чоғи борибман  
                    Боғингга яйраб-яйраб,  
Олай деб хаёлингни  
                    Булбулдай сайраб-сайраб,

Зориқтирмай кела қол,  
                    Қушдай учиб ногаҳон,  
Қоларман мен ҳам бир кун  
                    Кунингга яраб-яраб.

Чиқмадинг кошонангдан  
                    Висол они не боис,  
Қўйибми ё ғанимлар,  
                    Сени ҳам қайраб-қайраб.

Юз минг ноз ила дарчанг  
                    Енида, навбаҳорим,  
Турибсан парилардай  
                    Сочларинг тараб-тараб.

Сафо Очил, кетай деб,  
                    Турсам, охир ниҳоят,  
Париваш, ўз ҳолима  
                    Қўймадинг қараб-қараб.

## СЕН ҚИМСАНУ МЕН ҚИММАН

Билгил, эй рўйи сиё,  
Сен кимсану мен кимман,  
Ичинг қаро, бедаво,  
Сен кимсану мен кимман.

Кўрсатиб ўзинг ювош,  
Яширинча отма тош,  
Тошингни тер, беҳаё,  
Сен кимсану мен кимман.

Арзимаёсан ҳукмимга,  
Бирор ҳаром туқимга,  
Урардиму беҳато,  
Сен кимсану мен кимман.

Ном олибсан «қоравой»,  
Қўлларингда балчиқ, лой,  
Қоравой, сезмайсан ё,  
Сен кимсану мен кимман.

Олмайсан асло тан,  
Ахир, ҳассаси билан,  
Туртибди сени худо,  
Сен кимсану мен кимман.

Эй, Сафо, қилма парво,  
Ақиллар ит доимо,  
Англагил, юзи қаро,  
Сен кимсану мен кимман.

## **БИЛМАСЛИККА ОЛАДИ**

Бир қиз севишим билиб,  
Билмасликка олади,  
Гоҳи мийиғда кулиб,  
Ичимга ўт солади.

Кўкрак жизиллар ўтдан,  
Юрак безиллар ўтдан,  
Кўриб, турганим сўлиб,  
Билмасликка олади.

Сочлари тўлқин-тўлқин,  
Кўзлари ёлқин-ёлқин,  
Термилиб, бағрим тилиб,  
Билмасликка олади.

Не кунларга қолибман,  
Ишқ дарсига толибман,  
Устоз десам ўргилиб,  
Билмасликка олади.

Кечикдимми, билмадим,  
Ичикдимми, билмадим,  
Нега жонсарақ қилиб,  
Билмасликка олади.

Шуурига сиғинган,  
Фурурига сиғинган,  
Сафо Очилни билиб,  
Билмасликка олади.

## НАФРАТИМ

Мансаб майин нўш айлаб  
Юрган мастга нафратим,  
Мастликда ваъда берган  
Ул нокасга нафратим.

Ҳар сўзинда халқ дея,  
Гулдирар ёниб куя,  
Қи элни порахўрдан  
Сақламасга нафратим.

Ваъдаси ёлғон-ёлғон,  
Ақли-хуши ногирон,  
Адолат, ҳақиқатни  
Ёқламасга нафратим.

Мусулмон санаб ўзин,  
Доим лўқ қилар кўзин,  
Солиҳ номин олиб ул  
Оқламасга нафратим.

Бамисоли хасл-чўпсан,  
Итлар билан турибсан,  
Тирноғимга арзимас  
Сендай хасга нафратим.

Бўрилигин олмай тан,  
Тулки либосин кийган,  
Лиқиллаган думига  
Қарамасга нафратим.

Эрк берибсан зўрликка,  
Шак келтирма бирликка,  
Қўзбойлағич алдоқчи  
Ярамасга нафратим.

## ТАСАННО

Кўнгил боғим гулзор этдинг,  
Гулзорингга тасанно.  
Суҳбатингга хумор этдинг,  
Хуморингга тасанно.

Зулминг раво кўрмай менга,  
Келгил висол бўстонига,  
Дийдор кўриб дилдор этдинг,  
Дилдорингга тасанно.

Бозорларда ҳаёт қайнар,  
Кезсанг бориб кўзинг қувнар,  
Келиб уйим бозор этдинг,  
Бозорингга тасанно.

Ҳар кун туриб субҳидамда,  
Не чирой бўлса кўкламда,  
Ҳовлим аро тайёр этдинг,  
Тайёрингга тасанно.

Шундай бўлса умр йўлдош,  
Ипак мисол майин, ювош,  
Сафо Очилни ёр этдинг,  
Ўз ёрингга тасанно.



## БОРМИ

Издан юрдим ҳайрон,  
Меҳригниси борми?  
Ёмон дардга чалиндим,  
Дардга давоси борми?

Пари ўтса кўчамдан,  
Зулмат кўчам ёришгай,  
Аё дўстлар, шул қизнинг,  
Сеҳри зиёси борми?

Игво айларлар бизни,  
Юзимизга лой чаплаб,  
Одамларнинг, билмадим,  
Шарми ҳаёси борми?

Оғзи бирлик бергайлар  
Яратганинг ўзлари,  
Ишқнинг бирликдан бўлак,  
Завқи Сафоси борми?

\* \* \*

Эллар аро юриб-юриб,  
Доноларни танлаб қириб,  
Кўкрагингга урма бугун  
Устивошинг ўзгартириб.

Устивошинг бошқа-бошқа,  
Вале ичинг бошқа-бошқа,  
Энди ёлғон ваъдаларга  
Кетмас улус эриб-эриб.

Тўйиб кетдим қилмишингдан,  
Савлат тўкиб юришингдан,  
Сўзлама-ҳей, шайтонмурод,  
Кўкрагингга уриб-уриб.

Айтгил, ўлат, айтгил, ахир,  
Елка бўлди яғир-яғир,  
Не орттирди бу халойиқ  
Гапларингга кириб-кириб.

Йўлларингдан юрмагайман,  
Бошим эгиб турмагайман,  
Чунки сенинг оғзинг қондир,  
Қонгинамни сўриб-сўриб.

Сафо Очил, айтдим яна,  
Айлама ўзинг тантана,  
Кирма такрор эллар ичра,  
Устивошинг ўзгартириб.

Сой буйина галар адик,  
Сиз бир ённан, биз бир ённан.  
Қиқир-қиқир кулар адик,  
Сиз бир ённан, биз бир ённан.

Шу кунларга этмай шукр,  
Тинчлик бермас юрак қурғур,  
Қилар адик хўпир-хўпир,  
Сиз бир ённан, биз бир ённан.

Десам гоҳи «ойим-ойим»,  
Жавоб қилдинг «дойим-дойим».  
Уйнар адик чайим-чайим,  
Сиз бир ённан, биз бир ённан.

Сувлар оқар тўлқинланиб,  
Ой ҳам сузар ёниб-ёниб.  
Боқар адик оловланиб,  
Сиз бир ённан, биз бир ённан.

Ой термилиб такрор-такрор,  
Сиримизни айлар ошкор,  
Мулла томон гетали ёр,  
Сиз бир ённан, биз бир ённан.

Мулла тинглаб дил оҳимиз,  
Уқиб қўйсин никоҳимиз,  
Чимилдиқда нигоҳимиз,  
Сиз бир ённан, биз бир ённан.

Галинг қўшиқ бўстониға,  
Сафо Очилнинг ёниға,  
Жонон бўлайлик жониға,  
Сиз бир ённан, биз бир ённан.

## ҚОРА ГҮЗ

Манго қара қора гүз,  
                    Ҳолим сўра, қора гүз,  
Агар ҳолим сўрмасанг,  
                    Куним қаро, қора гүз.

Дардим менинг ёмондир,  
                    Раини-рўйим сомондир,  
Ижжон\* этган бағримни  
                    Юз минг тигли армондир.

Севгим қилма ўйинчоқ,  
                    Уйнама бекинмачоқ,  
Йиқиламан, тураман,  
                    Йўлинг экан дойинжоқ.

Қалбингга қурай ошён,  
                    Илтимос, бергил имкон,  
Англамасанг дардимни  
                    Тордир менга бу жаҳон.

Манго қара, қора гүз.  
                    Ҳолим сўра, қора гүз,  
Агар ҳолим сўрмасанг,  
                    Куним қора, қора гүз.

---

\* *Ижжон* (хоразмча) — қийма.



## БИЛМАДИМ

Барглар ранги сомон,  
На бўлди, билмадим,  
Сўлдими ё армон,  
На бўлди, билмадим.

Мен ҳам сарғайдимми  
Номардлар олдида,  
Юрак ҳўнграр пинҳон,  
На бўлди, билмадим.

Дунёнинг ишидан  
Ажабланиб ногоҳ,  
Турибман мен ҳайрон,  
На бўлди, билмадим.

Хазонлар ёқилди,  
Жизиллар хонумон,

Ёки охир замон,  
На бўлди, билмадим.

Инсонларки, бари  
Безовта, серташвиш,

Гумонлар ҳукмрон,  
На бўлди, билмадим.

Вале Сафо Очил  
Кун кўрар умидвор,  
Қалбим гўё уммон,  
На бўлди, билмадим.

## МАНЗАРА

Замин узра қарайдир  
Хўмрайиб осмон-осмон,  
Ғазабидан титрайдир  
Жумлаи жаҳон-жаҳон.

Осмон салтанатига  
Қора булут ҳукмрон,  
Гулдирак «санъати»га  
Булбуллар ҳайрон-ҳайрон.

Қора қарға жилмаяр  
Қозиққа қўниб осон,  
Имо билан гўё кар  
Қўрсатар бизни ёмон.

Ҳокиминг қарға бўлса,  
Емишинг аён-аён,  
Хўрликдан кўнглинг тўлса,  
Қўзларинг гирён-гирён.

Булбул қарға йўлида  
Юргайми сарсон-сарсон,  
Сарғайиб қабулида  
Навбатга турса ҳар он?!

Қўзёшлар челақ-челақ,  
Ҳовузларда оқар қон,  
Қиёмат қойимми бу,  
Келдими охир замон...?

## МУҲАММАСЛАР

### ВАТАН ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Ўзга юртда кимдир юрса сарсон, ёмон,  
Кўпайса гар девонаю нодон ёмон,  
Бирин сўзин бошқасига айтгон ёмон,  
Юрт бузадир айтилгон ҳар ёлгон ёмон,  
Жон суҳани оқибат ул афгон ёмон.

Мўғул зарбин силтаб отди Жалолоддин,  
Елкасига дардлар ортди Жалолоддин,  
Хоразм деб, наъра тортди Жалолоддин,  
Ушалмасдан қолса агар армон, ёмон,  
Виждонин еб тирик юрган омон ёмон.

Иймон сотгон сотқинларга раҳбармисан,  
Юртга туфлаб ўз фойдангни ўйлармисан,  
Ошимизга қўшилгон бир заҳармисан,  
Зар либосли юзи қаро шайтон ёмон,  
Кундингни-эй кўрсатардим ёмон-ёмон.

Ишонч комил, кўп чўзилмас оҳу зорлар,  
Вақти келиб шўх-шўх янграр хазин торлар,  
Оққан дәрё оқар такрор, эй Хушторлар,  
Яхшиларга келарди кўп қирон, ёмон,  
Сотқинларга дарвон келса даврон ёмон.



## ИЙМОН БИЛАН КЕТАРМАН

Илоҳо, иймон билан кетарман,  
Толон бўлган жон билан кетарман,  
Изимда шайтон билан кетарман,  
Битмаган достон билан кетарман,  
Дилимда армон билан кетарман.

Сўзимнинг аввалбери Қуръондир,  
Ҳар ишда Йўлчи Юзлук ишдондир,  
Шул бонс кўнгли шаффоф бемондир,  
Илоҳо, иймон билан кетарман,  
Дилимда армон билан кетарман.

Бу оламда мен чекмаган ғам йўқ,  
Ғамим шифоси учун малҳам йўқ,  
Дардим айтгани холис одам йўқ,  
Толон бўлган жон билан кетарман,  
Дилимда армон билан кетарман.

Ёшлигим ўтди ўйнамай, қулмай,  
Муҳтожлик дамим\* назарга илмай,  
Манфурлар сабаб, ҳаловат билмай,  
Изимда шайтон билан кетарман,  
Дилимда армон билан кетарман.

Қирмай саройда турган рўйхатга,  
Тушдим гулбаргга ёзилган хатга,  
Бу дунёдан ёниб мен охиратга,  
Битмаган достон билан кетарман,  
Дилимда армон билан кетарман.

---

\* *Муҳтожлик дами* — муҳтожлик қиличи.

## НАВРҮЗИМ

Эллар васлинг истаб, топмиш ағёр, наврӯзим,  
Мажақланди сени куйлаган тор, наврӯзим,  
Қанча йиллар қишга дўнмиш баҳор, наврӯзим,  
Тухмат ичра токи чекдинг озор, наврӯзим,  
Эл меҳрига шунча хумор-хумор, наврӯзим.

Кимки юрагида йўқдир зарра диёнат,  
Эй, наврӯз, ўшалар қилди сенга хиёнат,  
Тўла оқлангуси хўрланган бу адолат,  
Тухмат ичра токи чекдинг озор, наврӯзим,  
Эл меҳрига шунча хумор-хумор, наврӯзим.

То ҳанузким ажал тўшагида тўлғаниб,  
Гоҳи муздай совиб, гоҳи оловдай ёниб,  
Вале умри бўйи истиқлолга ишониб,  
Тухмат ичра токи чекдинг озор, наврӯзим,  
Эл меҳрига шунча хумор-хумор, наврӯзим.

Гужумлар шохида ларзон берган соринжоқ,  
Учоқда гуруллаб, чарсиллаб ёнди, бироқ,  
Қизларнинг қалбида қолмиш аянчли ингроқ,  
Тухмат ичра токи чекдинг озор, наврӯзим,  
Эл меҳрига шунча хумор-хумор, наврӯзим.

Гўё қиқир-қиқир кулгандай ҳури малак,  
Милтир-милтир қайнар дошқозонда сумалак,  
Шунда қувончларга тўлиб кетарди фалак,  
Тухмат ичра токи чекдинг озор, наврӯзим,  
Эл меҳрига шунча хумор-хумор, наврӯзим.

Даврага беминнат нур сочарди машъаллар,  
«Наврӯз»га термилиб яшнар яшил пайкаллар,  
Қандай гўзал эди диллар ўша маҳаллар,  
Тухмат ичра токи чекдинг озор, наврӯзим,  
Эл меҳрига шунча хумор-хумор, наврӯзим.

Ешлар оёғига таёқ боғлашиб, дароз\*  
Уйинин ўйнашиб, чалинарни сурнай соз,  
Наврўз йўлларига тўшаларди поёндоз,  
Тухмат ичра токи чекдинг озор, наврўзим,  
Эл меҳрига шунча хумор-хумор, наврўзим.

Эй, наврўз, найлайин, замондан юз ўгирдим,  
Сафо Очил, қўлим ювиб, қўлтиққа урдим,  
Ичимда мадҳингни пинҳона куйлаб юрдим  
Тухмат ичра токи чекдинг озор, наврўзим,  
Эл меҳрига шунча хумор-хумор, наврўзим.

### ЭЙ, СЎНА

Эй, сўна, келиб ҳол сўрмоқчимисан,  
Ё мудҳиш аҳволим кўрмоқчимисан,  
Сир биларга суҳбат қўрмоқчимисан,  
Манфурларга айтиб турмоқчимисан,  
Эй, сўна, ё қоним сўрмоқчимисан?

Тунни ол деб, тонгим сўрган кўп бўлди,  
Гоҳ шуҳрат, гоҳ шоним сўрган кўп бўлди,  
Бу оламда қоним сўрган кўп бўлди,  
Қонга тўймай жоним сўрган кўп бўлди,  
Эй, сўна, ёнма-ён юрмоқчимисан?

Тирикман, ёнма-ён юра олмассан,  
Тириклигим лекин кўра олмассан,  
Менга энди нашта ура олмассан,  
Сафо Очил изидан ё қолмассан,  
Эй, сўна, ё жонинг бермоқчимисан?

---

\* Дароз-дароз ўйини (хоразмча) — икки оёғига таёқ боғлаб олган ёшлар мусиқа оҳангида рақсга тушади.

## БУЛАКЧА

Сирин кирай уммонларим бўлакча,  
Уммон кира туғёнларим бўлакча,  
Ушалмаган армонларим бўлакча,  
Орзу қилган имконларим бўлакча,  
Ёзилмаган дostonларим бўлакча.

Кефс кира зор йўллайди Адолат,  
Чуви ташқиб ятар уни миднат,  
Бон тиклашга тополмайди шижоат,  
Чуви ҳамон ҳукмирандир разолат,  
Ушалмаган армонларим бўлакча.

Маслак вла доим ивоқ яшадим,  
Умидимга бериб сабоқ яшадим,  
Рухим аро кезиб илғоқ яшадим,  
Умрим бўйи ғариб, қашшоқ яшадим,  
Орзу қилган имконларим бўлакча.

Сафо Очил ёди нурли истиқбол,  
Жалолиддин орзу қилган истиқлол,  
Дилда дардим айтолмасдан тилим лол,  
**Элу юртнинг кўз ёшидан сўраб ҳол,**  
Ёзилмаган дostonларим бўлакча.

## РАҲМАТ

Мусулмонлик тарихини кимки билганга раҳмат,  
Билганига бир умр амал қилганга раҳмат,  
Эл йиғласа, йиғлаб у, кулса, кулганга раҳмат,  
Оғир кунда ҳол-аҳвол сўраб келганга раҳмат,  
Биз ғарибни ҳам излаб, кўзга илганга раҳмат.

Ночор, ғариб кулбамдан жаранглар жўшқин шеърлар,  
Чидолмасдан шунга ҳам ҳар ёндин талаб, ерлар,  
Кўнгила бериб дўстлар гоҳ чекмагини фарёд, дерлар,  
Оғир кунда ҳол-аҳвол сўраб келганга раҳмат,  
Биз ғарибни ҳам излаб, кўзга илганга раҳмат.

Не азиздир, ёронлар, сиз билан суҳбат азиз,  
Жонимга жонин тиккан бағри кенг улфат азиз,  
Дил дардига малҳамки эзгу бир ҳиммат азиз,  
Оғир кунда ҳол-аҳвол сўраб келганга раҳмат,  
Биз ғарибни ҳам излаб, кўзга илганга раҳмат.

Васли жамолин сўрдим офтобга хитоб айлаб,  
Пиру пайғамбар хоки пойини тавоб айлаб,  
Сафо Очил калбига нур сочмини жавоб айлаб,  
Оғир кунда ҳол-аҳвол сўраб келганга раҳмат,  
Биз ғарибни ҳам излаб, кўзга илганга раҳмат.

## ХУШ АРМОНИМ БОР

То ҳануз тинчлик бермас юракда туғеним бор,  
Туғенларим туташган безовта уммоним бор,  
Хур воҳам мадҳин куйлай деган хуш армоним бор,  
Ахир, ўшал тупроқда қолган киндик қоним бор,  
**Учиб борай десам на қанот, на имконим бор.**

Еронлар, дўст деганим ағерга ҳамдам экан,  
Касби доим золими ғаддорга ҳамдам экан,  
Оламда ном чиқарган таррорга ҳамдам экан,  
Элу юрт юз ўгирган маккорга ҳамдан экан,  
Кўзларини ёғ босган ақли ногироним бор.

Ҳийла бирлан ғолибдир баъзи замондошларим,  
Овозимни бўғмишлар ҳасадгўй элдошларим,  
Зулмидан тортиб озор зоғ оқармиш сочларим,  
Тобланур бора-бора пўлатдек бардошларим,  
Илҳомимдан ясалган бир тахтиравоним бор.

Дунёга келиб даври-дарвон сурмадим, вале,  
Аҳли нопок йўлидан дайдиб юрмадим, вале,  
На ҳавасим, на нафсим эркин бермадим, вале,  
Тухматдан бўлак ҳеч бир ёрлиқ кўрмадим, вале,  
Сафо Очил аталмиш гавҳари нишоним бор.

## ЕЛҒОНЧИЛАР

Виждони, имони ногирон ёлғончилар,  
Ёлғончи дунёга ҳукмрон ёлғончилар.  
Сўзию қилмиши хўп ёлғон ёлғончилар,  
Оқибат бўлғуси нотавон ёлғончилар,  
Манглайин ёзрити тошбўрон ёлғончилар.

Қим оғзин таноби кетибди ваъда айлаб,  
Ваъдалар турибди вақтинча далда айлаб,  
Не ажаб, қўзғатса эл-юртни зада айлаб,  
Сўзию қилмиши хўп ёлғон ёлғончилар,  
Оқибат бўлғуси нотавон ёлғончилар.

Токи йиғлайдир чин шоиру хонандалар,  
Аҳли тулки қувнаб чаладир чирмандалар,  
Туркистон юртимиз бўлмасин шармандалар,  
Сафони қилган-эй қатағон, ёлғончилар,  
Жафони қўлланган шоҳ, султон ёлғончилар.

Сафо Очил, бугун жарангдор уним толмиш,  
Чунки бахтсиз замон чароғон куним олмиш,  
Найлайин, ўзимга қўрқинчли туним қолмиш,  
Виждони, имкони ногирон ёлғончилар,  
Ёлғончи дунёга ҳукмрон ёлғончилар.

## ЭЗГУЛИК БҮСТОНИДА

Эзгулик бӯстонида содиқ бир ёрондурмен,  
Бош узра дӯстлик туғи, дӯстталаб инсондурмен,  
Хиёнат майдонида оловкор исёндуурмен,  
Шу исёнга бошу қош қасоскор султондурмен,  
Жанг ичра, эй фанимлар, Рустами дostonдурмен.

Йўқолмиш кўнгиллардан меҳру эътиқод, найлай,  
Кетгайми ҳаётимиз шундай умрбод, найлай,  
Жону жаҳоним айлар дод устна дод, найлай,  
Элу юртим ватани бағри кенг жаҳондурмен,  
Ғайрилар қора еру, мен ўзим осмондурмен.

Осмонга туфлама, эй, юзингга қайтиб тушгай,  
Нодонлигинг оламга баралла айтиб тушгай,  
Шишадай синган оринг ўрнига қайтиб\* тушгай,  
Қўй бўғзида охириг лахта-лахта қондурмен,  
Қўкдаги шафақ каби ёйилган алвондурмен.

Маккани ҳар кун минг бор дилда зиёрат этдим,  
Меҳримга ийлаб лойлар қоринни одат этдим,  
Юрагимни дўст учун гўзал иморат этдим,  
Феълу атворим ила элимга аёндуурмен.  
Исми монанди Сафо тоғидан нишондуурмен.

---

\* Қандай қилиб.



## КАРОМАТ БЎЛСИН

Тиларман, худодан каромат бўлсин,  
Бизга ҳам биргина адолат бўлсин,  
Деманг такрор сабру қаноат бўлсин,  
Мурувват боғига ижозат бўлсин,  
Қимки бизни севса, саломат бўлсин.

Қовоқларим учмиш, таъбири надир,  
Емонлик келса гар, тадбири надир,  
Қўксим ерга бериб титрайман дир-дир,  
Ёвузлик даврони омонат бўлсин,  
Қимки бизни севса, саломат бўлсин.

Нафосат гулбоғи ол-ол очилғай,  
Ижобат қучоғи кенг-кенг ёзилғай,  
Баридан бир маъни дилга сочилғай,  
Элларда дилафкор диёнат бўлсин,  
Қимки бизни севса, саломат бўлсин.

Қаноат гулхани қалови менман,  
Муҳаббат дўзахин олови менман,  
Оловдан тикилган ялови менман,  
Сафо Очилга ҳам марҳамат бўлсин,  
Қимки бизни севса, саломат бўлсин.

## ҲАҚ СЌЗИ — ХАЛҚ СЌЗИ

Улуғдан улуғдир Улуғлар ҳақ сўзи,  
Қи дардга даводир мисоли Ҳақ сўзи,  
Ҳақ сўзин маъниси бир умр халқ сўзи,  
Халқ сўзи бирлан то нйлангай «Халқ сўзи»,  
Қи они демишлар оқибат Шарқ сўзи.

Шарқимиз кўкида порлаган офтоблар,  
Ёритмиш зимистон оламини шу тоблар,  
Сўзлари тиригу жисми ул туроблар,  
Айламиш доимо умидвор хитоблар,  
Улуғдан улуғдир Улуғлар ҳақ сўзи.

Истиқлол мулкидан бенасиб хиёнат,  
Орамиздан буткул йўқолсин адоват,  
Ёронлар, ёғмасин десангиз маломат,  
Сингиб кетгай жону қонларга адолат,  
Қи дардга даводир мисоли Ҳақ сўзи.

Умрим бўйи қилдим ёлвориб илтижо,  
Дўстлар, ёлворишим бежо эмас асло,  
Илтижо жонида юрт меҳри жо-бажо,  
Мўмину мусулмон айламиш дилга жо,  
Ҳақ сўзин маъноси бир умр халқ сўзи.

Дод солдим сийпалаб қайрилган қанотим,  
Эллик йил ҳеч кимга етмади фарёдим,  
Ғариб кулбам ичра сийлаган ўй, ёдим,  
Қи элга улашмоқ эзгулик муродим,  
Халқ сўзи бирлан то нйлангай «Халқ сўзи».

Биз ҳақда, эй Сафо, ёлғонлар тўқилган,  
Ҳақ сўзни деёлмай нечалар бўғилган,  
Асил бир зурёдки, нур ила йўғрилган,  
Асли Ўзбекистон бағрида туғилган,  
Ки они демишлар оқибат Шарқ сўзи.

## РОСТИН АЙТСАМ

Раъно, кўрдим боғлар нчра камолингизни,  
Ростин айтсам, тополмадим мисолингизни,  
Ой ҳам хира тортгай кўрса жамолингизни,  
Илтимосим, беринг менга хаёлингизни,  
Севгим ҳақда қилманг ортиқ саволингизни.

Севгим чиндир, сизга бир умр парвонаман,  
Меҳрингиздан, айтинг, ахир, қачон қонаман?  
Гар етмасам рашк ўтида гурлаб ёнаман,  
Илтимосим, беринг менга хаёлингизни,  
Севгим ҳақда қилманг ортиқ саволингизни.

Сизсиз олам тор кўринар бедор кўзимга,  
Бошим кўкка етар сола билсам измимга,  
Номингизни маржон қилиб тақай сўзимга,  
Илтимосим, беринг менга хаёлингизни,  
Севгим ҳақда қилманг ортиқ саволингизни.

Сафо Очил имзо чекиб қарорингизга,  
Бахтиёрдир парда босса дил торингизга,  
Ёздим қўшиқ меҳрим қўшиб «гулёр»ингизга,  
Илтимосим, беринг менга хаёлингизни,  
Севгим ҳақда қилманг ортиқ саволингизни.

## ТАМАЛАР АЙЛАБ

Тамалар айлаб лаъли лайлосидан,  
Юз минг ўргилдим икки шахлосидан,  
Қутулиб бўлмас энди балосидан,  
Ўмидлар боғлаб юрсам давосидан,  
Ўқлар ёғилур қошлари ёсидан.

Сезмабди чоғи оқ тилагимни,  
Нишон айлаб қоқ кўрагимни,  
Қилди ногоҳ чок-чок юрагимни,  
Қимга айтайин ҳақ эртагимни,  
Муҳаббат инграр сийнам яросидан.

Ишқ азобидан шикаста дил, найлай,  
Гўё қип-қизил гулдаста дил, найлай,  
Висол боғига вобаста дил, найлай,  
Тўлғанур орзу-ҳавасда дил, найлай,  
Хабар беринглар ёр муддаосидан.

Ғам уммонида сузма, Сафо Очил,  
Бунча бағрингни эзма, Сафо Очил,  
Тўзган дунёдай тўзма, Сафо Очил,  
Бахтингдан кўнгил узма, Сафо Очил,  
Баҳралар олурсан севги сабосидан.

## БУЛМИШАМ

Кулманг, дўстлар, ўз-ўзимга манзур бўлмишам,  
Элда эмас, қалбим аро машҳур бўлмишам,  
Ўзим куйлаб ҳумо янглиғ учқур бўлмишам,  
Шайдо бўлиб қўшиғимга мағрур бўлмишам,  
Шу кунга ҳам танам ичра масрур бўлмишам.

Қўшиқларим муштарийси борми, билмадим,  
Менга уни кўрмак бахти ёрми, билмадим,  
Занжир каби мираларим ёки дорми, билмадим,  
Дор остида ҳумо қушим хору зорми, билмадим,  
Кулманг, дўстлар, ўз-ўзимга манзур бўлмишам.

Ёлғиз қолсам илҳом отлиғ пари-пайкарлар,  
Келишади ўйнаб-ўйнаб гўё дилбарлар,  
Сиёҳлардан димоғимга тарар анбарлар,  
Вале, билмам, савлат тўкар қайда минбарлар,  
Элда эмас, қалбим аро машҳур бўлмишам.

Сафо Очил, юксак бошинг хам-хам айлама,  
Йўлиққанга дардинг айтиб олам айлама,  
Етар энди хаёлингни хардам айлама,  
Рухинг тушиб, ортиқ қайғу, алам айлама,  
Шукур айла, танам ичра масрур бўлмишам.

## ОМИН

(*Менинг фотиҳам*)

Яхшиларки, касалидан айрилгай, омин-омин,  
Аччиқ қисмат ишкалидан айрилгай, омин-омин,  
Шайтон машъум масалидан айрилгай, омин-омин,  
Нодон ҳоким амалидан айрилгай, омин-омин,  
Аё, қабиҳ жадалидан айрилгай, омин-омин.

Шайтонки нокасу нодон ҳокимларни оғдирмиш,  
Аччиқ қисмат бошгинамга тўхмат тошин ёғдирмиш,  
Юзларимга чаплаган у артиб бўлмас доғдирмиш,  
Нодон ҳоким амалидан айрилгай, омин-омин,  
Аё, қабиҳ жадалидан айрилгай, омин-омин.

Сафо Очил фарёд айлаб шу ёвузлар дастидан,  
Хастадурмен, ўраб олган чангу тўзлар дастидан,  
Азройил юзлари янглиғ қалин безлар дастидан,  
Нодон ҳоким амалидан айрилгай, омин-омин,  
Аё, қабиҳ жадалидан айрилгай, омин-омин.

## КУЛДИЮ КЕТДИ

Дилбар бир сўз демасдан келдию кетди,  
Кўзларимга бир боқиб, кулдию кетди,  
Мен ҳам боқсам суқланиб, елдию кетди,  
Ёки юрак сиримни билдию кетди,  
Балки қалби ишқимга тўлдию кетди.

Келмадинг, лек кутарман кундаю кунда,  
Ҳаловатим, ҳузурим йўқ менинг бунда,  
Чидайсанми, куйласам мунгли бир унда,  
Қош чимирди, вужудим қақшади шунда,  
Ишқ тигига рўпара қилдию кетди.

Ой юзингга зеб берар чаккангда холинг,  
Ваъдангни эслаб, томсин тилингдан болинг,  
«Сафо ака, бир умр ёнимда қолинг»,  
Десанг агар ўйлардим ман истиқболинг,  
Муҳаббатинг ўз ишин қилдию кетди.

## БАШОРАТ АЙЛАБ

Севгимга диёнат айлаб,  
Иқрорим сафоат айлаб,  
Келибман зийрат айлаб,  
Ажойиб бир ният айлаб,  
Иқболим башорат айлаб.

Жовдираб тимқора кўзлар,  
Ёниқ муҳаббатдан сўзлар,  
Шундан буён қалб жизиллар,  
Севгимни кафолат айлаб,  
Иқболим башорат айлаб.

Юрагимдан келмиш садо:  
Улсиз яшаш гумон гўё,  
Севги отлиғ гулшан аро,  
Кезарман садоқат айлаб,  
Иқболим башорат айлаб.

Хоҳласанг, майли, судланг,  
Ёнган дилим яна ўтланг,  
Қалбингизга қамаб дудланг,  
Юрмасман шикоят айлаб,  
Иқболим башорат айлаб.

Сафо севса мисли Мажнун,  
Суд қилишга борми қонун?  
Юрай, ахир, токай беун,  
Иродам назорат айлаб,  
Иқболим башорат айлаб,



## КҮЗ ЕШИНГНИ ТҮКМА

Эй фалак, бағринг эзиб ғамим, күз ёшингни тўкма,  
Бердим кўп адолатдан таълим, күз ёшингни тўкма,  
Тотдим оғулар аччиқ таъмин, күз ёшингни тўкма,  
Ёниб кетарман чиқмай дамим, күз ёшингни тўкма,  
Тоабад ёнгай ёққан шамим, күз ёшингни тўкма.

Маслагим орзу қилган дунёдан умидвор ўтдим,  
Ҳақ кўрсатган ҳақиқат мулкида бетақрор ўтдим,  
Қилган ҳар бир ишимдан айлабон ифтихор, ўтдим,  
Эй фалак, бағринг эзиб ғамим, күзёшингни тўкма,  
Тотдим оғулар аччиқ таъмин, күзёшингни тўкма,

Умрим бўйи талпиниб изладим саодат йўлин,  
Ва лекин тарк этмадим то сабру қаноат йўлин,  
Имоним ҳаққи, дўстлар, тутмадим хиёнат йўлин,  
Эй фалак, бағринг эзиб ғамим, күз ёшингни тўкма,  
Ёниб кетарман чиқмай дамим, күз ёшингни тўкма.

Шерюракли бўлсам ҳам, ёлғиз бир Аллоҳдан қўрқдим,  
Куч-қудратга тўлсам ҳам, ёлғиз бир Аллоҳдан қўрқдим,  
Тутган жойим юлсам ҳам, ёлғиз бир Аллоҳдан қўрқдим,  
Эй фалак, бағринг эзиб ғамим, күз ёшингни тўкма,  
Тоабад ёнгай ёққан шамим, күз ёшингни тўкма.

Ҳақ таоло буюрган мазҳабимдир — Сафо Очил,  
Аждодим дегай:— Насли-насабимдир—Сафо Очил,  
Буюк шоҳлардан буюк мансабимдир—Сафо Очил,  
Эй фалак, бағринг эзиб ғамим, күз ёшингни тўкма,  
Бердим кўп адолатдан таълим, күз ёшингни тўкма.

## ҒУНЧА

Ошифта булбулингман, кўзинг юмма, жон ғунча,  
Ўзим ёлғиз қулингман, гулшан аро хон ғунча,  
Дарди сиринг тўкиб-ёз, нега бағринг қон, ғунча,  
Юзим босай юзингга, олов бўлиб ён, ғунча,  
Чанқасанг гар кўз ёшим ичгил меҳринг қонғунча.

Раво кўрган ситаминг кам-кам дейинму, жоним,  
Ситамларинг ичимда жам-жам дейинму, жоним,  
Ешларимнинг булоғин зам-зам дейинму, жоним,  
Юзим босай юзингга, олов бўлиб ён, ғунча,  
Чанқасанг гар кўз ёшим ичгил меҳринг қонғунча.

Муҳаббат нозил кундан ўзим сенга бандалар,  
Яшнаб кетарди ҳар ён қилсанг шакархандалар,  
Десанг, мани эл аро бўлмасин шармандалар,  
Юзим босай юзингга, олов бўлиб ён, ғунча,  
Чанқасанг гар кўз ёшим ичгил меҳринг қонғунча.

Тиканларинг наштардек яро айлар ҳар ёғим,  
Кўзларимга қадалиб қон талади қароғим,  
Ўйлаб кўрсам йўқ экан сендан бўлак ардоғим,  
Юзим босай юзингга, олов бўлиб ён, ғунча,  
Чанқасанг гар кўз ёшим ичгил меҳринг қонғунча.

Боғимизда истиқлол нури муборак замон,  
Келин либосин сенга тикибди Ўзбекистон,  
Сафо Очил келибди шодлигин айлаб аён,  
Юзим босай юзингга, олов бўлиб ён, ғунча,  
Чанқасанг гар меҳримдан ичгил меҳринг қонғунча.

## КУЛГУНИ КҮРГУМ

Тўлқинланиб денгизлар каби,  
Қўкда ёниқ юлдузлар каби,  
Ошиғингнинг сендан талаби,  
Қўзларингда кўзгуни кўргум,  
Юзларингда кулгуни кўргум.

Қўзгуларда кўргум ўзимни,  
Ишқ чўғида куйган кўзимни,  
Бўлма, дилбар, айтар сўзимни,  
Қўзларингда кўзгуни кўргум,  
Лаб остингда инжуни кўргум.

Бир инжуки, тилсимот, ҳай-ҳай,  
Дардинг, майли, жоним оғритгай,  
Бир кун кўнглим уйин ёритгай,  
Қўзларингда кўзгуни кўргум,  
Қалбимдаги туйғуни кўргум.

Аҳли ошиқ ўйлаб бизгача,  
Куйлаб ўтган барин ўзгача,  
Эй авлодлар, етиб сизгача,  
Қўзингизда кўзгуни кўргум,  
Юзингизда кулгуни кўргум.

## ЕШЛИГИМ ЕД ЭТИБ...

Бағримда лутф айлаган латофатни изларман,  
Ешлигим ёд этиб, муҳаббатни изларман,  
Гулбадан нозли-нозли назокатни изларман,  
Кўнгил қўйиб малиҳ ул малоҳатни изларман,  
Қаноатим сийпалаб саодатни изларман,  
Гоҳи шуҳрат келтирган шарофатни изларман.

Қир-адирда долазор уйғотиб меҳри ҳавас,  
Бир-биримиз қувлашиб ўйнар эдик басма-бас,  
Завқу шавқдан юракда сездик туйғу муқаддас,  
Дудоғларни куйдирди ичдан чиққан ўт нафас,  
Мени ёлғиз қўймаган инобатни изларман,  
Истиқболим ўйлаган шаҳодатни изларман.

Кўзларимни қамаштирган офтобми ё гавҳарми,  
Қувончли ҳис бахш этган нозик бадан дилбарми,  
Бахти иқбол нуридан йўлларим мунавварми,  
Билмадим, жоним такрор шу кунга муяссарми,  
Хўп ёлвориб фалакдан фароғатни изларман,  
Бир умр башоратли башоратни изларман.

Бахт юлдузин излаган дилором дилдор ширин,  
Туйнуксиз қаср ичра бағри қон анор ширин,  
Оғушимни гуллатган тоза гул гулнор ширин,  
Сафо Очил ёдида ой санам дилдор ширин,  
Ешлигим қайтиб берган кароматни изларман,  
Севгим ганжин яшнатган адолатни изларман.

## ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Дилга оқди бўлиб тонг ишқинг,  
Ойдаи ёритмиш ҳар ён ишқинг.  
Жонимда яшар жонон ишқинг,  
Бўлғали ошноийи жон ишқинг,  
Ёқиб ўртади хонумон ишқинг.

Севги мулкида ўзим хоне,  
Бўлмангиз асло мунга моне,  
Билакс, дедингиз: жондин тоне,  
Ишқсиз йўқтурур манга жоне,  
Чун тан ичра эрур равон ишқинг.

Умрим ўтар кутиб боғ ёнда,  
Бундай роҳат борми жаҳонда,  
Жон узилсин майли бўстонда,  
Тикди қаддинг ниҳолини жонда,  
Алифе янглиғ боғбон ишқинг.

Шивирлайман гоҳ-гоҳи секин,  
Чувалиб юрагимда тугун,  
Кўзи қаттидан дарҳол бекин,  
Хору хоро эрур жаҳон, лекин,  
Жонгадир боғу гулистон ишқинг.

Ишқ бирла юртдан вафо топсам,  
Эл ичра лойиқ маъво топсам,  
Аё дардимга даво топсам,  
Не ажаб, ишқдин сафо топсам,  
Хорни қилди бўстон ишқинг.

Эй ёр, дуч келмайн қаҳринга,  
Тоҳир каби оқиб наҳринга,  
Кириб борай, жоним, бағринга,  
Еткурур бу вужуд шаҳринга,  
Дам-бадам корвон ровон ишқинг.

Қалбимда ошени ишқ, вале,  
Сафо Очил қони ишқ, вале.  
Висолнинг армони ишқ, вале,  
Ҳофиз этмас баени ишқ, вале,  
Ўз-ўзини қилур баён ишқинг.

## ҚАЙИШМАС

Дўстлар, аҳли доно бойлигу амалга қайишмас,  
Ҳақ турганда асло тухмати ишқалга қайишмас,  
Виждонин еганлар исломи акмалга қайишмас,  
Миллатин суймаган тарихи аввалга қайишмас,  
Охир замон келса, бойлар камбағалга қайишмас.

Онт ичарлар олиб қўлларга Қуръони каримни,  
Ва лекин ишшайиб тингламаслар дардисаримни,  
Қофирлардан ортиқ топтамишлар кўнгли яримни,  
Виждонин еганлар исломи акмалга қайишмас,  
Охир замон келса, бойлар камбағалга қайишмас.

Амалдордан, Сафо Очил, рўшнолик кўрмадим,  
Очиқ кўнгил ила холис бир ошнолик кўрмадим,  
Умрим бино бўлиб асти дилкушолик кўрмадим,  
Елғончи дунё бу Зуҳраю Зуҳалга қайишмас,  
Охир замон келса, бойлар камбағалга қайишмас.

## ВИСОЛИНГГА ТҮЁЛМАЙМАН

Эй ёр, сендан ўзгаларни суёлмайман,  
Сени деган оқ кўнглимни бўёлмайман,  
Суйканишдан ҳеч ўзимни тиёлмайман,  
Висолингга сира-сира тўёлмайман,  
Шул боисдан ўз ҳолингга қўёлмайман.

Юрсанг, ўпар кокилларинг товонингни,  
Ошкор айлаб бизга мушки афшонингни,  
Хаёлимда кўрибман шабистонингни,  
Висолингга сира-сира тўёлмайман,  
Шул боисдан ўз ҳолингга қўёлмайман.

Ором билмас юракдаги туғёнларим,  
Сайхунларим, Жайхунларим, уммонларим,  
Қолмас асло изгинангдан армонларим,  
Висолингга сира-сира тўёлмайман,  
Шул боисдан ўз ҳолингга қўёлмайман.

Зулм ичра ким, ашкима ҳам канора йўқ,  
Чеккан дарду аламимга шумора йўқ,  
Иқбол завқи ҳаммага бор, Хуштора йўқ,  
Висолингга сира-сира тўёлмайман,  
Шул боисдан ўз ҳолингга қўёлмайман.

## УРГИЛАЙ

Навбахорим, дилда борим ўргилай,  
Яшнаб турган ҳур диёрим ўргилай,  
Қўзга қувонч чаманзорим ўргилай,  
Гулга кўнгил берган ёрим ўргилай,  
Ишқ мулкида ижодкорим ўргилай.

Боғда кўрдим, ақлим ҳайрон найлайин,  
Севдим сени, қандай изҳор айлайин,  
Келгин, жоним, асроримни сўйлайин,  
Дил зоримни қўшиқ қилиб куйлайин,  
Севгим менинг мададкорим ўргилай.

Жаннат мисол боғда юрган гўзалим.  
Менга атаб гуллар терган гўзалим,  
Ширинсухан, тили шақар — асалим.  
Сени куйлаб жўшар жўшқин ғазалим,  
Илҳом берган бахтиёрим ўргилай.

Сафо Очил, гуллар экди йўлимга,  
Севдим дея имзо чекдим дилимга,  
Муҳаббатим торин олсам қўлимга,  
Шул қўшиғим қайнаб чиқди кўнглимга,  
Жўровозим, янгроқ торим ўргилай.



## ЭЙ, МАҲВАШИМ

Эй, маҳвашим, соф севгимга борми гумонинг,  
Бир сўз демай йўқотдим-ку ному нишонинг,  
Ачишмасми аҳволимга, жоним, ё жонинг,  
Манго шафқат қилғил бўлса агар имконинг,  
Хабар айла, Шоҳсанам қиз, манзил-маконинг.

Бошгинангдан айлангириб сувлар ичгайман,  
Атрофингда парвонадай ёниб учгайман,  
Раҳм этмасанг ўз кафаним ўзим бичгайман,  
Манго шафқат қилғил бўлса агар имконинг,  
Хабар айла, Шоҳсанам қиз, манзил-маконинг.

Сигмай-сигмай кетмоқдаман жумла-жаҳона,  
Қалбим уйи қулаб-қулаб бўлди вайрона,  
Кириб-чиқиб, кириб-чиқиб синмиш остона,  
Манго шафқат қилғил бўлса агар имконинг,  
Хабар айла, Шоҳсанам қиз, манзил-маконинг.

Айтгил, ахир, ғанимларим дўсту ёрмиди,  
Ёки сенга Сафо Очил уйи тормиди,  
Ё ишқингда мендан ортиқ куйган бормиди,  
Манго шафқат қилғил бўлса агар имконинг,  
Хабар айла, Шоҳсанам қиз, манзил-маконинг.

## МЕҲР ОҒТОБИ

Бир қиз бор бўйи пастроқ бўйимдан,  
Осилар эди тинмай бўйнимдан,  
Эриб кетарди силаб мўйимдан,  
Дўстимга, чиқмай юрган кўйимдан,  
Оғтобни олиб бердим қўйнимдан.

Ошиқ севгисин изҳор этибди,  
Ул гўзал парво этмай кетибди,  
Боғ ичра дўстим мадад кутибди,  
Дўстимга, чиқмай юрган кўйимдан,  
Оғтобни олиб бердим қўйнимдан.

Қўйнимда унинг тафти қолибдир,  
Бўйнимга сочин ўраб олибдир,  
Дилбарим ютди бугун, ғолибдир,  
Дўстимга, чиқмай юрган кўйимдан,  
Оғтобни олиб бердим қўйнимдан.

«Дўст учун ютгин заҳар» дедилар,  
Муштум кўрсатган дўстлар эдилар,  
Шу дўстлар келиб мени едилар,  
Афсуски, чиқмай юрган кўйимдан,  
Оғтобни берган эдим қўйнимдан.

Эй оғтоб, тафтинг иссиқ жонимда,  
Оқиб турибсан ҳамон қонимда,  
Кечиргил, келиб бўлғил ёнимда,  
Ҳеч кимга, чиқмай юрган кўйимдан  
Оғтобни олиб бермам қўйнимдан.

## ГУЗАЛ

Қишлоғимда ном чиқарди бир гўзал,  
Дедим унга, дўппи тикиб бер, гўзал,  
Истиқболнинг ҳақда ўйлаб кўр, гўзал,  
Қўриқ ерга менинг билан юр, гўзал,  
Ҳаёт гаштин қувнаб-қувнаб сур, гўзал.

Жайхун сувин, саҳро, чўлга қаратим,  
Даштликларда кўркам боғлар яратдим,  
Меҳнат қилиб, бўз ерлардан бол тотдим,  
Қўриқ ерга менинг билан юр, гўзал,  
Ҳаёт гаштин қувнаб-қувнаб сур, гўзал.

Юр гўзалим, бирга олиб кетайин,  
Чўл гулидан сенга ҳадя этайин,  
Севгимиздан ажиб дoston битайин,  
Қўриқ ерга менинг билан юр, гўзал,  
Ҳаёт гаштин қувнаб-қувнаб сур, гўзал.

Чўл деганим асли бугун чўл эмас,  
Билиб қўйгил, борган киши ғам эмас,  
Сафо Очил ёлғонни ҳеч рост демас,  
Қўриқ ерга менинг билан, юр гўзал,  
Ҳаёт гаштин қувнаб-қувнаб сур, гўзал.

## МУНИС ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Юртни кезадур бахти қаролиғ,  
Наҳотки насиб этмас сафолиғ,  
Кулфат ёғдирмиш жабру жафолиғ,  
Қўйингда қилай десам гадолиғ,  
Дерлар, санга борму подшолиғ?

Уқиб олғил ушбу иншони,  
Ёр тутибсан кибру ҳавони,  
Унутиб ҳам маслак, ҳаёни,  
Тарк айладинг аҳли ошнони,  
Бегонага айлаб ошнолиғ.

Мендан чарх уриб кулғил, эй чарх,  
Қўзларим, майли ўйғил, эй чарх,  
Сабри тож бошда, билғил, эй чарх,  
Ҳар на ситам ўлса қилғил, эй чарх,  
Солма ароға вале жудолиғ.

Оламдан кетмиш неча шаҳид,  
Чархнинг ўзидир бунга шоҳид,  
Сабаб барига хароб палит,  
Ботинда риёдур, этса зоҳид,  
Зоҳирда агарчи порсолиғ.

Бунда бошга не тушса кўрарсен,  
Сафо Очил, қаддинг ё турарсен,  
Ғанимлар кўксига ниш урарсен,  
Мунис неча нуқта кўп сурарсен,  
Қам бўлса матоъ ўлур баҳолиғ.

## МУНИС ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ишқ дўзахи ичра бўлдим ўзимдан безорлар,  
Билмадим мен тушдими ё орага агёрлар,  
Хазин куйлар қулоғима инграб мунгли торлар,  
Кўнглума бир гул ғамидин сончилибдур хорлар,  
Оҳким, ҳар хордин жонимдадур озорлар.

Аввали этиб кўп мафтун жилваи Лайливаши,  
Сўнг дилни қилди лолагун жилваи Лайливаши,  
Нозланиб олмоқчи ё хун жилваи Лайливаши,  
Айламиш кўнглимни мажнун жилваи Лайливаши,  
Ким асири ғамзасидурлар пари рухсорлар.

Басе, қалбимдадур муҳаббатнинг нурли ҳар қирраси,  
Кўриб ёр ишвасин оғзин очиб қолди ер курраси,  
Бул даме бўғиб мани бўйнимга чулғанур дурраси,  
Турфа айёреки дин нақдин олурда турраси,  
Урганурлар андин ўғрилиқ ишин таррорлар.

Жонима ўт солмишдир бир нияти даври қадаҳ,  
Ё балки ҳушим олмоқ руҳияти даври қадаҳ,  
Эл ёдидан кетмас то давомати даври қадаҳ,  
Гардиши чашмидадур кайфияти даври қадаҳ,  
Мен билибдурманки, билмаслар ани ҳушёрлар.

Дарди йўқ кимсалар ки улфат ўлса ёр ила,  
Нежаб, эгри йўлда рағбат ўлса ёр ила,  
Сафо Очил, эл ҳайрон хиёнат ўлса ёр ила,  
Мунисо, агёр гар ҳамсуҳбат ўлса ёр ила,  
Бўлма маҳзун ҳамдами гул бўлғусидир хорлар.

## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Севмаклик кор экан деб, менинг корима айтинг,  
Бу йўлда чексангиз оҳ, келиб зорима айтинг,  
Йўқ, йўқ, ҳамдарад бўлғувчи юрак торима айтинг,  
Кўнглум гамин, эй дўстларим, ёрима айтинг,  
Жоним аламин лаъли шакарборима айтинг.

Кўксима тиф урсаким севги жафосин билгай,  
Сўнгким, бу бошимдан жабрини бир ёнлиқ қилгай,  
Раҳм айлабон ҳолима дилбарим бағри эзилгай,  
Шоядки тараҳҳум қилибон кулбама келгай,  
Ҳолимни паризоди вафодорима айтинг.

Кўнглим ҳеч кими демас, ҳеч кима назар солмай,  
Билмадим, нечун йўлидан бир дам кўз узолмай,  
Соғинчим ошиб тобора танда тоқат қолмай,  
Истаб нигоҳи гўшани чашмин топа олмай,  
Беморлиқим кўзлари беморима айтинг.

Гулгула тушибдир, эй дўстлар, жону дилимга,  
Ҳеч нарса сиғмайдур менинг хаста кўнглумга,  
Оҳким ул бевафо тутибдир ханжар қўлимга,  
Озорига кўнглум чидамай, эмди ўлумга,  
Рози эрур ул шўхи дилозорима айтинг.

Тишни-тишга қўюб то ҳанузким чиқармасдан ун,  
Чидайдурман муҳаббат дўзахида тан ёнсун,  
Ошиқлигимга гоҳ инонмай, гаҳи инонсун,  
Келсун доғи қатл айласуну қонима қонсун,  
Қотилвашу ошиқ қушу хунхорима айтинг.

Ул жафокор келсину боғи хазонин кўрсун,  
Хазон ичра чорасиз булбул аҳволин сўрсун,  
Нажот сўраб Сафо Очил қайларга бош урсун;  
Огаҳийни ўлтирсуну ё комини берсун,  
Зинҳор бориб ёри жафокорима айтинг.

## ФЕРУЗ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

**Феруза** осмон ичраким фидузи кўз-кўз шул букун,  
**Феруз** руҳи бахш этибдир қўш қанотки, дуадул букун,  
**Умидим** банди шишасин синдирибон чил-чил букун,  
**Базмимга** келди ул пари рўхсорин айлаб гул букун,  
**Чектим** нетонг ўтлуғ наво, ул навъ ким, булбул букун.

**Келдингу** ва лекин ҳолим англамай озор айладинг,  
**Қанча** ёлвориб тиз чўкмай, жабрингни такрор айладинг,  
**Зулминг** қиличин ўйнатиб, ўзингни хунхор айладинг,  
**Тун бода** ичмай, зоҳидо, худбинлик изҳор айладинг,  
**Бу беодоблик** бўйнунга тасбиҳинг этмиш гул букун.

**Бода** ичра ошуфта ҳол меҳрим чайқалар, эй кўнгул,  
**Не изтироб** саҳросида кезар дарбадар, эй кўнгул,  
**Энди** ҳаётим бўлди деб турсам мухтасар, эй кўнгул,  
**Бўлди** машомим мушк иси бирла муаттар, эй кўнгул,  
**Юз** узра ёзмишдир магар ул дилрабо кокул букун.

**Гар** аёқ қасдида чиқса жоним жаҳони неажаб,  
**Маст** бўлғаймен тирик мурда каби ётғони неажаб,  
**Пинак** бузмай ишқ гулшанин моҳитобони неажаб,  
**Кўнглумга** таъсир этмаса булбул фиғони неажаб,  
**Ким** гулғузорим илгида мийно қилур қул-қул букун.

**Бода** таъсир этиб менинг сарҳуш ўлтурғоним кўруб,  
**Юз** минг нозу истиғнолар ила ул ўрнидан туруб,  
**Товус** киби қадам ташлаб келди кулгичин кулдуруб,  
**Сармасти** саҳбо қилғали чиний аёқлар тўлдуруб,  
**Аввал** ўзи нўш айлабон, тутди манго ҳам мўл букун.

Муродим ҳосил бўлсаким, аини муддао андалиб,  
Шул дамни кутар интизор сийрати сафо андалиб,  
Ўзни қўлга олиб ҳар ён боқибон қиё андалиб,  
Ул оташин юзни кўруб гулшанда шайдо андалиб,  
Ишқи ўтиға ўртаниб бўлмиш вужуди кул букун.

Илтижо қилурман токи бормикан карами Оллоҳ,  
Наҳот бўлмағай гўзаллик султони манго хайрихоҳ,  
Висол бўстонин васфида Сафо Очил оҳ чекиб, воҳ —  
Гарчи эрурман толеъи Феруз ила оламга шоҳ,  
Лек ул парилар сарвари оллидадурман қул букун.

### АВАЗ УТАР ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Эйки, замон неча йил айладик тузуминг тавоб,  
Вале сендин чиқмади то ҳануз бирор иш савоб,  
Эйки, алданиб бу юрт қулликда кун кўрди шитоб,  
Эйки, мунча зулм ила миллатни айларсан хароб,  
«Лоюҳиббуз золимин» деб тангри қилғонда хитоб.

Дедингим, «қўюрмиз сизга ҳурликлар айлабон,  
Яшарсиз ҳамжиҳат озод бирликлар айлабон»,  
Бу замин бойлигин талаб, хўрликлар айлабон,  
Дам-бадам бедоду жабру зўрликлар айлабон,  
Солма мазлум элни кўнглига мунингдек изтироб.

Жаҳаннам ичра азоб чекур миллатим бағри қон,  
Эй, босқинчию зўравонлар, сизларда йўқ имон,  
Емакка қўшиб бердинг оғу бамисоли илон,  
Мунчаким зулм айлагунг бордир мукофоти замон,  
Оқибат бир кун анга масъул бўлиб бергунг жавоб.

Бор умидим, бордир зулмларнинг охир якуни,  
Озод бўлғай бу диёр унут бўлиб бугуни,  
Сафо Очил юрар ёзилиб дардлар тугуни,  
Бор умидим, тездин бўлғуси ҳуррият кунни,  
Эй, Аваз, қолмас булут остида доим офтоб.



## АВАЗ УТАР ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Эй санам, ғайрига имдод этма кўп,  
Ишқ аро мунчалар ирод этма кўп,  
Кўнглими қиймалаб барбод этма кўп,  
Эй санам, ағёрни сен ёд этма кўп,  
Хотиримни зору ношод этма кўп.

Боғ этдим гул ҳидлаб ўлтирғали,  
Пайт пойлайсан гулларим сўлдирғали,  
Орзу жомин оғуга тўлдирғали,  
Зулм ила ушшоқ элин ўлтирғали,  
Кўзларингни мисли жаллод этма кўп.

Не қилсанг қилғил, эй ёр, майлиға,  
Вале шогирд туш Ширин, Лайлиға,  
Шак келтирма бу кўнглим майлиға,  
Ошиқи бехонумонлар хайлиға,  
Эй суманбар, зулму бедод этма кўп.

Нолишим ҳар сония этиб таъсир,  
Муродким, қуёш кўзин ўйгай касир,  
Нигоҳи турса онинг бўлиб басир,  
Бўлмасун яксар жаҳон аҳли асир,  
Узни дилбарликда устод этма кўп.

Замона бўлса, майли, бўлсин охир,  
Айтингиз, шундан бўлак не дей, ахир,  
То ҳануз нимта-нимта Хуштор бағир,  
Тушмасун то ул паривашға оғир,  
Эй Аваз, афғону фарёд этма кўп.

## КОМИЛ ХОРАЗМИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Оҳким, шафқати йўқ бир ёра ошиқ бўлмишам,  
Елкаси узра икки дора ошиқ бўлмишам,  
Дардима топа билмай чора ошиқ бўлмишам,  
Оҳким, бир сарви гулрухсора ошиқ бўлмишам,  
Бемурувват, қотили хунхора ошиқ бўлмишам.

Қор этмас манга ошиқ аҳлин берган далдаси,  
Заминни силкитмиш кўнглимнинг ғам тўла саси,  
Мунчалар қаттиқ экан унинг жоҳил дийдаси,  
Олди жоним нозу истиғнову ёлғон ваъдаси,  
Бир ситамгар золиму маккора ошиқ бўлмишам.

Эринмай қулоқ ос манинг сўзима, эй боғбон,  
Сўзлайман вале келолмай ўзима, эй боғбон,  
Гулшанинг ғами чиқмайдир дизима, эй боғбон,  
Сарви ул хасча кўринмас кўзима, эй боғбон,  
Бир юзи гул, қадди хушрафтора ошиқ бўлмишам.

Билурман, дунё осмонига мен бўлмасман устун,  
Ёлвордим бахтим очилмоғин худодан ҳар кун,  
Наҳотки, дўстлар, ясалмиш бугун умримга якун,  
Ҳажрида кўздин тўқарман тун-кун ашки лолагун,  
Токи мен ул хилъати гулнора ошиқ бўлмишам.

Кўнглим тусамас дилбар турганда жаҳон васфини,  
Орзу этмасман асло жаннати макон васфини,  
Эй, Сафо Очил, ўйлама қай бир кайвон васфини,  
Айлама Комил, манга фирдавсу ризвон васфини,  
Васл ишратгоҳида дийдора ошиқ бўлмишам.

## МУНДАРИЖА

Муаллифдан . . . . . 4

### МУБОРАК КҮНЛАР

Ярашди . . . . .	8	«Ажаб замон бўлди» . . . . .	24
Иймонимда истиқлол . . . . .	9	Ислом неъмати . . . . .	25
Муборақ кунлар . . . . .	10	Туркистон мадҳи . . . . .	26
Қутлуғ бўлгай . . . . .	11	Келажакдан . . . . .	27
Истиқлол фахрияси . . . . .	12	Ўзбекистонсан . . . . .	28
Мустақиллик лалари . . . . .	14	Баҳор келибдур . . . . .	29
Бор бўлсин . . . . .	15	Муборақ бўлсин . . . . .	30
Кўринг . . . . .	16	Наврўз ўйнар . . . . .	31
Эргашинг . . . . .	17	Турғут Ўзол . . . . .	32
Кезармиш . . . . .	18	Марсия . . . . .	33
Етдим . . . . .	19	Қўйлайман . . . . .	34
Хуштор этмишам . . . . .	20	Қаҳрамон . . . . .	35
Ассалом . . . . .	21	Унвоним бор . . . . .	36
Ношукур бўлма . . . . .	22		

### ХОРАЗМ — ЖОНИМ МЕНИНГ

<i>Мувашишахлар</i>			
1.	«Хоразмдай гулшан борми зебо-зебо» . . . . .	38	10. «Савдойи бўлмасин деб» . . . . .
2.	«Жаннатмакон жойлар юрагимга жо» . . . . .	38	11 «Арши аъзам эли но- лишим тинглаб» . . . . .
3.	«Мағрибдан Машриқ қадар то» . . . . .	39	12. «Муаззам Хоразми тавоф этинглар» . . . . .
4.	«Юрт меҳри ҳамду санодир, сано» . . . . .	39	Хоразмга . . . . .
5.	«Қиёмат-қойим бўл- мас асло» . . . . .	40	Хоразм . . . . .
6.	«Маҳзун элим қашшоғу гадо» . . . . .	40	Жонимда Хоразм . . . . .
7.	«Воҳамда ҳақиқий ис- тиқлол бўлсин» . . . . .	41	Хоразмлик йигитлар . . . . .
8.	«Куфр дайрида бо- шим чиқмади кулфат- дан» . . . . .	41	Эй, Она-юрт . . . . .
9.	«Бир умр кўксимда оҳим ниҳон» . . . . .	42	Қўшқўпир фахрияси . . . . .
			Қишлоғим . . . . .
			Урганч деган шаҳарда . . . . .
			«Еронлар, қалб тўрида» . . . . .
			«Илҳом тошди навбаҳор- нинг зиёфатидан» . . . . .
			Кўринди . . . . .
			Мададкор бўлмас . . . . .
			Хивам манинг . . . . .

Богот бугун . . . . .	59	Хоразм деб келдим . . . . .	62
Илҳом гулшани . . . . .	60	Хива сулувига . . . . .	64
«Бу ёлғон дунёда менга не ғам» . . . . .	61	Эй, элдошлар . . . . .	65
		Донимадингми . . . . .	66

#### ВАФО НАҚШИН ДИЛГА ЁДИМ

Аллоҳдан қўрқаман . . . . .	70	Кўклам қўшиғи . . . . .	109
Кўрдимо . . . . .	71	Хой қиз, алдашдими? . . . . .	110
Иймон экан . . . . .	72	Висол қўшиғи . . . . .	111
«Баҳор» оғушидан . . . . .	73	Мулойим бир қиз билан . . . . .	112
Покиза аёлларга . . . . .	74	Ўзимни севиб қолибман . . . . .	113
Кўзларим ўйнайди . . . . .	75	Бошим айланди . . . . .	114
Тақдирдошим излайман . . . . .	76	Ўзим-ўзим . . . . .	115
Қўшиқ айтмасдан . . . . .	77	Раъномисан сан . . . . .	116
Қиз бола аллалари . . . . .	78	Қанотимо . . . . .	117
Ўғил бола аллалари . . . . .	80	Елғизлик . . . . .	118
Бирлашингиз, ҳалол ин- сонлар . . . . .	82	Келди . . . . .	119
Деҳқон йигит қўшиғи . . . . .	83	Ёрқиной . . . . .	120
Севиб қолдим . . . . .	84	Билмадим . . . . .	121
Дод алинган . . . . .	85	Болалигинг бор бўлгай . . . . .	122
Келдиё . . . . .	86	Вафо нақшин дилга ўй- дим . . . . .	123
Ошкор айлама . . . . .	87	Яхши десалар ҳам, ёмон десалар ҳам . . . . .	124
Тобланаман оловингда . . . . .	88	Жоним бериб кетсанг не- тар . . . . .	125
Қайлардадир жонинг сани . . . . .	89	Ичинда . . . . .	126
Тошкентга . . . . .	90	Нозланиб . . . . .	127
Норимни бер . . . . .	91	Қўшиқ бўлиб туғилганман . . . . .	129
Хуш кўрдик . . . . .	92	Бизни ташлаб кетма . . . . .	129
Кўзларимдан сизиб чиқ- қан қайғулар . . . . .	93	Гуллола . . . . .	130
Қачон галарсан . . . . .	94	Гулчи йигитга . . . . .	130
Галин саломин айтиб . . . . .	95	Шивирлагай . . . . .	131
Интизорим келмасми . . . . .	96	Гизлама . . . . .	132
Ой бўлар . . . . .	97	Сочлари ўрим-ўрим . . . . .	133
Нозига борман . . . . .	98	Оғриқли куялар . . . . .	134
Яхшидан шарофат . . . . .	99	Ўтарман . . . . .	135
Бибиҳожа . . . . .	100	Ўзимнинг жоним . . . . .	136
Топарман . . . . .	101	Бева аёлларга . . . . .	136
Ол юзингдан пардангяи ол . . . . .	102	Она қўшиғи . . . . .	137
Юлдузим . . . . .	103	Ёримнан айрилдим . . . . .	138
Ваъдасидан тонмагай . . . . .	104	Лафз ҳалол ёрмасиз . . . . .	139
Умид гулшани . . . . .	105	Ғариб бўлиб . . . . .	140
Жонон қизлар . . . . .	106	«Эй, дилбарим, мулойим-	
Умр тила ўзингга . . . . .	108		

сан, мулойим» . . . . .	141	«Чораси борми, кўнглим	
Сехрли муҳаббат . . . . .	142	кўрди талофат» . . . . .	168
Танишув . . . . .	144	Эй, наврўз . . . . .	169
Гўзларингни олиб қочма . . . . .	145	«Сув кўрмай этик ечиб	
<b>Қолди</b> . . . . .	<b>146</b>	алданибман» . . . . .	170
Дардингни айт . . . . .	147	«Гет десангда, гулим,	
Нўнни қиз . . . . .	148	гетиб галарам» . . . . .	171
Йигитлар ёр-ёри . . . . .	149	«Аламин бор дунёдин, эй	
Йиғлама . . . . .	150	Хушторо» . . . . .	171
«Бисмиллоҳир роҳманир		«Ёруғлик кўрмадим бу	
роҳим» . . . . .	151	олам ҳисобидан» . . . . .	172
«Жайхундай тошсангиз		«Булганиб мўсаффо ҳаво-	
худони ёд айланг» . . . . .	152	лар йиғлайдир» . . . . .	172
«Ло илоҳа Иллаллоҳ» . . . . .	153	«Кўрдим, баъзан амалдор»	173
Устина . . . . .	154	«Сихҳатлик банди тухмат,	
Яхши . . . . .	154	мараз» . . . . .	174
Манга ўхшайдур . . . . .	155	«Хаёл, қиш фаслида» . . . . .	174
Келдим . . . . .	156	«Тухмат захри билан бул-	
Розиман . . . . .	157	ғанди ошим менинг» . . . . .	175
«Орзуларим бағри» . . . . .	157	«Дардимиз бир, дилбар-	
«Аёллар ўзин тутса камтар		гинам» . . . . .	175
«Ўз юртимда бўлдим		«Ғамноқдурмен, мен ға-	
машҳур армонсиз» . . . . .	158	рибга қулмоқ ҳам йўқ» . . . . .	176
«Келди мани ахтариб		«Бир гапим бор деб» . . . . .	177
ёшгина жононгина» . . . . .	159	Сўрамадим . . . . .	178
Муҳаббат гулшанида . . . . .	160	«Паризодким ҳоким у та-	
«Ҳаётки, барчага сабоқ-		намда қон қадар» . . . . .	178
лидир» . . . . .	160	«Дилбар, сени бир кўриш-	
«Пок кишини кимдир иғво		да ҳайрон қолдим-ку» . . . . .	179
қиладир» . . . . .	161	«Бир дилбарнинг жонига	
«Текин келган молу давлат		жон эдим» . . . . .	180
керакмас» . . . . .	161	«Ҳисларимдан дуру гавҳар	
«Тушимда, жайрон кў-		сочилса» . . . . .	180
ринди» . . . . .	162	Орзу зиёси . . . . .	181
«Қалбимда бир гул ўстир-		Савоб айлай . . . . .	182
дим» . . . . .	163	Сафолар айлаб . . . . .	183
Қамолга етибсан . . . . .	164	Хаёли ҳамён экан . . . . .	184
«Инжу йиғган каби-		Соғиниб кутдим . . . . .	185
йиғинг сафоларни» . . . . .	164	Виқори бор шу қизнинг	186
«Билинг, орзу хом хаёл-		Хуршиди анвардурсен . . . . .	187
дир» . . . . .	165	Бирлашсин . . . . .	188
Хитоб этдим . . . . .	166	«Зулмат ёриб, отди тонг»	189
Азиз . . . . .	166	«Саф-саф бўлиб солланиб»	190
<b>Мангзар</b> . . . . .	<b>167</b>	«Бу дунёни кенг деймиз»	191

«Орзуларим изма-из» . . .	192
Эй пари . . . . .	193
Ўзингни хор айлама . . .	194
«Юрагим лиқиллайди» . . .	195
«Кўклам келди оламга» . . .	196
«Қайрилиб-қайрилиб қа- райман» . . . . .	197
Келарми . . . . .	198
Дардинда . . . . .	199
«Соринжоқда учма ёр» . . .	200
«Кўнгил қўйдим лобар қизга» . . . . .	201
Бирлик гарак . . . . .	202
«Замонким, бу бошима» . . .	203
«Дўстларим, бул замонда» . . .	203
«Бошдан ўтди не кунлар» . . .	204
«Кўкрак тўлди ҳасраг- ларга» . . . . .	205
«Афсонавий жононга» . . .	206
<b>«Гўзал бордир ягона» . . .</b>	<b>207</b>
Сиз билингу мен билай . . .	208
Кўзларинг уриштирма . . .	209
Хушторман . . . . .	210

«Қошимда ўлтириб қар кун» . . . . .	211
Емон ҳокимлар хусусида . . .	212
«То ҳанузким нафи тегмай» . . . . .	213
Тутмишлар . . . . .	214
Маликамни кутарман . . .	215
Кечмасман . . . . .	216
Келармиш . . . . .	217
Ўн саккиз ёштини . . . . .	218
«Жоним, тушдим алинга» . . .	219
«Наврўз чоғи борибман» . . .	220
Сен кимсану мен кимман . . .	221
Билмасликка олади . . . . .	222
Нафратим . . . . .	223
Тасанно . . . . .	224
Борми . . . . .	225
«Эллар аро юриб-юриб» . . .	226
<b>«Сой бўйина галар адик» . . .</b>	<b>227</b>
Қора гўз . . . . .	228
«Эътиқодга зор дунё» . . .	229
Билмадим . . . . .	230
Манзара . . . . .	231

#### МУХАММАСЛАР

Ватан ҳақида қўшиқ . . .	232
Иймон билан кетарман . . .	233
Наврўзим . . . . .	234
Эй, сўна . . . . .	235
Бўлакча . . . . .	236
Раҳмат . . . . .	237
Хуш армоним бор . . . . .	238
Елғончилар . . . . .	239
Эзгулик бўстонида . . . . .	240
Каромат бўлсин . . . . .	241
Ҳақ сўзи — халқ сўзи . . .	242
Ростин айтсам . . . . .	243
Тамалар айлаб . . . . .	244
Бўлмишам . . . . .	245
Омин . . . . .	246
Кулдию кетди . . . . .	247
Башорат айлаб . . . . .	248
Қўз ёшингни тўкма . . . . .	249
Гунча . . . . .	250
Кулгуни кўргум . . . . .	251

Ёшлигим ёд этиб . . . . .	252
Ҳофиз Хоразмий ғазалига мухаммас . . . . .	253
Қайишмас . . . . .	254
Висолингга тўёлмайман . . .	255
Ўргиллай . . . . .	256
Эй, маҳвашим . . . . .	257
Меҳр офтоби . . . . .	258
Гўзал . . . . .	259
Мунис ғазалига мухаммас . . .	260
Мунис ғазалига мухаммас . . .	261
Огаҳий ғазалига мухам- мас . . . . .	262
Феруз ғазалига мухаммас . . .	263
Аваз Утар ғазалига му- хаммас . . . . .	264
<b>Аваз Утар ғазалига му- хаммас . . . . .</b>	<b>265</b>
Комил Хоразмий ғазалига мухаммас . . . . .	266

САФО ОЧИЛ ◦

**МУБОРАК КУНЛАР**

(Шеърлар)

Тошкент «Ўқитувчи» 1994

Муҳаррир **М. Аҳмедов**  
Бадий муҳаррир **Б. Жўраев**  
Техник муҳаррир **Д. Габдурахманова**  
Мусаҳҳиҳа **Л. Мирзааҳмедова**

ИБ № 6549

Теринга берилди 4.01.94. Босишга рухсат этилди 12.05.94. Бичими 64X108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Тип. қоғози. Кегли 10 шпонск. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 14,23. Шартли кр.-отт. 14,437. Нашр. л. 8,2. 22000 нусхада босилди. Буюртма 2334.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент—129, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13-240-93.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй. 1994.

095

**Очил, Сафо.**

Муборак кунлар: (Шеърлар).— Т.: Уқитувчи, 1994.— 272 б.

Уз2